

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАНИБЕК КАЗИЕВИЧ САУХАНОВ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА
ТАШҚИ САМАРА
(ЭКСТЕРНАЛИЙ)ЛАР
ТАЪСИРИНИ ОПТИМАЛ
ТАРЗДА ТАРТИБГА СОЛИШ**

(Қорақалпогистон Республикаси мисолида)

MAJBURIY BEPUL NUSXA



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
Тошкент – 2013

X

УЎК 63(575.121)

КБК 65.32(5Ў-6 Корак)

С 12

- б/х аграр иқтисоди

Ушбу монографияда аграр секторда ишлаб чиқариш жараёнида ву-
жудга келувчи ташқи самара (экстерналий)ларни оптимал тарзда тар-
тибга солишининг иқтисодий-математик моделлари, таҳлил усуллари
кўриб чиқилган ҳолда, давлатнинг аралашуви ёрдамида қишлоқ хўжа-
лигига ташқи таъсиirlарни оптимал тартибга солиш мумкинлиги наза-
рий-услубий жиҳатдан асосланган.


Монографияла келтирилган илмий-амалий тавсия ва таклифлардан
маҳаллий ҳокимият органлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари,
шунингдек, унда келтирилган назарий материаллардан Олий ўкув юрт-
ларида «Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти», «Фермер хўжаликларини
ташкил қилиш ва бошқариш», «Минтақа иқтисодиёти» каби фанларни
ўқитипида кенг фойдаланиш мумкин.

Масъул мухаррир:

иқтисод фанлари доктори, профессор *Т.Шодиев*

Тақризчилар:

иқтисод фанлари докторлари, профессорлар *К.Убайдуллаев*,
Т.Дўстжанов



10 41504
2g,

ISBN 978-9943-19-242-3

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан»
нашриёти, 2013 й.

КИРИШ

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози эркин бозор механизми давлат иштирокисиз макроиктисодий барқарорликни таъминлаши мумкин эмаслигини ҳамда бундай ҳолатларда бозор иктисодиёти «ўзини ўзи тартибга солиш»да заиф эканлигини кўрсатди. Бозор иктисодиётининг яхши ишламаслик сабаблари кўп ва улардан бири – ишлаб чиқариш жараёнида ташки самара (экстерналий)лар мавжудлиги ва бозор нархida барча харажатларни инобатга олиш кийинлигидир.

Ўзбекистон Республикасининг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида иктисодиётни модернизациялаш ҳамда кишлоқ хўжалигини тараққий эттиришимиз учун фермер хўжаликларини оптималлаштириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва харажатларни қисқартириш асосида аграр секторнинг баркарор ривожланишини таъминлаш мухим аҳамият касб этади. Аграр соҳага экологик омиллар таъсири, ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви, шўрланиш, минерал ўғитлардан самарасиз фойдаланиш каби ҳолатлар мавжудлиги сабабли ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши кузатилмоқда.

Бундай шароитда, албатта, бозор муносабатларининг бошқа иштирокчилари сингари фермер хўжаликлари ҳам бевосита ва билвосита харажатларни қисқартириш асосида фойда ва даромадларни оширишга ҳаракат килади. Бу эса кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини оширишга хизмат килади. Республикаизда 2007 йилда қабул қилинган «Экология хавфсизлиги» давлат дастури доирасида жойларда атроф-муҳитни муҳофаза килиш юзасидан ташкилий-иктисодий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Ҳозирги вақтда юртимизда жами суғориладиган ерларнинг қарийб 49 фо-

изи турли даражада шўрланган бўлиб, бунинг карийб 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир, 23 фоиздан ортиги эса бонитети паст ерлар тоифасига киради. Мелиоратив ҳолати кониқарсиз ерларнинг катта қисми Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жizzах ва Фарғона вилоятларига тўғри келади.

Биз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга йўналтирилаётган инвестициялар хажмини бундан бўён ҳам кўпайтириб борамиз. Айни пайтда ушбу мақсадлар учун йўналтирилаётган катта миқдордаги маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни мақсадли ишлатиш, замонавий технологиялар ва техникани жорий этиш борасидаги ишларни ҳам тартибга солишимиз лозим»¹. Жумладан, 2011 йилда кишлоп ҳўжалигининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 8 974 600 000 сўмлик маблағ сарфланди.

Мазкур давлат дастурини амалга ошириш учун тегишли иктисодий чора-тадбирларга сарфланадиган барча харажатларни, шу жумладан, ташки самара (экстерналий)ларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган чиқимларни ҳам тўлиқ ҳисобга олиш зарур. Уларнинг кишлоп ҳўжалиги ишлаб чиқаришига таъсирини тадқик этишда кўп омилли эконометрик тадқикот ўтказиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чикиш, барча табиий ресурслардан, биринчи навбатда, ердан самарали фойдаланишида муҳим аҳамиятга эга.

Назарий-методологик жиҳатдан қишлоп ҳўжалигидаги экологик муаммоларни ўрганишга бағишиланган тадқиқотлар анча кўп. Бозорнинг такомиллашмаганилиги ва унинг муайян турдаги неъматларни етарлича ишлаб чиқаришга қодир эмаслигини биринчи бўлиб А.Смит, А.Маршалл ва А.Пигу каби иктисадчилар асослашди. А.Смит давлатнинг иктисодий функциясини ифодалаб берган бўлса, А.Маршалл ва А.Пигу илмий соҳага «ташки самаралар» тушунчасини киритишиди.

Ташки самара (экстерналий)лар таъсири натижасида бозор

¹ Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз таракқиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат киласди. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халк сўзи. 2011 йил 22 январь.

фаолиятидаги нұқсанлар түшунчаси ҳозирги вактда нафакат фундаментал, балки амалий жиһатдан ҳал этилмаган муаммолар жумласига киради. «Бозор нұқсонлари»ни бартараф этиш муаммолари иқтисодий адабиётда XX асрнинг иккинчи ярмида юзага келган ижтимоий сектор иқтисодиёти, ижтимоий фаровонлик иқтисодиёти, ижтимоий танлаш концепциялари доирасыда үрганилади.

Иқтисодий назарияда бозорнинг начорлиги муаммоси, бозор нұқсонларини компенсациялаш, уларни бартараф этиш имкониятларига үргу берилади. Ушбу холатта Р.Гринберг, А.Рубинштейн, В.Герасименко, В.Дудкин, Ю.Петров, М.Жукова, Н.Фролова, Ю.В.Федорова, А.Е.Шаститко, Л.Якобсон каби² хорижлик тадқикотчилар, иқтисодий-математик моделлаштириш мұаммоларига Н.П.Федоренко, М.Я.Лемешев, К.Г.Гофман, А.А.Гусев, И.Г.Гусева, И.Н.Ляшенко, М.В.Михалевич каби³ олимлар хам эътибор қаратыпши.

Ўзбекистон Республикасида атроф-мухитни муҳофаза килиш ва экологик-иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш масалалари С.Ғуломов, Б.Атаниязов, Н.Аимбетов, А.Матекеев,

² Гринберг Р., Рубинштейн А. Экономическая социодинамика. М.: Институт соц. экономики, 2000. – 446 с.; Герасименко В. В. Ценовая политика фирмы. М.: Финстатинформ, 1995. – 87 с.; Дудкин В. Саморегулирование и регулирование рыночной экономики // Экономист. 1998. № 5. С. 41; Петров Ю. А. и др. Многомерные экономические индексы: теория и использование в анализе динамики промышленного производства // Российский экономический журнал. 2000. №12. С. 4–11; Эколого-экономическое обоснование сбалансированных форм регионального развития в системе «Общество – природа» (Цели, задачи, решения) / Под ред. О.П. Литовки, М.П. Федорова. Сиб.: СПб ГТУ, 2001. – 368 с.; Шаститко А. Модель рационального экономического поведения человека // Вопросы экономики. 1998, № 5. С. 19–24; Якобсон Л. И. Государственный сектор экономики // Экономическая теория и политика. М., 2000. – 376 с.

³ Федоренко Н. П., Лемешев М. Я., Гофман К. Г. Актуальные вопросы экономики природопользования // Общественные науки. 1977. №3. С. 23–28; Гусев А. А., Гусева И. Г. Эколого-экономические проблемы устойчивого развития. М.: ВИНИТИ: Экономика природопользования. 1996. – 296 с.; Ляшенко И. Н., Михалевич М. В., Утеулиев Н. У. Методы эколого-экономического моделирования. Нукус: Билим, 1994. – 236 с.

З.Тошматов, Н.Утеулиевлар томонидан⁴ тадқиқ этилган. Бирок, ушбу тадқиқотларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтгунга қадар бажарилган ва мазкур жараёнларни моделлаштириш режали иқтисодиёт нуктаи назаридан кўриб чиқилган.

Қорақалпоғистон Республикасида жами қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг 31,9 фоизи кам шўрланган, 35,9 фоизи ўтча шўрланган, 10,3 фоизи кучли шўрланган ва атиги 21,8 фоизи шўрланмаган ерларни ташкил этади⁵. Таъкидлаш жоизки, экологик вазиятни яхшилаш, Қорақалпоғистон Республикасида шўрҳоқ срларни ювиш ва тупрок эррозиясини олдини олиш билан боғлиқ харажатлар кескин ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида пайдо бўладиган ташки самара (экстерналий)ларни тартибга солиш масалалари республикада, айниқса Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигида умуман тадқиқ этилмаган. Шу муносабат билан мазкур тадқиқот мавзуси ғоят долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу тадқиқотимиздан асосий максад иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ташки самара (экстерналий)лар таъсирини оптимал тартибга солишининг назарий-услубий жиҳатларини асослаш, қишлоқ хўжалигида барча харажатларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат. Бунда, асосан, куйидаги тадқиқот вазифалари белгиланди ва ҳол этилди:

- ташки самара (экстерналий)ларнинг можияти, генезиси ва сабабларига оид илмий асосларни умумлаштириш ва амалий аҳамиятини очиб бериш;
- бозор иқтисодиётида ташки самара (экстерналий)ларнинг

⁴ Гулямов С. С., Аимбетов Н. К. и. др. Экономико-экологические аспекты региона. Нукус, 1992. – 144 с.; Атаниязов Б. Управление эколого-экономических систем. Ташкент: Фан, 1998. – 124 с.; Матекеев А. К. Моделирование и оценка использования производственного потенциала региональных агрозэкономических систем (на примере АПК Каракалпакской АССР): Автореф. дис. ... д.э.н. Ташкент: Ташкентский институт народного хозяйства, 1990. – 33 с.; Тошматов З. Эколого-экономическая оптимизация водопользования в Республике Узбекистан: Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Ташкент: ТДИУ, 1998. – 284 с.

⁵ КР Иқтисодиёт вазирлиги ва Қорақалпок ГМЭ маълумотлари.

аграр тармоқда пайдо бўлиш сабаблари, ўзига хос жиҳатлари ва окибатларини тадқиқ этиш бўйича услубий ишланмалар яратиш;

– давлатнинг иктиносидётни, ижтимоий аҳамиятга молик неъматлар ишлаб чиқарииш фаолиятидаги йўналишлар ҳамда ташки самараларни тартибга солишдаги иштирокини асослаш;

– Коракалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори шаклланиши ва ривожланиши ҳамда ер ресурсларидан фойдаланишда ташки самара турлари татбиқ этишини кўриб чиқиш;

– ташки самара ўзгарувчиларини ўз ичига камраб олувчи эконометрик моделлар ишлаб чиқиш ва аграр тармоқда маржинал ижтимоий харажатларни аниклаш услубини таклиф этиш;

– фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини таклиф этишининг маржинал харажатларини хисобга олган холда оптималь вариантларини ишлаб чиқиш ва самарасини асослаш;

– тупроқнинг шўрланиши ва ерларнинг бошқа сабабларга кўра яроксиз ҳолатга келиш муаммоларини тартибга солишда Коуз теоремасидан фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш;

– қишлоқ хўжалигига ташки самара (экстерналий)ларни давлат томонидан оқилона тартибга солишга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва фермер хўжаликларида жорий этиш.

Монографияда тадқиқот обьекти сифатида Коракалпоғистон Республикаси аграр сектори ва унда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари олинди. Коракалпоғистон Республикаси фермер хўжаликлари ҳақидаги 2000–2010 йиллар мобайнида тупроқнинг шўрланиши ва инқирозга юз тутиши ҳамда ердан фойдаланишга бошқа таъсиirlар тўғрисида ҳамда илмий тадқиқот институтлари ва тажриба-синов станцияларининг маълумотлари, шунингдек мутахассислар ўртасида олиб борилган сўров натижалари тадқиқотнинг ахборот базасини ташкил этади.

Ташки ижобий ёки салбий самара (экстерналий)лар мулк эгала-ри ижтимоий-иктисодий фаолиятига муҳим таъсири кўрсатади. Шу боис уларнинг таъсирини баҳолаш ҳамда уларни тартибга солиш ишлаб чиқаришни самарали бошқаришга имкон беради. Экстерналийлар кўп омилли ўзгарувчилар билан боғлиқлиги уларни ишлаб чиқариш фаолиятига таъсирини математик усууллар ёрдамида ўрганишни тақозо этади.

Тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари стиштириш жараёнининг эконометрик моделларида ташки самаралар таъсирида вужудга келувчи барча мұқобил ва трансакцион ҳаражатларни минималлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини аниклаш юзасидан илмий-услубий ишланмалар ва амалий тавсиялар яратилди. Жумладан:

- ташки самара (экстерналий)лар корхоналар фаолиятида салбий оқибатларни вужудга келтириши ва бозор механизми танкис ресурсларни оптималь таҳсиллашга ожизлик қилиши асосланди;
- тизимли таҳлил нұктай назаридан ташки самара (экстерналий)ларга муаллиф таснифи берилди, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорида талаб ва таклиф функцияларига таъсир кучи миқдорий баҳоланди ва бозор мувозанати шартлари асосланди;
- бозор иқтисодиётiga давлатнинг аралашуви танкис ресурсларни Парето теоремаси бўйича оптималь таҳсилланиши ҳамда ишлаб чиқаришда ташки самара (экстерналий)ларни тартибга солиши мумкинлиги фермер хўжаликлари мисолида кўрсатиб берилди;
- республика қишлоқ хўжалигига ташки самара (экстерналий)ларни экинларнинг ҳосилдорлик даражасига ҳамда иқтисодий самарадорликка салбий таъсири эконометрик моделлар оркали аникланди;
- Коуз теоремаси негизида аграр секторда маржинал ижтимоий даромад ва маржинал ижтимоий ҳаражатларни хисобга олган ҳолда, ер ресурсларидан фойдаланиши оптималь тарзда тартибга солишининг иқтисодий-математик моделлари ишлаб чиқилди;
- қишлоқ хўжалигига ташки самараларни миқдорий ўлчам, тартибга солиш ва фермер хўжаликлида ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини оширишга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Монографияда илгари сурилған гоя ва усуллар аграр секторда табиат (ер)дан фойдаланиш бўйича оптималь тарзда тартибга солишининг иқтисодий-математик моделлари; давлатнинг аралашуви билан экстерналийларни самарали тартибга солиш бўйича муаллиф тавсиялари; қишлоқ хўжалигига ташки таъсирларни самара-

ли тартибга солиш ва фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг иктисодий самарадорлигини оширишга доир тавсиялари суғорма дехқончилик шароитида агроиктисодий жараёнларни моделлаштириш ҳақидаги билимлар доирасини кенгайтиради ва улардан ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган чоратадбирларни асослашда фойдаланиш мумкин.

1-БОБ

ТАШҚИ САМАРА (ЭКСТЕРНАЛИЙ)ЛАР НАЗАРИЯСИ ВА БОЗОР МЕХАНИЗМИДАГИ НУҚСОНЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ САБАЛЛАРИ

§ 1.1. Ташқи самара (экстерналий)лар тушунчаси, унинг моҳияти ва турлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида таъкидланганидек, 2008 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши са-марадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатта олиб, фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонларини оптималлаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилди⁶.

Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш жараёнлари воситаларини мақбуллаштириш, муттасил такомиллаштириб бориши факатгина қишлоқ хўжалигидагина эмас, балки бошка соҳаларда ҳам давом эттирилмоқда. Иктисодиётни эркинлаштириш, диверси-фикациялаш ва модернизациялаш, инновация ва инвестици-яларни жалб килиш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнлари чукурлаштирилмоқда. Бу каби саъӣ-ҳаракатлар натижасида иктисодий ўсиш суръатлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу нарса аҳамиятлики, бунда бош ислоҳотчи сифатида давлат алоҳида ўрин тутмоқда.

Ўтиш давлатнинг бош ислоҳотчилик роли муҳимлиги ва ўзбек модели ўта ҳаётий ва узокни кўра билиш маҳсули бўлган

⁶ Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланма. Тошкент: Иктисодиёт, 2009. 41-бет.

дастурнинг кабул қилиниши мазкур йилларда баркарор иқтисодий ўсишни таъминлаш билан ўз тасдиғини топди. Бу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, умуман айтганда, давлатнинг иқтисодиётни тартиблаптиришдаги иштироки хусусида икки хил ёндошувлар мавжуд.

Биринчи ёндашув шуни назарда тутадики, иқтисодиётда бозор муносабатлари кўлами канчалик кенг тус олса, давлат институтларининг иқтисодий ҳаётга аралашуви шунчалик камайиб, иқтисодиётнинг давлат сектори шу кадар заиф бўлиши керак.

Иккинчи ёндашувга асосан, иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солишнинг роли ҳамма вакт, яъни бозор муносабатлари вужудга келаётган босқичда ҳам, бозорнинг энг юксак ривожланган механизмлари юзага келган жойларда ҳам устувор бўлиши кераклиги тан олинади.

Сўнгти бир неча йил мобайнида тиљга олиб келинаётган давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги зарурлиги тўғрисидаги фикрға, ҳатто, либерал йўналиш назариячилари ҳам қўшилишмайди. Дарҳақиқат, давлатнинг факат иқтисодий жараёнларнинг кечишига таъсир кўрсатиш даражасигина мунозора мавзуси бўлиши мумкин. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни Ўзбекистонда ислоҳотларнинг дастлабки босқичи мазмунини тўлиқ белгилаб берди. Бозорнинг «ўзини-ўзи» тартибга солувчи асослари «мамлакат хўжалик тизимини жаҳон тенденцияларига мос келувчи исталган ҳолатга олиб келади», деган нуқтаи назар иқтисодий сиёsatда етакчи ўрин тута бошлади. Бироқ ўшандаёқ, қўрқа-писа бўлсада, давлатнинг кудратли тартибга солувчи асосларисиз самарали бозор бўлмайди, деган огоҳларлантиси ҳам эшитиларди [2,4].

Кейинчалик, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзи даврида иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш функциясини муҳокама ва инкор этиш деярли тўхтади. Ҳозирга келиб ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида, давлатнинг бош ислоҳотчилиги ва иқтисодиётни малакали тартибга солиш зарурлиги кенг доираларда тан олинмоқда. Сиёсий ва илмий доираларда давлатнинг бозор иқтисодиётидаги иштирокига нисбатан қарашлардаги бундай бурилиш чуқур мuloҳаза юритишни талаб киласди. Унинг сабаблари орасида жорий сиёсий конъюнктуранинг таъсири қандай роль йўнашини, шунингдек, ҳозирги ва келгусидаги иқтисодий муносабатларда бозор ва институционал тартибга солувчиларнинг ўзаро нисбати муаммоси жиддий ва муракқаблигини чуқур англаб этиш зарур.

Таъкидлаш лозимки, давлатнинг иқтисодиётдаги ролини қайта англаб етиш факат ўтиш иқтисодиёти давлатлари гагина хос ҳолат эмас, у бозор ислоҳотларининг турли босқичлари даги, иқтисодиёти баркарор мамлакатларнинг иқтисодий тизимларига ҳам тааллуқли. Давлат функциялари ва унинг имкониятларига иқтисодий танглик даврида алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бу ўринда гап истак ва имкониятлар таққослаб кўрилиши ҳақида боряпти. Давлат имкониятлари чекланган жойларда унинг аралашиш шакллари ва йўналишлари ўта пухта таҳлил қилиниши керак. Шу нуктаи на зардан олиб караганда, ривожланган ва ривожланётган мамлакатлар ўртасида сезиларли бўладиган бу борадаги жиддий чегарани умумдавлат эҳтиёжлари учун йўналтириладиган маблағлар даражасидаги фарқларда кўриш мумкин. Умуман олганда, давлат харажатлари ҳозирги вақтда ЯИМнинг саноати ривожланган мамлакатларда қарийб ярмигача, ривожланётган мамлакатларда эса тахминан тўртдан бир қисмига етади.

Бозор муносабатлари инсон фаoliyati билан боғлик бўлган деярли барча соҳаларда ҳам ўзига хос тарзда хукмронлик қилмоқда. Лекин, улар инсонларни даромадлар, шахсни ривожлантириш борасидаги реал имкониятлари бўйича тенгликни ҳамда автоматик тарзда ижтимоий ҳимоясини таъминламайди. Шу бойс, бозор механизми жамият ривожи, ундаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнларда кенг камровли тартибга соловчи ролини бажара олмайди. Унинг заифлашуви ташқи таъсиrlар ёки самара (экстерналий)лар туфайли юз беради. Бунга табиий муҳитнинг ифлосланиш муаммосини якқол мисол қилириш мумкин.

Ифлосланиш – ноз-неъматлар ишлаб чиқариш жараённада инсон истагидан ташқари юз берадиган, лекин уни бартараф этиш учун яна инсоннинг ўзи томонидан қўшимча харажатлар қилинишга сабаб бўладиган жараёндир. Ким қандай хукуққа эгалигини англаб етилиши ифлосланишни камайтиришнинг дастлабки шарти хисобланади. Атроф-мухитга эътиборсизлик ёки ифлосланишнинг мавжудлиги мулкчилик хукуклари атрофида кўплаб низоларга олиб келади. Унбу низоларни ҳал этишдан олдин уларга аниқлик киритиш зарур [67].

Агар бошқалар қилишни хоҳлаган нарсага ихтиёрий равишда рози бўлувчилар сони кўп бўлса, албатта ифлосланишга бархам бериш мумкин бўлади. Афсуски, ҳаёт қанун-коидаси бундай эмас.

Шу боис, бу борада түлиқ такомиллашувга эришиб бўлмайди. Лекин, исталган жамиятда ифлосланиш даражасини пасайтиришга эришиш кўп жиҳатдан анъанавий фукаролик бурчлари қанчалик хурмат қилиниши ва бажарилиши билан бевосита боғлик.

Мулкчилик масалалари бўйича музокаралар ҳам одатдагидек, жамият аъзолари томонидан биргаликда фаолият юритиш, тегишли масалаларда бир-бирининг розилигини олиш, шу тариқа ифлосланишни паст даражада сақлаш хисобига ўз мақсадларига эришиш учун таяниладиган, стандарт тартиб-коидаларга асосланадиган жараён ҳисобланади. Агар мулкчилик ҳукуклари аник белгиланган бўлса, бирор тўхтамга келиш борасида музокаралар ўтказиш осон ва самарали кечади.

Кайсиdir ҳукукка нисбатан низоли эътиrozлар кўпинча ўрнатилган тамоийллар ва амалиётни ўрганиб чиқиш йўли билан ҳал этилиши мумкин. Бироқ суд қарорлари ҳамма вақт ҳам адолатли тарзда тарафлар ҳоҳиш-истакларининг узлуксизлигини кўллаб-кувватлаш лаёкатига эга эмас. Мулкчиликнинг амалдаги коидаларидаги кутилмаган ўзгаришлар, одатда, кўпчиликка маъқул келмайди. Чунки, улар бойлик мажбурий тарзда бир гуруҳдан бошқасига топширилишига олиб келади, ишончли режалаштиришни ҳар томонлама мураккаблаштириб, жамиятдаги ўзаро ишончли ҳамкорликка путур етказади.

Жамиятдаги тез ва туб ўзгаришлар суд қарорларига аниқликлар киритиш йўли билан низоли эътиrozларнинг ҳал этилишини мураккаблаштириши мумкин. Бундай ҳолатларда қонун ижодкорлигига таянилади. Қонун ижодкорлиги инсон ихтиёридаги ресурслар билан боғлик масалаларни ҳал этиш йўлларини белгилаб бериш учун янги коидалар яратилишини таъминлайди.

Янги коидалар, агар улар томонларга ҳукуклар ва мажбуриятларни алмасиши орқали ўз қиёсий устунликларидан фойдаланишини қийинлаштирмаса, балки осонлаштиrsa, атроф-муҳитни ифлосланиш муаммолари самарали ечилишига олиб келиши мумкин.

Чиқиндиларга солиқ солишига асос бўлувчи коидалар, одатда, ифлосланишни камайтириш учун жисмоний чекловлар тўгрисидаги батафсил йўрикномаларга қараганда кўпроқ хизмат қиласи. Чунки, улар инсонларнинг бу борада атроф-муҳит мусаффолиги ва тозаликка риоя қилиш ҳақидаги билимлари бўйича фарқлардан келиб чиқсан ҳолда қатъий тартибларга асосланади. Таъкидлаш

лозимки, экстерналийлар, жумладан, ифлосланиш – бу ахамияти жиҳатидан юқори иплаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни келтириб чиқарувчи омилдир. Бирок, ушбу харажатлар ўзига хос жиҳатларга эга. Афсуски, бу уларнинг оғирлиги ифлослантиришни келтириб чиқарувчи тадбирларга ро-зилик бермаган инсонлар чекига тушади. Қискача қилиб айтадиган бўлсак, бошқаларнинг розилитисиз амалга ошириладиган ҳатти-харакатлар натижасида улар зиммасига юклатиладиган харажатларни келтириб чиқарувчи омиллар ифлосланиш деб номланади.

Иктисадчилар тилида жаранглайдиган экстерналийлар ёки ташки самараалар (*externalities, spillovers*) ифлосланиш муаммосининг моҳиятини ташкил қилади. Бу, уларни амалга оширувчи инсонлар томонидан эътиборга олинмайдиган ва шу боис, уларнинг қарорларига таъсир кўрсатмайдиган харакатлар оқибатидир.

Ташки самара (экстерналий)лар бу – номоддий ҳодиса, муайян инсонлар томонидан билдириладиган фикр. Ифлосланиш эса атроф-муҳитта етказилган зарарни қоплаш йўли билан эмас, балки мулкчилик ҳуқуқлари борасидаги низоларни ҳал этиш йўли билан бартараф этилади [45].

Бозор иктисадиётида бир неъмат учун, ҳатто, тоза ҳаво учун ҳам талаб мутлақ ўзгармас ҳисобланмайди. Худди тинчлик ва осойишталик каби тоза ҳаво олишни ҳам ва айнан биз бунга эришишни қанчалик исташимизни ҳам ўзимиз ҳал этишимиз лозим. Бирок бунда муаммо мураккаблашади, чунки бу ерда фойда олувчилар ва харажатларни тўловчилар бошқа-бошқа инсонлардир. Агар ғаразгўй ифлослантирувчилар билан саҳоватли, тартибли фуқароларни танлашга тўғри келганида, биз учун анча осон бўлар эди. Бундай танлов шунчалик осон ва жозибалики, бунда кўпинча муаммони мутлақ ахлок нуктаи назаридан ҳал этиш мумкин бўларди.

Қишлоқ ҳўжалигига ташки самара (экстерналий)лар муаммоси давлат аралашуви билан ҳал этилади. Бунда иккита ёндашув мавжуд: биринчиси – давлат экстерналийлар билан кузатилган фаолият турларини чеклаши ёки тақиқлаб қўйиши мумкин. Бунинг учун қонун ҳужжатлари ёки нормалари қабул килинади. Иккинчиси – атроф-муҳитни ифлослантирувчи субъектларга нисбатан жарималар солиш [20,54,55].

Назаримизда, ушбу иккита ёндашув бир-бири билан мулкчилик ҳуқуқларининг аник белгиланишига эътиборни қараттан ҳолда

үйғунлаштирилиши керак. Масалан, фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳам бозор механизмлари асосида қишлоқ хўжалигида экстерналийлар муаммоларини қисман ҳал этиш имконини беради.

Бунинг учун, биринчидан, фермер хўжаликларини ривожлатириш дастурининг ижроси билан боғлик қонунчилик ва норматив-хукукий базани янада такомиллантириш ва мустаҳкамлаш, янги конунлар қабул қилиш, тегишли қонун хужжатларига, Ер кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур. Қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қартиш лозим [2,3,7].

Мухими, ифлослантириш ва атроф-муҳитга зарар етказишни бир-бирига ўхшатиб, муаммони чигаллаштираслик зарур. Бундай ўхшатишдаги камчилик шуки, унда қайси ҳолатларда ва нима учун ифлосланиш муаммо эканлиги кўрсатилмайди. Ифлосланиш инсонларнинг улар нимага ҳақли-ю, нимани қилишлари мумкинлигини кутишлари бир-бирига зид бўлганида юзага келади. У мулкчилик хукуклари тўғрисидаги низолар ҳал этилиб, илгари бошқаларнинг ҳаракатларига қарши чиққанлар ушбу ҳаракатларни маъқуллаган тақдирда бартараф этилади.

Энг мухими, ташки самараларни аниқлаш мумкин. Аммо, ифлосланиш жамиятимиз кундалик ҳаётига шунчалик чукур кириб борганки, биз аслида, унинг бартараф этилишига умид ҳам кильмаймиз. Ифлосланиш ўспириналар ўзларининг транзисторли приёмникларини кўйиб автобусдаги бошқа йўловчиларнинг тияч ва осуда манзилига етиб олиш хукукларини бузганда ҳам, ёки аксинча, автобус йўловчилари, автобусда тинчлик ва осудаликда юриш истагини амалга оширган ҳолда, ўспириналарнинг мусиқа тинглапи хукукларини бузганда ҳам, атиргуллар ихлосманди бугуни ўстириб, атиргулларга аллергияси бўлганиларнинг осон нафас олиш хукукларини бузганда ҳам юзага келади. Бу муаммо аллергиядан азият чекувчилар атиргул буталарини ковлаб ташлаб, гул ихлосмандининг хукукини бузганда ҳам йўқолмайди, балки ўз шаклини ўзгартиради, холос. Табиатнинг ифлосланишини ва бошқа экстерналийларни қандай қилиб камайтириш мумкин? Биз ифлосланишни камайтириш ёки уни мумкин бўлган чегараларда сақлаб туриш учун тўртта тартиб-коидага эътиборни қартишни

истардик. Бириңчиси – жамият аъзоларида фуқаролик фазилатлари – ўзаро тушуниш, хүшімугомалалик, камтарлар үзлери тарбиялаш. Зоро, ушбу фазилатлардан мосуво кишилар билан тараққиётта шунчаки зришиб бўлмайди. Агар инсонлар, ўзлари ҳисоблашаётганидек, нималарга ҳақли бўлса ва мутлак ҳаммасига эгалик килишга уринишса, тараққиёт сари интилишлар ўз ўрнини ўзаро зиддиятларга, яъни уруш ҳаракатларига бўшатиб беради. Хўш, жамият аъзоларининг юкорида қайд этилган фазилатлари йўқотилган жойларда уларни кандай қилиб тарбиялаш ёки яхши фазилатларни кандай қилиб тиклаш мумкин? Ушбу саволга жавоб тониш мазкур иш доирасидан анча кенгроқ доирани талаб этади. Бирок, ифлосланиш жараёнини назорат килиш учун бошқа тартиб-коидаларни ёдга олиш фойдадан ҳоли эмас. Ҳусусан, музокаралар, суд қарорларини чиқариш ва конун ижодкорлиги. Қайсиdir маънода фуқаролар юкорида қайд этилган фазилатларга эга бўлишини, канчалик тўғри англанган жамият шунчалик мустаҳкам бўлишини назарда тутади [74, 75].

Ифлосланишини камайтириш учун музокаралар олиб бориш зарур. Инсонлар муайян неъматларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаражатларни амалга ошириш тўғрисида бир-бирлари билан келишиб олишади. Бу неъматларга эга бўлишни истовчилар эса, уларни ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳаражатларни коплаш учун товоң пули таклиф килишади. Шунинг учун, масалан, ҳаммоллар самолётларнинг шовкинидан шикоят қилишмайди, автомеханик учун кийимишаги мойлар ифлослик ҳисобланмайди, итлар майдончаси сохиби эса эгалари шаҳар майсазорларида сайр этувчилар гашига тегадиган ҳаракатлар қилишга монелик қилишмайди, аксинча, илтифот кўрсатишади.

Барча мукобил имкониятларни жуда яхши билувчилар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш зарур. Агар айримлари музокара олиб бориш йўлини танлашни исташмаса, улар кўпинча бошқалар учун кимматга тушадиган йўлни танлашади. Бундайлар, масалан, ресторонларда столни тамаки тутуни етмайдиган бошқа жойга кўчиришни сўраш ўрнига, бу ерда чекишни такидаш тўғрисида конун кабул килинишини талаб этишади. Воҳаланки, ресторанга ўз машинасида келаётганида атроф-муҳитга буркситиб беҳисоб хавфли чиқиндилар чиқарганини хаёлига ҳам келтирмай, ўзи ўтирган жойдаги озгина тамаки тутунига ҳам шикоят килади. Мисол тарикасида келтирилаётган бу каби ҳолатлар шу нарсани

кўрсатадики, агар мулкчилик хукуклари аниқ белгилантан бўлмаса, музокаралар самара бермайди. Йиҳтиёрий алмашувга жалб килинган иштирокчиларнинг ҳеч бирида кимга нима тегишилиги борасида келишмовчилик бўлмаса, ҳар кандай кўринишдаги бундай алмашув яхши ишлайди. Айрим ҳолатларда эса мулкчилик хукукларига аниқликлар киритиш зарурати ўзаро куладай келишув йўлидаги ягона тўсик бўлиши мумкин.

Бир марта аниқ белгиланиши мумкин бўлган мулкчилик хукуклари атрофдаги ҳолат ўзгарганда ноаниқ бўлиши мумкин. Масалан, арzon фотонусхалаш техникасининг ривожланиши муаллифлик хукуки эгаларига фотонусхалаш машиналарининг ҳар бир китоб соҳиби учун очган янги имкониятларини эътиборга олган ҳолда, нимани сотишга умид килиши мумкинлиги борасида кўплаб ноаниқликларни келтириб чиқарди. Кўриниб турибдики, ўзгарган вазият илгари мавжуд бўлган хукуклар бекор қилинишига сабаб бўлади. Бу борадаги низони ҳал этишнинг ягона усули эса суд жараёни ҳисобланади.

Суд қарорларини чиқариш ифлосланиши муаммосига нисбатан эволюцион ёндашувни намоён этади. Лекин, баъзан ўзгаришлар эволюцион йўл билан содир бўлмайди. Уларга дуч келинганда, амалдаги тамойиллар ва усуллар камлик қиласидаги вазият пайдо бўлганида суд текшируви муаммони ҳал этмайди. Мъълумки, техник тараққиёт кўпинча турли вазиятларда тез ўзгаришларга олиб келади. Корда юрадиган машиналар, радарлар билан жихозланган кит овлаш кемалари, атом реакторлари антибиотиклар, пестицидлар – булар биз сўнгги йиллардаги келтиришимиз мумкин бўлган кўплаб мисолларнинг айримлариdir. Техник тараққиёт бошқаларнинг розилигисиз улар зиммасига харажатларни юклаш имкониятларимизни сезиларли даражада оширганда ифлосланишни мумкин бўлган чегараларда саклаб туриш учун янги қоидалар талаб этилади [50,54,61].

Мулкчилик бўйича янги хукукларга бўлган эътиёж ҳам даромадларнинг ўсиши туфайли юзага келди. Янги қоидаларнинг яратилишини биз конун ижодкорлиги маҳсули деб биламиш. Суд қарорларини чиқариш билан қонун ижодкорлиги ўртасидаги чегара амалиётда унчалик аниқ эмас. Лекин, бу борада принципиал фарқ мухим, чунки конун ижодкорлиги мулкчилик бўйича мавжуд хукукларга ўзгартишлар киритади, «уйин» қоидаларининг ўзгариши эса ҳамма вакт адолатлилик масаласи билан борглиқ бўлди.

кўпинча хатти-ҳаракатга жиддий тузатишлар киритишига мажбур қиласди.

Атроф-мухитнинг ифлосланиш даражасини пасайтиришни истовчи жамият олдида турган қийин вазифа – бу адолатсизликнинг олдини олиш ва мақсадларга эришиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш учун қонунларни яратищдан иборат. Ушбу мезонларнинг иккинчисига у муҳимроқ бўлгани учунгина эмас, балки иқтисодий назариянинг адолатлиликни оширищдан кўра кўпроқ харажатларни камайтириш ҳакида маълумот бериши мумкинлиги учун зътибор каратамиз.

Яна бир ёндашув: чиқиндиларга ёки ташки самараларга солик солиши. Келинг, ушбу масалани ортга суриб қўйиб, муаммо тадқиқотини давом эттирамиз. Фараз қилайлик, кимё заводи ҳар қайси манбада ифлосланишни камайтириш бўйича қандай якка тартибдаги харажатлар мавжудлигини амалда билмайди. Бу, бир неча сабабларга кўра, дастлабки мулоҳазамизга қараганда ҳақиқатга анча яқин. Ифлослантирувчиларнинг ўзлари ҳакикий харажатлар ҳакида бошқаларга қараганда яхшироқ билишлари кепрак, лекин жамоатчиликнинг айбловларига қарамай, ўз харажатларини оширишига ҳам интилишади. Боз устига, бундай оширишини батамом ноҳақлик ҳам деб бўлмайди, чунки ҳеч ким ҳали қилиб кўрилмаган бирон нарса билан боғлиқ харажатлар ҳакида ишонч билан мулоҳаза юрита олмайди, шунчаки, оддий оқилоналик уларга юқори баҳо берини талаб қиласди. Ва, нихоят, харажатларни, одатда, тадқиқот ва эксперимент йўли билан қисқартириш мумкин бўлсада, ҳеч ким тадқиқотлар ва экспериментлар натижаларини олдиндан айтиб бера олмайди. Хўш, завод бундай ахборот тақчиллигига дуч келганида қайси қарор энг қулай ҳисобланади?

Агар бундай вазиятда ифлосланиш бирлигига солик белгиланиб, сўнгра ҳар бир ифлослантирувчига у қандай хохласа, шундай амал қилиш имкони берилганда эди, завод фаолияти кўплаб иқтисодчилар томонидан маъкулланган бўлар эди. Агар сиз ифлосланиш бу – уларни яратувчи ўз зиммасига олмайдиган ташки харажатларни келтириб чиқарувчи омил, деган фикрга қўшилсангиз, у ҳолда ифлосланиш манбаси ҳисобланган фаолиятга солик солиши энг тўғри йўл бўларди. Агар, қандайдир тарзда ифлослантирувчи модда бирлигига, ташки харажатлар бирлигига тенг микдорда солик белгиланса, у ҳолда харажатлар унинг яратувчиси зиммасига тушади, чунки у тахминан, уларни яратганлик учун фойда ҳам олади.

Агар бунда ифлосланишни келтириб чиқарувчи фаолиятни давом эттириш анча қимматта тушадиган бўлса, упбу фаолият тўхтатилади, агар фаолият билан боғлиқ харажатлар фойдага қараганда кўпроқ бўлса ҳам шундай ходиса рўй беради. Агар солик тўланганидан кейин ҳам фойда ҳамон харажатлардан юқори бўлса, у ҳолда ташки самараларни келтириб чиқарувчи фаолият кичик кўламларда бўлсада давом эттирилади, чунки энди бу қимматроқ туради. Лекин, ушбу ҳолатда солик солишдан тушадиган тушумни товон тўлаш, розиликни сотиб олиш, кўшимча харажатлар чекига тушадиган инсонлар учун ишлатиш мумкин. Реал ҳаётда харажатлар ифлосланишни камайтиришнинг барча ҳажми учун бир хил бўлмасдан, ҳар бир манба учун кичик фоизга камайтирилганда нисбатан паст ва 100 фоизга яқинлашганда жуда юқори бўлади. Такомиллашувга интилиш, деярли ҳамма вакт ғоят қимматга тушади.

Лекин, қандайдир солик ставкаси ёрдамида айрим жисмоний даражага эришиш, бу – солик ёндашувини танқид қилиш эмас, балки жисмоний даражалар танқиди ҳисобланади. Соликлардан фойдаланиш атроф-мухитни ифлослантирувчиларга ифлослантирганлик учун турли миқдорда солик солинганда нима содир бўлаётганлигини кузатган ҳолда, ушбу харажатлар ва фойдалар ҳакида ахборот олиш имконини беради. Мазкур ёндашув эксперимент ўтказишига асосланган. Харажатлар ва фойда ҳакида ишончли ахборот олиш фаровонликка тааллукли бўлган атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича ҳар қандай дастур учун мухим аҳамият касб этади.

Хулоса килиб шуни таъкидлаш лозимки, экстерналийларни ҳисоблаб чиқиши самарадорликни баҳолаш билан боғлиқ. Атроф-мухит ифлосланиши катта муаммо ҳисобланади, бу аник. Чунки, бунинг натижасида шахслар ўртасида ҳукуқлар бузилиши турли хил келишмовчиликларни келтириб чиқаради. Қайси ҳукуқлар кимга тегишилиги келишиб олинса, ўзаро фойдани ошириш ва биргаликдаги харажатларни камайтиришга эришилади ҳукуқлар эса улар учун хизмат кила бошлайди. Агар мулкчилик ҳукуқлари аник белгиланса, самарадорлик ўзи ҳакида ўзи қайғуради.

§1.2. Ташқи самара (экстерналий)лар тифайли маҳсулотлар ва хизматлар бозори мувозанати шаклланишидаги нуқсонлар

Бозор механизми ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг манфаатли ўзаро мос келган бозор мувозанати таъминланишига

эришилганида самарали ишлайди. Ушбу ҳолатда ресурслар италиялик олим Парето назарияси бўйича самарали тақсимланган, деб хисобланади.

Бу жиҳат бозор мувозанати тақомиллашган рақобатга нисбатан кўриб чиқиласди. Иқтисодиётда тақомиллашган рақобатга бозорларнинг «идеал хили» сифатида каралади. Рақобатнинг идеал хилидан фойдаланган ҳолда, тақомиллашган иқтисодий самарадорликнинг этalon тести ўтказилиб, бозор тузилмалари унга нисбатан баҳоланиши мумкин. Бунда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ортади, чунки истеъмолнинг ортиши ва ишлаб чиқарувчи маҳсулотлари кўпайишига эришилади. Истеъмолчилар кенг кўламли ассортиментдаги истеъмол товарларини харид килишлари ва нархи қаноатлантириши туфайли, жамият ресурслари ушбу товарларни ишлаб чиқариш бўйича самарали тақсимланади. Натижада ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига эришилади. Бирок, айрим ҳолатларда бозор механизми бузилиб, у ёмон ишланиши мумкин. Бунга куйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

1. Бозорларнинг ишлапи ёки технологиялар ҳақида тўлиқ ахборот мавжуд эмаслиги. Масалан, истеъмолчилорга нархлар ва сифат ёки мураккаб маҳсулотлар (молиявий сервислар) тўғрисида энг яхши фикрларга эга бўлиш, ишлаб чиқарувчиларга эса янги технологиилар, ракобатчиларнинг муносабатлари (реакциялари), ресурсларнинг қулиялиги тўғрисида ахборот етимиаслиги мумкин.

2. Ташқи таъсирлар ёки экстерналийларнинг мавжудлиги [121,122].

Юқоридаги барча ҳолатларда иқтисодий фаоллик харажатлари ва фойдалари бозор нархларида акс эттирилмайди, яъни иқтисодий агентлар томонидан бу жиҳатлар ҳисобга олинмайди. Масалан, маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнида нобудгарчилеклар ва ифлосланишларга барҳам бериш қиймати товарларнинг бозор қийматида намоён бўлмайди.

Бозор иштирокчилари ушбу ташқи чикимлар ва фойдаларни «тушунмайди», бунинг натижасида тақчил бўлган ресурслар янада самарасиз тақсимланади.

3. Давлат томонидан ишлаб чиқариладиган ижтимоий товарлар.

4. Бозорда ишлаб чиқарувчининг ҳукумрошлиги ёки монополияси.

Бозор мувозанати самарадорлигини баҳолаш учун талаб ва тақлиф эгри чизикларини кўриб чиқамиз. Талаб эгри чизиги остидаги майдон суммаси истеъмолчилар томонидан товарлар ва хизматлар-

ни истеъмол қилипдан олинган умумий энг юкори фойдалиликни; таклиф эгри чизиги остидаги майдон йигиндиси эса фирмалар, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун сарф килинадиган умумий харажатларни тавсифлайди.

Ташки таъсиrlар натижасида бозор мувозанатининг бузилиши ва талаб ҳамда таклиф чизикларининг силжишини таҳлил этиш учун қуидаги белгиларни киритамиш:

MC – маржинал харажатлар;

PMC – фермер хўжаликларининг маҳсулот бирлигига харажатлари;

SMC – ижтимоий маржинал харажатлар;

MU – маҳсулотнинг маржинал нафлилиги;

S – таклиф чизиги;

MB – маржинал фойда;

SMB – ижтимоий маржинал фойда;

PMB – фермер хўжаликлирдан олган фойда;

P – маҳсулотларнинг бозор нархи;

D – талаб чизиги;

Q_p – ташки таъсиrlар натижасида шаклланган бозор мувозанати;

Q₃ – Парето теоремаси бўйича самарадорлик нуқтасидаги бозор мувозанати.

Таклиф чизиги ташки самара (экстерналий)лар инобатга олинмаган ҳолатда қуидагича ёзилади:


$$S = \alpha + \beta \cdot P$$

бу ерда: α ва β лар тенглама коэффициентлари. Улар кореляцион-регрессион таҳлил килиш орқали топилади [32,51,72,123].


Талаб (*D*) ва таклиф (*S*) чизиклари кесишган нуқта (*E*) танкис ресурсларни Парето самарадорлиги асосида таксимланишини ифодалайди. Микроқитисодиёт назариясида талаб чизиги (*D*) бошкacha маънода, яъни ижтимоий наф чизигини кўрсатади. Чунки, қишлоқ хўжалик товарлари микдори ошиши уларнинг сўнгти «наф» лилигининг пасайишига олиб келади. Худди шунингдек, таклиф чизиги (*S*) товарларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар даражасини кўрсатади. Демак, товарлар микдорининг кўпайиши ишлаб чиқариш харажатларининг тўхтовсиз ошишига олиб келади. Шунинг учун таклиф чизиги (*S*) ўсиш тенденциясига эга.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоридаги талаб ва таклиф чизиклари қуидаги чизмада кўрсатилган (1-расм)⁷.


⁷ Монографиядаги 1–15-расмлар муаллиф ишланмаси.



1-расм. Ташқи самара (экстерналий)лар таъсирида бозор мувазанатининг ўзгариши




2-расм. Қишлоқ хўжалигида салбий ташқи таъсиirlарсиз бозор механизмининг вужудга келиши




3-расм. Қишлоқ хўжалигида салбий ташқи таъсиirlар ва бозор механизмининг бузилиши

Қайд этиб ўтилган фикрларга аосан бозорнинг мувозанатланиш механизми экстерналийлар (ташқи самаралар) мавжуд бўлмаган ҳолатдагини намоён бўлади. Агар ташқи самара (экстерналий) лар мавжуд бўлса, таклиф чизиги (S) юқорига ва чапга силжиди, демак бозор мувозанати янги E нуктада вужудга келади (Q_p). Бошқача қилиб айтганда илгарига нисбатан кам маҳсулотлар ишлаб чиқарилиди ва товарларнинг нархлари ошиди.




4-расм. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида салбий ташқи таъсиirlар ва бозор механизммининг бузилиши




5-расм. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида салбий ташқи таъсиirlар натижасида мувозанат нуқтанинг ўзгариши

Энди ташқи самараларнинг моҳиятини кўриб чиқамиз. Бунинг учун «хусусий ва ижтимоий маржинал харажатлар» ёки «хусусий ва ижтимоий маржинал фойдалар» каби янги тушунчаларни киритамиз.




6-расм. Қишлоқ хұжалигіда маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ижобий ташқи самара ва ижтимоий самарадорлик




7-расм. Қишлоқ хұжалигіда маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ижобий ташқи таъсирлар ва ижтимоий самарадорлик

Иқтисодий агентларнинг қарорларида ҳисобға олинадиган хусусий қарожатларни (PC) билан, фойдаларни эса (PB) билан белгилаймиз. Шунингдек, «хусусий маржинал қарожатлар» (PMC) ва «хусусий маржинал фойдалар» (PMB) ибораларидан фойдаланамыз. Иқтисодий агентларнинг қарорларида зәтиборга олинмаган ташқи қарожатлар ёки фойдалар ҳам мавжуд. Ижтимоий маржинал қарожатлар, хусусий маржинал қарожатлар плюс ташқи қарожатлар тарқасыда ҳисоблаб чиқылади. Яғни: $SMC = PMC +$ ташқи қарожатлар. Ижтимоий маржинал наф хусусий маржинал нафға ижо-

бий ташқи таъсирларни қўшиш орқали ҳисобланади, яъни $SMB = PMB +$ ижобий ташқи самара (U).



8-расм. Қишлоқ хўжалигида ижобий ташқи таъсирлар натижасида ижтимоий самарадорлик даражасининг ўзгариши



9-расм. Қишлоқ хўжалигида ижобий ташқи самаралар натижасида шоли ишлаб чиқаришнинг оптимал миқдорини топиш

Салбий ташқи самаралар таклиф эгри чизигини юқорига ва чапга суради, бу илгариги бозор мувозанати нуткасини ўзгартиради. Энди, товарлар ишлаб чиқариш кимматлашганлиги туфайли, фирма (бизнинг мисолимизда дехкон фермер хўжалиги) улар ҳажмини аввалги (Q_1) га караганда кам ишлаб чиқаради [32, 41, 44].

Ижобий экстерналийлар мавжуд бўлганида талаб эгри чизиги


$$D = a - b \cdot P$$

ўнгга ва юкорига сурилади, бунда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самарадорлиги ортади.


Демак, талаб чизиги ижобий самаралар мавжуд бўлганида кўйидагича ёзилади:

$$D = a - b \cdot P + U_{il}$$

бу ерда U_{il} ижобий самара микдорини кўрсатади.




10-расм. Кышлоқ хўжалигида ижобий ташқи таъсирлар натижасида ижтимоий самодорлик даражасининг оптималлашуви




11-расм. Кышлоқ хўжалигида ижобий ташқи таъсирлар натижасида ижтимоий самадорлик даражасининг оптималлашуви

Бозорда ишлаб чиқарувчининг монополиясини бартараф этиш ва ташқи самараларни қисқартириш максадида давлат соликлар ва жарималар кўрининишида муайян воситалардан фойдаланади.

Ушбу монографияда тадкиқ этилган ташқи самараларга мисол тарзида көлтирилгандык хүжалиги ерларининг шурланиши натижасида маҳсулот таннархини ошиши ва кам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатлари 12,13-расмларда батафсил тасвиранланган.



12-расм. Қишлоқ хўжалиги ерларини шурлантирганлик учун солинадиган жаримда ташқи таъсирларни камайтириш



13-расм. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида эркин рақобат сиёсатини амалга ошириш

Ўзбекистонда ташқи самаралар натажасида бозор механизмининг бузилиши қуйидаги ташкилотлар томонидан тартибга солинади:

- Монополиядан чиқариш ва истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси;
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси;

– Савдо-саноат палатаси.

Бу жараёнда Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси ва амалдаги бошқа конун хужжатлари ва ҳукукий меъёрларга таянилади.

§ 1.3. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бозорларида ташки самара (экстерналий)лар туфайли юзага келадиган иқтисодий йўқотишлар

Бозор ва давлат – қарама-қаршиликлар жараёнидаги ўзаро ҳамкорлардир. Бу ўринда гап, бир томондан, битимларнинг ихтиёрий ҳусусияти тўғрисида, иккинчи томондан эса, мажбурлаш тўғрисида боряпти. Иқтисодий назария нуткай назаридан бозорнинг ўзига хос асосий белгиси – келишувларнинг ихтиёрийлик ҳусусияти, давлатнинг ўзига хос асосий ҳусусияти эса – иқтисодий жараёнларни тартибга солиш ва назорат қилиш, яъни субъектларга нисбатан конуний мажбурулани ҳукуқидир.

Хўжалик юритишнинг бозор тизимида товар ва хизматларнинг субъектлар ўртасидаги олди-сотдиси ва алмашуви бўйича муносабатлар товарлар ва хизматлар бозорларидағи талаб ва таклиф мувозанати орқали тадқик этилади. Субъектлар томонидан товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган ташки самараларни тартибга солишга ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш тизими сифатида караш мумкин.

Бозор шароитида нарх-наво механизми ресурсларни тақсимлашнинг энг арzon ва ишончли механизми хисобланади. Унда, биринчидан, инсонлар учун табиий бўлган карорлар кабул қилишдаги эгоистик мотивациядан фойдаланилади, иккинчидан, ахборотнинг марказламтирилган тарзда тўпланиши ва карорлар кабул қилиш талаб этилмайди. Ҳар бир иқтисодий муносабатлар иштирокчиси (фирма ёки истеъмолчи) факат ўзининг ишлаб чиқариши ҳакида ёки истеъмоли учун зарур бўлган ахборотни йигади. Бироқ, аслида иқтисодий субъектлар ўртасидаги бозор муносабатларидан ташкири, бозор томонидан хисобга олинмайдиган ва нархларда ўз аксини топмайдиган ташки таъсиirlарнинг ёки ташки самараларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи бозорга хос бўлмаган ўзаро алокалар ва ўзаро боғлиқликлар ҳам мавжуд. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги, истеъмолчилар ўртасидаги ёки ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги бозорга хос бўл-

маган ўзаро боғлиқликлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда иккита асосий белгига эга бўлган ташки самаралар (экстерналийлар)ни келтириб чиқаради. Биринчидан, бу таъсиrlар бир ёки кўплаб ташки субъектлар (таъсиrlарни қабул килувчилар)нинг фаровонлик даражасига таъсиr кўрсатади, лекин, ушбу ҳолатда таъсиrlар нархларда ўз аксини топмайди. Иккинчидан, таъсиrни яратувчи иқтисодий субъект ўзи келтирган зарар учун ҳеч вако тўламайди (салбий экстерналийлар ҳолатида) ва ўз навбатида ташки субъектларнинг ўзгарган фаровонлиги миқдорида товоn пули ҳам олмайди (агар ташки таъсиrlар ижобий бўлса). Бошқача қилиб айтганда, нархлар тизими огохлантириш функциясини ба жармай кўшиши натижасида бозорнинг нуксонларини ва ноҷорлигини намоён қиласди.

Бозорнинг ноҷорлиги рақобат бозори муайян неъматларни оптимал ҳажмда ёки умуман ишлаб чиқаришга кодир эмаслигига на моян бўлади. Бунга сабаб ташки таъсиrlарни келтириб чиқарувчи бозорга хос бўлмаган ўзаро алоқалар кенг тарқалганлиги, хусусий ижтимоий товарлардан фарқ қилувчи иқтисодий айланманинг ўзига хослиги ва, ниҳоят, бозорлар маҳсулот билан тўлиб-тошмаганлигидир. Бозорнинг нуксонлари тўғрисидаги тасаввуримизни кенгайтирган ҳолда уларнинг куйидаги турларини ажратиб кўрсатипимиз мумкин: бозор салбий ташки таъсиrlарни эътиборга олмайди; бозор ижобий ташки таъсиrlарга эга бўлган, ижтимоий аҳамиятга молик товарларни умуман ишлаб чиқармайди (ёки етарлича кам ишлаб чиқаради); бозорга ахборот асимметрияси хосдир, бу айрим ҳолатларда сифатли товарлар камёб бўлишига олиб келади.

Юкорида айтилган барча ҳолатларда шу нарса назарда тутиладики, рақобат бозори Парето назарияси бўйича бир ёки бир неча шахслар бозор устидан ҳукумронлик ўрнатиши туфайли эмас, балки объектив сабабларга кўра самарасиз ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бозорнинг ноҷорлигини унинг ҳали етарлича такомиллашмаганлигидан фарқлаш лозим. Бозор битимлар учун институт ҳисобланаби, у такомиллашган рақобатдан узок бўлган турли шаклларга эга бўлиши мумкин. Агар, ноҷорлик, эркин рақобатнинг барча шартларига амал қилинган ҳолда, рақобат бозорининг тўлиқсиз самарадорлиги намоён бўлишига хизмат қиласа, бозорнинг такомиллашмаганлиги эса бозор шаклининг бир ёки бир неча сотувчилар ёхуд харидорлар томонидан ўзgartирилиши натижасида юзага

келади (монополистик, монопсоник ва бозор такомиллашмаганлигининг бошқа шакллари). Бу эса такомиллашган рақобатни таъминловчи шарт-шароитлардан четга чиқиш билан боғлик бўлган. Фақатгина ушбу ҳолатда, яъни бозор механизмлари ёрдамида ижтимоий оптимумга эришиш имконини бермайдиган бозорнинг ночорлиги ва такомиллашмаганлиги юкорида кўриб чиқилган тарзда намоён бўлса, бу ҳолат давлат томонидан бозорга тузатишлар киритилиши учун асос яратади.

Давлат мажбурлаш хукуқидан фойдаланган ҳолда, бозорнинг аксарият экстерналийларига барҳам беришга қодир, чунки бу ерда иккита муқобил вариант мавжуд: ё самарадорликнинг йўқотилишига кўникиш ёки ихтиёрий ўзаро ҳамкорлик асосида эришилган ресурслар таҳсиланини вариантиларининг айримларидан мажбуран воз кечиш [76, 77].

Давлат томонидан мажбурлаш хукуқининг тан олиниши ҳар бир шахснинг ҳолати яхшиланишига олиб келиши керак, шу билан бир қаторда давлат бирорлар ҳолатини бошқалар хисобидан яхшилаш имкониятига ҳам эга. Амалиётда эса бу, бозор ҳам давлат ҳам ижтимоий фаровонликни таъминлашда мутлак устунлика эга эмаслигини англаатади.

Албатта, бозор экстерналийларини давлат томонидан тартибга солиниши бозор иқтисодиёти нуктаи назаридан, агар у Парето-оптимальлик назарияси билан кузатилса, яъни барча шахсларнинг ёки алоҳида гурухларнинг ҳолати яхшиланиб, бошқаларнинг ҳолати ёмонлашмаса, зарур деб зътироф этилиши мумкин. Давлат томонидан фаровонлик даражасига таъсир этишининг барча бошка варианtlари (масалан, бошка гурухлар ҳолати ёмонлашганда, айрим гурухлар ҳолати яхшиланадиган Парето-ноаник ҳолатта олиб келувчи вариант) ахолининг «ютказган» гурухлари учун компенсация механизmlаридан фойдаланиш имкониятларини алоҳида тарзда кўриб чиқиши талаб қиласди. Айни пайтда, аксинча барча шахсларнинг фаровонлик даражаси ёмонлашадиган Парето-ёмонлашиш ҳолатлари давлатнинг бозорга тузатишлар киритиш борасидаги фаолияти мақсаддага мувофик эмаслигини кўрсатади. Кўриниб турибдики, давлат бозор олдида ҳал килувчи универсал устунликларга эга эмас. Давлатнинг иқтисодий жарабёнларга аралашувига нисбатан, уни ҳар бир муайян ҳолатда бозор нуксонлари ва давлат камчиликларининг муайян нисбати билан боғлаган ҳолда, ўта прагматик ёндашиш лозим [33, 69].

Айнан шу боис, ушбу монографияда бозор экстерналийларинг ҳам ўзини ўзи тартибга солиши (бозор экстерналийларининг бартараф этилишидан иқтисодий субъектларниңг ўзлари манфаатдор бўлган ҳолат), ҳамда давлат томонидан тартибга солинишнинг йўналишлари кўриб чиқилган. Ташки таъсирлар тўғрисида тўпланганди билимларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг қўйидаги таснифини келтириш мумкин:

- *ташки таъсирни ёки самараларни яратувчи субъект бўйича*: ишлаб чиқаришнинг ва истеъмолнинг ташки таъсирлари;
- *ташки субъектга таъсир этиши натижасига кўра*: салбий ва ижобий ташки самаралар. Ташки субъект учун самарадорликни ёки фойдалиликни пасайтирувчи ташки таъсирлар салбий деб, уларни оширувчи ташки таъсирлар эса ижобий деб номланади. Кўриб турганимиздек, салбий ташки таъсирлар ҳолатида инсон ва жамият ташки йўқотишларга дуч келади (хаво ва сувнинг ифлослашиши), ижобий ташки таъсирлар чоғида эса улар ташки тежалишга эришади (умумий ўрта таълимнинг таъминланиши, ахолини оммавий вакцинациялаш);
- *ташки субъектга таъсир этиши хусусияти бўйича*: технологик ва пул таъсирлари (ёки бошқача талкинда бевосита ва билвосита таъсирлар). Субъектларниң савдо орқали амалга оширилмайдиган, бевосита бозорга хос бўлмаган ўзаро алоқалари натижасида юзага келадиган барча таъсирлар технологик таъсирлар деб номланади. Қўйидагилар технологик таъсирларга классик мисол бўла олади: атроф-мухитни ифлослантирувчи завод ва унинг ён-атрофида истиқомат қилувчи аҳоли; қишлоқ хўжалиги ерларидан ўтган темир йўл; фермер хўжалиги экинларини қўшни фермер хўжалиги подалари поймол килиши ва ҳ.к.

Технологик таъсирлардан фарқли ўлароқ пул таъсирлари (бильвосита таъсирлар) инсонлар ва жамият томонидан сезиларли йўқотишларга ёки тежамкорликка олиб келмайди. Пул таъсирлари ишлаб чиқариш омиллари нархлари ўзгариши натижаси ҳисобланади ва бу ташки пул тежалишига олиб келади. Аксинча эса, тескари ўзгаришлар юз берганда, улар пул йўқотишларига олиб келиши мумкин.

Шундай килиб, ташки қиймат таъсирлари ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро бир-бирига боғликлиги натижаси ҳисобланаб, бунинг натижасида даромадлар нафақат хусусий харажатлар ва ишлаб чиқаришга, балки бошқа иқтисодий субъ-

ектларнинг харажатлари ва ишлаб чиқаришига ҳам боғлиқ бўла-ди. Даромадлари ва харажатлари бир-бири билан боғлиқ бўлган истеъмолчиларга нисбатан ҳам худди шундай дейиш мумкин. Ушбу таъсирларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар ресурсларнинг самарасиз жойлашувига олиб келмайди ва фирмалар ишлаб чиқаришнинг кўп ёки кам оптимал ҳажмларини амалга оширганда таклиф функциясини бузмайди. Шунинг учун қиймат таъсирлари билвосита хусусиятга эга ва иктисодиёт учун технологик таъсирлар сингари жиддий оқибатларга олиб келади, деб хисобланади (айрим олимлар, ҳатто, уларни ташки таъсирлар деб хисоблашдан ҳам воз кечишади);

– *ташки таъсирларни тартиблаштириши усулларига кўра:* факат давлат таъсири остида тартиблаштирилиши мумкин бўлган ташки таъсирлар ва ташки таъсири ишлаб чиқарувчилар ҳамда қабул қилувчилар ўртасидаги музокаралар йўли билан тартибга солиниши мумкин бўлган таъсирлар. Ташки таъсирларни тартибга солиш деганда ташки, одатда, салбий таъсирларни тартиблаштириш тушунилади. Бу ҳолатда ташки таъсири яратувчи иктиносидий субъектнинг ишлаб чиқариш ҳажми турли усуллар ёрдамида оптимал ўлчамларгача, яъни маҳсулотнинг ҳар бир қўшимча бирлигига салбий ташки таъсири пасайишининг харажатлари ундан олинадиган фойдадан ошиб кетадиган даражагача пасаяди.

Ташки таъсирлар, яъни самараларнинг давлатнинг иштироки-сиз тартиблаштирилиши ташки таъсири билан боғлиқ субъектлар ўзаро бирлашувини (ташкилотларро альянслар, қўшиб олиш, қўшилиш) ва уни яратувчи субъект билан тўғридан-тўғри бозор музокаралари олиб борилишини назарда тутади. Ташки таъсирларни музокаралар йўли билан байнаминнлаштириш учун Коуз теоремасига мувофик куйидаги шартлар талаб этилади:

- мулкчилик хукукларининг таркиби аниқ белгиланиши керак;
- мулкчилик хукуклари билан алмашиш имконияти мавжуд бўлиши лозим;
- ташки таъсирларни ҳисобга олиш, музокаралар ва келишувларда белгиланганларни бажариш учун трансакцион харажатлар ҳаддан зиёд юкори бўлмаслиги зарур.

Агар мулкчилик хукуклари ҳам белгиланмаган ёки тўлиқ белгиланмаган бўлса, давлатнинг роли уларни дастлабки таксимлаш ва ресурслардан фойдаланишини тартибга солувчи институтларни шакллантиришдан иборат бўлади. Агар юкорида келтирилган шартлар-

га амал қилинмаса, давлат ташки таъсирни тартибга солишнинг асосий фаол субъектига айланиши лозим. Яъни заарни камайтириш учун ташки таъсир жараёнидаги энг юкори харажатлар билан тартиблаштиришдан олинадиган энг юкори фойданинг тенглиги давлатнинг ташки таъсирларга тузатишлар киритиш бўйича оптималь фаолиятида мухим шарт хисобланади.

Ушбу ҳолатда давлатнинг ташки харажатларни тўлик қопловчи Пигу соликлари эгаси бўлмаган чекланган ресурс учун тўловларни йигишнинг ташкил қилиш харажатларини оптималь даражагача пасайтириш чора-тадбирлари кабул қилинишини рағбатлантирувчи бошқа соликлар ва йиғимлар салбий ташки таъсирларни яратувчи субъектларга таъсир этса, бу таъсирларни тартиблаштириш йўналишлари усулига айланади (14-расм).



14-расм. Ташки таъсирларни тартиблаштириш йўналишлари

Давлатнинг хусусий ташаббусни рағбатлантирувчи муайян институционал мухитни яратипдан иборат бўлган фаол ҳамда пассив иштироки оркали ҳам ижтимоий аҳамиятга молик товарларни ишлаб чиқаришни амалга ошириш мумкин. Масалан, давлат ушбу товарларни ишлаб чиқаришни давлат секторига жамлаши, уларни ишлаб чиқаришни давлат йўли билан молиялаштириш хисобидан лотациялаши, шунингдек, солик имтиёзлари ёки субсидиялар бериш йўли билан хусусий секторда ишлаб чиқариш учун кулай шарт-шароитларни таъминлаши мумкин.

Ижтимоий аҳамиятта молик товарларни ишлаб чиқарип мавжуд бўлмаган ёки тўлиқсиз бозорлар феномени билан боғлиқ.

Уибу ҳолатда хусусий бозорлар, ҳатто, товар ва моддий неъматни ишлаб чиқариш харажатлари унинг нархига қараганда паст бўлса ҳам, истеъмолчиларга тақдим эта олмайди. Одатда, айрим турдаги сугурталанмайдиган ҳатарлар, сармоялар бозоридаги қарзлар, тўлдирувчи товарларнинг айрим турлари ана шундай неъматлар ҳисобланади.

Мавжуд бўлмаган хусусий бозорлар жумласига, масалан, ишсизликдан сугурталаниш, сурункали касалланишта тиббий сугурта; қариялар ҳаётини сугурталаш; инфляциядан сугурталаниш бозорларини киритиш мумкин. Барча ҳолатларда бозорнинг «нуқсонлари» такомиллашган ракобат шартлари бузилиши билан боғлик. Тўлдирувчи товарлар бозори мавжуд эмаслиги тўлиқсиз бозорлар феноменини юзага келтиради. Масалан, Ўзбекистонда ер бозори мавжуд эмаслиги ер гаровга қўйилиб бериладиган қарзлар бозори мавжуд бўлмаслигига олиб келади [40, 60].

Мавжуд бўлмаган бозорлар феноменининг юзага келишига фақатгина бозор айбордor эмас. Агар, хусусий бозорларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминловчи институтлар бўлмаса ёки қонун хужжатлари такомиллашмаган бўлса, бу ҳам давлат айби билан бозорларнинг номукаммаллигига сабаб бўлиши мумкин. Айрим мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ерга мулкчилик ҳукуклари тўғрисидаги қонун йўқлиги туфайли, ер бозори ҳам, ер гаровга қўйилиб эвазига бериладиган кредитлар бозори ҳам мавжуд эмас, яъни биз ушбу ҳолатда бозорлар мавжудсизлигининг институционал сабабига дуч келамиз.

Ахборот асимметрияси хизматлар истеъмолчисининг ишлаб чиқарувчини назорат қила олмайдиган соҳаларда намоён бўлади. Тўлиқ бўлмаган ва ишончсиз ахборот инсонга оптимал танловни амалга ошириш ва ўз манфаатини оптимал ҳимоялаш имконини бермайди. Шудай экан, истеъмол килиш ва ишлаб чиқаришда Парето-оптималлик ҳолатига ҳам эришиб бўлмайди. Ахборот асимметрияси қайсиdir маънода барча бозорларда учрайди, фақат турли ҳолатларда турига қараб унинг таъсири кам ёки кўп бўлиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир бозор турли даражадаги ахборот асимметриясига эга, асосан, *туриб қолган товарлар бозорлари ва меҳнат бозорида* ахборот асимметрияси энг катта даражага эга бўлади. Ишга ёлланувчи (меҳнат хизматларини сотувчи) ўзининг касбий тайёргарлиги, укуви, жисмоний имкониятлари ва ҳоказолар ҳақида

муайян тасаввурга эга. Иш берувчи (мехнат хизматлари харидори) эса, унбу шахсни ходимларнинг қайси тоифасига киритиш мумкинлиги ҳакида статистик тасаввурга эга: унга ходимнинг жинси, ёши, маълумоти ва эҳтимол, яна айрим бошқа хусусиятлари маълум. Иш берувчи иш ҳаки ставкасини меҳнатни таклиф қилишнинг статистик таркиби тўғрисидаги тасаввурлари асосида белгилайди. Ушбу ставка касбий даражаси паст бўлган ходимларни каноатлантириши мумкин, лекин малакали ходимлар учун камдек туюлади.

Аммо, харидор битим обьекти тўғрисида сотовчига караганда анча тўлиқ ахборотга эга бўладиган тескари вазият ҳам юзага келиши мумкин. Бу, аввало, суғурта бозорлари, банк кредитлари бозорлари билан боғлик ахборотларда сезилади. Янги бозорлар, масалан, ахборот технологиялари ҳамда ишончли товарлар бозорлари ҳам тасдиқланган ахборот асимметрияси ҳисобланади. Бу ўринда гап маҳсулот сифатидан қатъи назар, ахборот манбанинг нархи таҳминан бир хил даражада белгиланадиган адад индустрияси (ноширлик бизнеси, кино, CD, DVD) ҳакида бораётпи. Маданий неъматларнинг асосий фарқи шундаки, улар истеъмол харакатларида тақрорланмайди, яъни бир марта амалга оширилади. Бу эса ушбу бозорни ахборот берувчи нархларга етакловчи тескари алоқа механизмидан бебаҳра колдиради. Нарх олдиндан айтиб бериш аҳамиятига эга эмас. Шу боис, истеъмолчи ҳар бир китоб ёки дискнинг сифатини ўзи учун ўзи белгилайди. Бу сифатли маҳсулот улушининг камайишига ҳамда кидириб топиш ва сираб кўриш учун юкори истеъмол харажатларига олиб келади.

Ахборот асимметрияси:

- тескари селекцияга олиб келиши мумкин (ёмонлаштирувчи танлаш тенденцияси), яъни бозорда сифати паст бўлган товарлар устунлик кила бошлайди;
- муайян шароитларда яхши хабардор бўлган бозор иштирокчилари, бошқаларни «огоҳлантирган ҳолда» ўзининг бозор айланмаларини ошириши мумкин;
- хабардор бўлмаган иштирокчи баъзан, масалан, рекламали ахборотни доимий равишда кузатиб бориши оркали ёки битим учун эҳтимолий шакллар рўйхатидан шартноманинг ўзига хос шаклини танлаган ҳолда ахборотни яхши хабардор бўлган иштирокчидан билиб олиши мумкин [102].

Бозор субъектларининг саъй-харакатлари билан ахборот асимметриясига барҳам бериш турли омиллардан фойдаланишини

такозо этади. Бу ўринда гап, ишончли муассасалар томонидан бериладиган ҳужжатлар, харидларнинг аввалги тажрибасига ва харидордан харидорга ўтувчи ахборотга асосланган сотовучи (ишлаб чиқарувчи)нинг кафолатлари, нуфузи, сохта маҳсулотлардан ҳимояланиш, брэндлар, савдо русумлари, фирма белгилари ва ҳоказолар ҳакида боряпти.

Табиийки, давлат ҳам бозордаги ахборот асимметриясини бартараф этишга уринади. Бунинг учун ижтимоий аҳамиятга молик товарлар ҳакидаги ахборотни тақдим этади ва «мақбул» товарларни истеъмол қилиш мумкин эмаслигини тарғиб қиласди; хабардорлик даражаси ошишига кўмаклашади; бозорда сифатсиз товарлар пайдо бўлишига қарши йўналтирилган қонунларни қабул қиласди (15-расм).



15-расм. Ахборот асимметриясини бартараф этиш

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, бозор шароитида ташки самара (экстерналий)ларни тартибга солиш ва уларнинг ўзини ўзи тартибга солиши экстерналийларнинг тўлиқ бартараф этилишини назарда тутмайди, балки уларнинг айрим оптимал даражасини топишга ёрдам беради. Бу эса бозор нуқсонларини ка-

майтиришга интилиувчи томон учун катта харажатлар объектив тарзда мавжуд бўлиши билан ифодаланади.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳам тўғридан-тўғри, ҳам бийвосита харажатларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳолатда гап харажатлар таркибига ташки экстерналийлар натижасида юзага келадиган харажатлар киритилиши ҳақида бора-япти. Кишлоқ хўжалигига ташки таъсиirlар, яъни экстерналийлар мавжуд бўлиши бозор механизмининг бузилишига олиб келади. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши харажатларида барча харажатлар ҳисобга олинмаганлиги товарлар нархларининг даражасини бузиб кўрсатади. Шунинг учун ракобат бозори самарали фаолият кўрсата олмайди. Микроқтисодий назарияга мувофик, агар бозорда ракобат кучли бўлиб, бозор нархи талаб ва таклиф асосида шаклланса, у ҳолда такчил ресурслар самарали тақсимланади. Чунки 16-расмга эътибор қаратадиган бўлсак, талаб эгри чизиги товарлар ёки хизматларнинг умумий фойдалилигини (яъни, маржинал кўрсаткичлар суммасини), таклиф эгри чизиги эса товарлар ишлаб чиқаришнинг умумий харажатларини (яъни, маржинал харажатлар суммасини) кўрсатмоқда.

Талаб ва таклиф кесишувида бозор нархи ва ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳажми шаклланади. Бироқ, ҳисобга олинмаган ташки самаралар, масалан, шўрҳок ерларни ювиш харажатларига эътиборни қаратсак, бутунлай бошқа вазиятни кўришимиз мумкин. Ижтимоий ва якка тартибдаги харажатларни тушуниш ва фарқлаш учун куйидаги белгилардан фойдаланамиз: РМС – якка тартибдаги шахсий харажатлар, SMC – ижтимоий маржинал харажатлар; РМВ – хусусий маржинал фойдалилик ва SMB – ижтимоий маржинал фойдалар.

Тадқикотлар шуни кўрсатдики, Қорақалпоғистон Республикасида кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кўпинча куйидаги экстерналийларга дуч келинади:

- корамолларни қишлоқ хўжалиги ерларида бокишининг жадаллашуви;
- суғориш учун янги ерларнинг ўзлаштирилиши;
- фитомелиоратив ишларни ўтказиш учун янги ерларнинг ўзлаштирилиши;
- курилиш ва бошқа мақсадлар учун дараҳтлар ва бутазорларнинг кесиб ташланиши;
- маъданли ўғитлардан меъёрдан юкори даражада фойдаланилиши;

- мелиоратив қуритиш чоралари ўтказилиши;
- ерларни меъёрдан ортиқ сұғориши;
- экин майдонларининг иккиламчи шүрланиши;
- дарё ва каналларга коллектор сувлар оқизилиши;
- сұғориши тизимларидан фойдаланишининг паст даражаси;
- сұғориши учун тайёрланмаган ерлардан фойдаланиши;
- қишлоқ хўжалиги экинларининг нотўғри жойлаштирилиши;
- сұғориши тизимларини лойиҳалаштириш ва қуришнинг паст сифати.


Мазкур параграфда ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашуви ва тупроқнинг шүрланиши билан боғлик экстерналийлар куриб чиқилди. Экстерналийлар ва тупроқнинг шүрланиши – бу товар ва моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнида хосил бўладиган, лекин бунга розилик бермаган инсонлар томонидан тўланадиган ташки харажатлардир [37].

Тупроқнинг шүрланиши ва мелиоратив ҳолати ёмонлашуви муаммосининг мохияти шундан иборатки, иктисадчилар уларни экстерналийлар ёки ташки самаралар, деб аташади. Бу уларни амалга оширувчи ишлаб чиқарувчилар, яъни фермер хўжаликлари томонидан эътиборга олинмайдиган харакатлар оқибатидир. Биз, ишни экстерналийлар – бу қишлоқ хўжалигига юкори самарали ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш билан боғлик харажатлар эканлигини эътироф этишдан бошлашимиз лозим. Бироқ, ушбу харажатлар ўзига хос битта белгига эга: уларнинг юки, одатда, бундай натижани истамаган инсонлар зиммасига тушади. Хатти-харакатлари иктисадий тафаккур шартларига мос келувчи инсонларнинг ўзлари амалга ошириши кутилаётган тегишли харажатлар ҳисобга олингач, олинниши кутилаётган фойда йўлида саъй-харакат қилишади. Оқибатда иш «Сиз бу харажатларни менга (ёки бизга) юклаган ҳолда ўзингизга тегишли неъматни оласиз. Аслида, ушбу харажагларни менга юклашга ҳақли эмассиз» мазмунидаги шикоятлар келиб чиқишига бориб тақалади.

Шу боис, тупроқнинг шүрланиши ёки мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви мулкчилик ҳукуклари борасидаги низоларни келтириб чиқариши мумкин. Тупроқнинг шүрланишига атроф-мухитта етказилган зиённи бартараф этиш йўли билан эмас, балки мулкчилик ҳукуклари борасидаги низоларни ҳал этиш йўли билан барҳам бериш мумкин.

Ижтимоий харажатлар хусусий харажатлар ва тупроқнинг шүрланишини бартараф этиш харажатларининг йигиндиси сифатида белгиланади.

Ижтимоий фойдалар эса хусусий фойдалар ва ижобий таъсирлар йиғиндинини ўзида намён этади. Қишлоқ хўжалигида ерларнинг шўрланиши натижасида вужудга келадиган ташки таъсирларни 16-расмда кўриниб турганидек изоҳлаш мумкин. Q_p – бозор муносабати, бозор мувозанати шарти; $PMC=S$ – якка тартибдаги маржинал харажатлар ижтимоий харажатларга тенг. $PMB=SMB$ талаб чизиги ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нафлиилиги ижтимоий микдори нархига тенг.



16-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ерлар шўрланмаган ҳолдаги ишлаб чиқариш даражаси

Қишлоқ хўжалигидаги маҳсулотлар ерларнинг шўрланмаган, яъни ташки таъсирлар мавжуд бўлмаганида бозор мувозанатига эришилади (17-расмда кўрсатилган):

SMC – ерларнинг шўрланиши;


PMC – ишлаб чиқаришга ташки таъсирлар бўлмаганида таклиф чизиги;

$PMB=SMB$ – талаб чизиги ўзгармаган ҳолда якка тартибдаги маржинал наф ижтимоий нархга тенг;

Q^* – ташки таъсирлар натижасида шакслangan бозор мувозанати;

Q_p – бозор мувозанати.

17-расмдан кўриб турганимиздек, агар ташки самара (экстерналий)лар, яъни тупроқнинг шўрланиши эътиборга олинса, у ҳолда ижтимоий харажатлар хусусий харажатларга қараганда анча кўп бўлади ва бозор мувозанати бошқа нуқтада юз беради.




17-расм. Қишлоқ хұжалиғи маңсұлатларини ерларнинг шүрланиши натижасыда вужудға келдиган ташқи таъсиrlар мавжудлигінде ишлаб чыкаши

Шундай қылыб, ташки самара (экстерналий)ларнинг ҳисобға олиниши ишлаб чыкаруш ҳажмининг камайишига олиб келади.

Ташки экстерналийларни фақаттегина давлат тартибға солиши-га кодир. У субсидиялар йўли билан атроф-мухиттнинг мухофаза килинишини рағбатлантириши ва жарималар солиш йўли билан ифлослантириши тақиқлаши мумкин.

Қорақалпогистон Республикасида ушбу иккала ёндашувдан хам фойдаланилади [96].



18-расм. Салбий ташқи таъсиrlар ва бозор механизми бузилиши

2011 йили республикамизда табиатни муҳофаза қилиш бўйича бир канча ижобий ишлар амалга оширилди. Стационар манбалардан 5,0 минг тонна ифлос модда тутиб қолиниб заарсизлантирилди. Бу 2008 йилдагига нисбатан 100,0 фоизни ташкил қилди.

Ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш мақсадида 2010 йили 48,2 га экин майдони рекультивация килинди, 2,54 минг га ердаги қишлоқ хўжалик экинлари зааркунандалар ва касалликлардан биологик усул орқали ҳимоя қилинди.

2011 йилда Коракалпогистон Республикасида қишлоқ хўжалиги экинлари экилган майдонлар жами 452,7 минг гектарни, шундан пахта майдонлари 99,8 минг гектарни, буғдои далалари 38,2 минг гектарни, шоли майдонлари 11,6 минг гектарни ташкил қилди.

Бирок, экин экиладиган майдонларнинг учдан бир қисмida мелиоратив ҳолат жуда ёмон.

1-жадвал

Қоракалпогистон Республикасида 2002–2011 йилларда сугориладиган экин майдонларининг шўрланиш даражаси бўйича тақсимланиши ва ўзгариш динамикаси^{*}

| Йиллар | Жами к/х экин майдони | | Шундан тупроқ қатламишининг шўрланиш даражаси бўйича | | | | | | | |
|--|--------------------------|-----|---|-------|---------------|-------|-------------------|-------|-------------------------------------|-------|
| | | | шўрланмаган | | кам шўрланган | | ўртacha шўрланган | | кучли ва жуда кучли шўрланган | |
| | минг га | % | минг га | % | минг га | % | минг га | % | минг га | % |
| 2002 | 450,75 | 100 | 45,08 | 10 | 194,72 | 43,20 | 155,96 | 34,60 | 54,99 | 12,20 |
| 2003 | 450,82 | 100 | 45,07 | 10,00 | 194,54 | 43,15 | 155,05 | 34,39 | 56,16 | 12,46 |
| 2004 | 451,42 | 100 | 66,60 | 14,75 | 153,15 | 33,93 | 173,46 | 38,42 | 58,21 | 12,89 |
| 2005 | 451,38 | 100 | 71,65 | 15,87 | 154,40 | 34,21 | 171,46 | 37,98 | 53,87 | 11,94 |
| 2006 | 451,35 | 100 | 83,93 | 18,60 | 163,18 | 36,15 | 153,34 | 33,97 | 50,90 | 11,28 |
| 2007 | 451,36 | 100 | 93,05 | 20,62 | 151,99 | 33,67 | 155,24 | 34,39 | 51,08 | 11,32 |
| 2008 | 451,32 | 100 | 94,70 | 20,98 | 142,68 | 31,61 | 159,28 | 35,29 | 54,66 | 12,11 |
| 2009 | 451,88 | 100 | 96,02 | 21,25 | 138,79 | 30,71 | 163,81 | 36,25 | 53,26 | 11,79 |
| 2010 | 452,4 | 100 | 96,58 | 21,35 | 142,76 | 31,56 | 159,35 | 35,22 | 53,71 | 11,87 |
| 2011 | 452,7 | 100 | 98,9 | 21,84 | 144,4 | 31,89 | 162,7 | 35,93 | 46,8 | 10,34 |
| 2011 йилда 2002 йилга нисбатан, % | 100,4 | x | 4,9 марта | x | 74,2 | x | 104,3 | x | 85,1 | x |

Мелиоратив ҳолатнинг ёмонлигидан пахта экиладиган ер майдонлари кискариб бормокда. Қоракалпогистон Республикасида

* КР Иқтисодиёт вазирилиги ва Қоракалпоқ ГМЭ маълумотлари.

сугориладиган экин майдонларида тупрокнинг шўрланиш даражаси ортиб бормоқда (1-жадвал).

Агар туманлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, ахвол янада аянчли эканлигини кўрамиз. Умуман, тупрокнинг шўрланиши кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги пасайишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

2-жадвалда 2011 йилда Қорақалпогистон Республикаси туманлари кесимида сугориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси бўйича тавсифи келтирилган.

2-жадвал

2011 йилда Қорақалпогистон Республикаси туманлари кесимида сугориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси⁹

| Туманлар | Умумий сугориладиган майдон, минг га | Шу жумладан, шўрланиш даражаси бўйича, % | шўрланмаган | кам шўрланган | уртacha шўрланган | кучли ва жуда кучли шўрланган |
|-----------------|--------------------------------------|--|-------------|---------------|-------------------|-------------------------------|
| Тўрткўл | 31,75 | 36,12 | 34,91 | 19,02 | 9,95 | |
| Эллиkkатъа | 34,05 | 35,63 | 35,80 | 17,66 | 10,91 | |
| Беруний | 33,12 | 30,53 | 27,66 | 30,19 | 11,62 | |
| Амударё | 39,58 | 20,08 | 31,82 | 32,81 | 15,29 | |
| Хўжайли | 35,52 | 25,90 | 44,22 | 25,73 | 4,14 | |
| Шуманай | 28,75 | 12,17 | 32,82 | 36,22 | 18,78 | |
| Қонликўл | 34,67 | 32,87 | 26,36 | 33,73 | 7,04 | |
| Қўнгирот | 41,53 | 25,55 | 44,17 | 27,54 | 2,74 | |
| Нукус | 31,02 | 17,99 | 33,08 | 37,33 | 11,60 | |
| Кегейли | 53,89 | 13,28 | 26,18 | 51,38 | 9,16 | |
| Чимбой | 53,12 | 18,99 | 30,16 | 38,16 | 12,70 | |
| Қораўзак | 35,61 | 17,96 | 31,27 | 35,21 | 15,57 | |
| Тахтакўпир | 34,65 | 16,08 | 35,50 | 38,49 | 9,93 | |
| Мўйноқ | 26,12 | 5,00 | 10,63 | 77,57 | 6,80 | |
| Нукус ш. | 1,68 | 0,00 | 0,00 | 100 | 0,00 | |
| КР бўйича жами: | 515,2 | 21,83 | 31,89 | 35,93 | 10,34 | |

Жадвалдан кўриб турганимиздек, ерларнинг умумий сугориладиган майдони 515,2 минг гектарни ташкил килиб, шун-

⁹ Қорақолпок ГМЭ маълумотлари.

дан фақатгина 112,4 минг гектари кам шўрланган, 185,07 минг гектари ўртача шўрланган ва 53,2 минг гектари кучли шўрланган ерлардир.

Айрим туманларда барча экин майдонларининг ярмини мелиоратив ҳолати ёмон. Тахтакўпир, Чимбой, Кегейли каби туманлар шулар жумласига киради. Агар 2002 йилда республикада пахта ҳосилдорлиги 22,7 ц/га ни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда у 20,4 ц/га ни ташкил қилди. Бошқа экинларининг ҳам ҳосилдорлиги пасайиб бормоқда.

Бундай салбий оқибатларнинг бир қатор сабаблари мавжуд. Шулардан бири, фермер хўжаликларининг экин майдонлари қўлами кичиклиги эди. Шу боис илгари зарар кўриб ишлайдиган, рентабеллиги паст ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини тугатиш негизида хусусий фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бугунги кунда фермер хўжаликлари ҳақли равишда қишлоқда етакчи бўғинга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди.

Шундай килиб, фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишининг энг самарали шакли эканини бутун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Юртимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар йили фермер хўжаликларини қўллаб-куватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Фақат ўтган 2010 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун бир триллион сўм, жумладан, пахта тайёрлашга – 800 миллиард сўм, ғалла етиштиришга – 200 миллиард сўм маблағ аванс тариқасида берилди. 2011 йилда эса ушбу мақсадлар учун бир триллион икки юз миллиард сўм йўналтирилди.

Қишлоқ хўжалик техникаларини лизинг асосида сотиб олиш бўйича маҳсус ташкил этилган Фонд ҳисобидан 2010 йилда 43 миллиард сўмдан маблағ ажратилган бўлса, 2011 йилда 58 миллиард сўмдан кўп маблағ йўналтирилди.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай зътибор ва амалий ёрдам натижасида 2010 йилда фермер хўжаликларининг пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, ғалла тайёрлашда эса 79,2 фоизни ташкил қилди.

Ўтган давр мобайнида орттирилган тажрибалар кўрсатаётганидек, фермерликни янада ривожлантириш учун жуда муҳим бўлган қатор муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг баркарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш шарт.

Аксарият фермер хўжаликларининг иш тажрибаси шундан даголат берадики, уларни шакллантиришнинг дастлабки босқичида ажратиб берилиган ер майдонлари камлиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабелли ўсишига кўп жиҳатдан тўсик бўлмоқда.

Имконияти кам бўлган фермер хўжаликлари ўзини зарур техника, айланма маблағлар билан таъминлаш, кредит қобилиятига эга бўлиш, энг асосийси, ўз харажатларини коплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадни оширишнинг ишончли асосини яратса олмаслигини хаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқсан холда, ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўtkазиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича пухта ўйланган кенг кўламли, ишлар амалга оширилди. Фермер хўжаликларини ташкил қилишда уларнинг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли худудларидағи аҳоли зичлиги даражаси ҳам алоҳида эътиборга олинди.

Амалга оширилган ишлар натижасида фермер хўжаликлари учун ажратилган ср майдонлари паҳтачилик ва ғаллачиликда ўртача 37 гектардан 93,7 гектаргача ёки 2,5 баробардан зиёд оширилди. Бу кўрсаткич сабзавотчиликда – 10 гектардан 24,7 гектаргача ёки 2,5 баробар, чорвачиликда эса 154 гектардан 164,5 гектаргача кўпайди.

Шундай бўлсада, ишлаб чиқариш харажатларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш харажатларини ҳам ўз ичига олувчи трансакцион ва ижтимоий харажатларни тўлиқ акс эттириш асосида ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш бўйича улкан ишларни амалга ошириш зарур. Бу ерда давлатнинг бозор иқтисодиётидаги ролини алоҳида таъкидлаш ўринли.

1-боб бўйича қисқача холосалар

1. Ҳозирги даврда иқтисодий адабиётларда турли мунозараларга сабаб бўлган муаммолардан бири – бозор шароитида давлатнинг роли ҳақидаги фикрлардир. Утиш иқтисодиётида, айникса, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида давлатнинг иқтисодиётдаги ислоҳотчилик роли бекиёс. Айникса, меъёрлар ишлаб чиқариш жараёнида ташки самара (экстерналий)ларнинг мавжудлиги бозор механизмининг яхши фаолият кўрсатмаслигига сабаб бўлади ва бунда давлат ташки экстерналийларни тартиблаштиради.

2. Қишлоқ хўжалик корхонларини ишлаб чиқариш жараёнида ҳам ташки самара (экстерналий)лар ер ва сув ресурсларидан фойдаланишида юз беради. Бу муаммони давлатнинг аралашуви орқали ҳал этилади. Давлат экстерналийларга сабаб бўлган фаолият турларини чеклаши ёки тақиқлаши мумкин, бунинг учун атроф-муҳитга зарар келтирувчи субъектларга нисбатан жарималар солинади.

3. Агар ишлаб чиқариш жараёни натижасида ташки самара (экстерналий)лар вужудга келса, унда фирмаларнинг оптимал ишлаб чиқариш ҳажми P . Коуз теоремасига биноан маржинал ижтимоий харажатлар (MSC), маржинал ижтимоий нафга тенг (MSB), $MSC - MSB$ – маржинал ижтимоий харажатлар ишлаб чиқариш харажатларига MC ташки самара (экстерналий)ларни кўшиш орқали топилади.

4. Ташки таъсирлар (экстерналий)ларни тартиблаштириш фирма ва корхоналарнинг мулкка эгалигини тан олиш ва тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш ёки давлат томонидан тартиблаштириш орқали ҳал қилиниши мумкин. Тадқикотлар шундан далолат берадики, ташки самара (экстерналий)ларни чеклаш ёки тақиқлашдан кўра уни давлат томонидан тартиблаштириш йўли самарали ёндашув хисобланади.

5. Холоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, бозор шароитида ташки самара (экстерналий)ларни тартибга солиш ва уларнинг ўзини ўзи тартибга солиши экстерналийлар тўлиқ бартараф этилишини назарда тутмайди, балки уларнинг айрим оптимал даражасини топишга йўналтирилган.

6. Тупроқнинг шўрланиши ва мелиоратив ҳолати ёмонлашуви муаммосининг моҳияти шундан иборатки, иқтисодчилар уларни экстерналийлар ёки ташки самаралар деб аташади. Бу уларни

амалга оширувчи ишлаб чиқарувчилар, яъни фермер хўжаликлари томонидан эътиборга олинмайдиган ҳаракатлар оқибатидир. Биз ишни экстерналийлар бу – кишлок хўжалигига самарали ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатлар эканлигини эътироф этишдан бошлишимиз лозим.

7. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, тупрокнинг шўрланишита қисман қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш ёмон олиб борилаётганлиги ва агротехника коидалари бузилаётганлиги сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатда ҳам молиявий кўллаб-куватлаш нуқтаи назаридан, ҳам ердан фойдаланувчиларга иқтисодий чораларни кўллаш нуқтаи назаридан давлатнинг аралашуви зарур.

2-БОБ

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ташқи самара (экстерналий)ларни ҳисобга олиш ва баҳолаш методологияси

§ 2.1. Қишлоқ хўжалигидаги ташқи самара (экстерналий)лар ва уларни аниқлашда чизиқли дастурлаш моделларидан фойдаланиш

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг салбий оқибатлари-ни бартараф этиш бўйича 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури давлатимизнинг кейинги йиллардаги мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек: «Биз истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул килган, машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иктисодиётига ўтиш модели йилдан-йилга илгарилаб борганимиз сари ўзини амалда оқлаб, нақадар тўғри ва пухта эканини исботламоқда, деб айтиш учун бугун барча асосларимиз бор»¹⁰.

Ер юзидағи табиий ресурсларни инсон томонидан қайта ишланиши кўламлари кенгайиб бораётганлиги сўнгги йилларда ижтимоий ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолди. Асрлар мобайнида юзага келган табиат мувозанатининг бузилиши ва янги алоқаларнинг йўлга қўйилиши сайёрамизнинг ўсиб бораётган аҳолисига гармоник ривожланиш учун зарур бўлган миқдордаги ресурслар билан ўзини таъминлашнинг имконини бермоқда. Лекин, инсон ва табиатнинг бу борадаги ўзаро ҳамкорлик жараёни тескари алокага ҳам эга. Муайян ҳавф-хатарни келтириб чиқарувчи бу алоқа биосферанинг ҳам, биогеоценоз-

¹⁰ Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009.30–31-бетлар.

ларнинг ҳам динамик ҳатти-харакати назариясини ишлаб чиқиши вазифасини ҳал этишини такозо этади. Ушбу масалаларни ўрганиши билан эса экология фани шутгулланади.

«Экология» сўзи юончча «ойкос» – уй ва «логос» – фан сўзлари биримасидир. Шундай қилиб, «табиий уйимизни» ўрганиш уйда яшовчи барча организмларни ва ушбу «уйни» яшаш учун ярокли холатга келтирувчи барча функционал жараёнларни ўрганишни камраб олади. Том маънода, экология – «уидаги» организмлар ҳакидаги фандир. Унда асосий эътибор «организмлар йигиндиси ёки улар билан атроф-мухит ўртасидаги алоқалар хусусиятига» қаратилади, янада кенг маънода, айтадиган бўлсак экология – атроф-мухитнинг биотлари (тирик) ва абиотлари (ўлик) ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги фан саналади [48,74].


«Иктисодиёт» сўзи ҳам юончча «ойкос» ўзагидан келиб чиқиб, уй хўжалигини юритиш санъатини Англатади. Янада кенг маънода эса у оқилона хўжалик юритиш тўғрисидаги фандир. Демак, экология ва иктисодиёт биргаликда ҳаракатланиши лозим. Афсуски, кўпчилик экологлар ва иктисадчиларни қарама-карши фикрларга эга бўлган ракиблар, деб ҳисоблашади. Бундай холат таассуфки, аслида мазкур фанларнинг мутахассислари ўз соҳасига жуда тор маънода қарашлари туфайли юзага келади. Шунинг учун, ушбу фанлар ўртасида ўзаро боғловчи кўприклар бўлиши лозим.

Экология башарият ривожланишининг дастлабки босқичидаёк инсонларда амалий жиҳатдан қизиқиши уйғотган. Ибтидоий жамиятда ҳар бир индивид омон колиш учун ўзини ўраб турган муҳит ҳакида, яъни табиат кучлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳакида муайян билимларга эга бўлиши лозим эди. Цивилизация – ривожланиш билан табиатнинг асосий конунлари ўз кучини йўқотмади. Аҳоли сони ўсиши ва инсоннинг атроф-мухитга таъсир этиши имкониятини кентгайтирган энергия ортиши билан ушбу конунларнинг нисбий маъносигина ўзгарди, холос. Эндиликда цивилизацияни саклаб колиш табиат ҳакидаги билимларимизга, шунингдек атроф-мухитни асл ҳолида саклаб туриш ва яхшилашга йўналтирилган оқилона ҳаракатларимизга боғлик.

Билимларнинг бошка соҳалари каби, экология ҳам башарият тарихи мобайнинда нотекис ривожланди. Гиппократ, Аристотель каби файласуфларнинг ишлари экологик хусусиятга эга бўлган билимларни ўзида мужассам этган. Мазкур атама ксийнчалик, яъни 1869 йилда немис биологи Эрист Геккел томонидан таклиф

этиди. 1970 йилгача экологияга, асосан, биология бўлимларидан бири (ўсимликлар экологияси, хайвонлар экологияси) сифатида қаралди. Тўғри, экологиянинг илдизи аслида биологияга бориб тақалади. Аммо, эндиликда у биология фани доирасидан чикиб, жисмоний ва биологик ҳодисаларни ўзаро боғловчи ҳамда табиий фанлар ўртасида робита ўрнатути принципиал янги интеграция-ланган фан сифатида карор топди.

Замонавий экологиянинг мазмунини айрим «биологик доира»ни ташкил этувчи ташкилот даражаларининг концепциясидан келиб чикиб белгилаш лозим (19-расм)¹¹.



19-расм. «Биологик доира»

Экология доиранинг ўнг кисмида турган даражаларни, яъни ортанизмлардан тортиб то экотизимларгача бўлган даражаларни ўрганиди. Илгари инсонлар гурухини билдирган «популяция» атамаси маъноси янада экологияда кенгайиб, ҳар хил турдаги организмлар, жонзорларнинг гурухини англатади. Шунингдек, ҳам жамият, ҳам экологик маънода мазкур участкани эталлаган барча популяцияларни билдиради. Ҳамжамият ва ўлиқ соҳа экологик тизимни ҳосил килган ҳолда, биргаликда фаолият кўрсатади. Ҳамжамият ва экотизимда тез-тез ишлатиб туриладиган «биосинтез» ва «биогеоценоз» (том маънода, биргаликда фаолият кўрсатувчи ҳаёт ва ер) жавоб беради. «Биом» – кулай ва кенг қўлланиладиган атама бўлиб, ўсимликларнинг айрим асосий хиллари ёки ландшафтнинг ўзига хос бошқа хусусиятлари билан тавсифланувчи катта минтақавий ва субконтинентал экотизимни англатади. Биосфера ёки экосфера куёшдан энергия оқимини олиб, уни космик ҳудудга йўналтирган

¹¹ Ляшенко И.Н., Михалевич М.В., Утеулиев Н.У. Методы эколого-экономического моделирования. Нукус: Билим, 1994. С. 11.

холда ушбу тизимни баркарор мувозанат ҳолатида сақлаб туриш учун ернинг жисмоний мухити билан ўзаро ҳамкорликда бўлган барча тирик организмларни ўз ичига олади. «Баркарор мувозанат» деганда биз, ўзини ўзи тартибга солувчи тизимнинг айрим четга чиқишлардан сўнг, бошланғич ҳолатига кайтиш имкониятини тушунамиз [34,55].

Экологик тизимга кўл, яйлов, сув чиқарип ҳоваси, лаборатория микро экотизими, космик кема, шаҳар, агроэкотизимлар мисол бўлиши мумкин.

Ташқи самара (экстерналий)лар мохиятини тушуниш учун саноат тараққиётининг меъёрловчи омиллари сифатида антропоген стресс ва заҳарли чиқиндилар ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз. Табиий экотизимлар даврий равишда содир бўладиган оғир ёки кескин барбод этувчи ҳаракатлар, масалан, ёнгинлар, бўрон, тошқинларни бошдан кечиришга олиб келадиган хусусиятларга эга. Эҳтимол, бу экотизимлар табиатига кўра, бундай ҳаракатларга мослашганлиги билан боғлиқдир. Шунинг учун, улар аксарият ҳолатларда кўплаб даврий антропоген бузилишлардан, масалан, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ёки хосилнинг даврий ўриб-иғиб олинишидан кейин тез янгиланар. Лекин сурункали (доимий равишда ҳаракат қилувчи) бузилишлар, айниска саноатнинг кимёвий чиқиндилари билан атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳолатлари, салбий оқибатларга олиб келипши мумкин. Бундай ҳолатларда мослашишнинг эволюцион тарихи ҳам организмларга ёрдам бера олмайди.

Саноат ва қишлоқ хўжалигига сувнинг катта ҳисмини етказиб берувчи чуқур сув манбаларининг ифлосланиши оғир фожеаларга олиб келувчи энг катта хавф-хатарни тутдириши мумкин. Юза сувлардан фарқли ўлароқ, ер ости сувини тозалаб бўлмайди, чунки у қуёш нури, тез оқим ва юза сувини ифлосланишдан халос этувчи бошқа табиий тозаловчи омилларнинг таъсиридан ҳоли саналади.

Сувга, тупрокка ва озик-овқатга тушадиган зарарли чиқиндилардан ташқари, атмосферага ҳар йили миллион-миллион тонналаб хавфли бирикмалар чиқарилади. Ҳавонинг ифлосланиши салбий тескари алоқа сигнали бўлиб, саноатлашган жамиятни ҳароб бўлишдан саклаши мумкин. Чунки, биринчидан, хавф-хатар тўғрисидаги ушбу аник сигнал инсонлар томонидан осон кабул қилинади. Иккинчидан эса, ҳаммамиз ҳавонинг ифлосланишига ўз улушимишни қўшамиз, лекин ҳаммамиз ҳам ундан азият чекмай-

миз. Ушбу муаммонинг ечими тизимли ёндашувга асосланипни керак, чунки мустакил вазифа сифатида ҳар бир ифлослантирувчи билан шуғуланишга уринишлар («бир вазифа – бир ечим» ёндашувви) нафақат самарасиз бўлади, балки вазифани бир жойдан бошқа жойга кўчириш демакдир.

Агар, кейинги ўн йиллар мобайнида атроф-мухит сифатининг ёмонлашиш жараёнини тўхтатиб туриш бўйича сайд-харакатлар кучайтилмаса, заҳарли моддалар саноат таракқиёти учун меъёрлаштирувчи омилга айланиши мумкин. Атмосферани иссиқлик оркали ифлослантириш ҳозирда сурункали стресс ҳолатининг энг кенг тарқалган туридир, чунки термодинамиканинг иккинчи қонунига мувофиқ, фойдасиз иссиқлик ҳамма вақт энергиянинг бир шаклини бошқасига ўзгартиришда кўшимча маҳсулот сифатида пайдо бўлиши керак. Электр станциялари ва бошқа йирик саноат иншоотлари кўп миқдордаги иссиқликни ҳавога ва сувга чиқаради, айниқса атом электр станцияларига катта ҳажмдаги совитувчи сувлар зарур. Масалан, иссиқлик электр станцияси (ИЭС) да 1 кВт.соат электр энергияни ишлаб чиқаришда атмосферага ва совитиш учун фойдаланиладиган сувга чиқариладиган иссиқлик чиқиндилари 400 ва 135 ккал.ни, замонавий АЭСда эса тегишлича 130 ва 1900 ккал.ни ташкил қиласди [48,86].

Жаҳон ишлаб чиқариши ривожидаги замонавий ёндашув якуний ва оралиқ маҳсулотнинг тез ортиб борувчи ҳажми ҳамда хилма-хиллиги, ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг хилма-хиллиги, ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилинадиган табиий ресурсларнинг ҳажми жадал ортиб бораётганлиги, атроф-мухитга тобора кўп чиқиндилар чиқарилаётганлиги ва уларнинг хилма-хиллиги билан тавсифланади.

Ҳозирги пайтда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида тўхтатиб бўлмайдиган салбий оқибатларнинг реал таҳдиidi юзага келди. Бу, глобал ва минтақавий кўламларда табиий ресурсларнинг ифлосланниши ва тугаб қолишидир.

Атроф-мухитга зарарли таъсир кўрсатипни факат чиқиндиларга ишлов бериш (окова сувларни кайта ишлаш, ҳавони тозалаш) оркали ҳал қилиш ҳозирча табиий ресурслар ҳолати яхшиланишига олиб келмаяпти. Ишлаб чиқариш ва табиий жараёнларни тўлик бир-биридан ажратиб қўйиш (изолациялаш) таклифи ҳам муаммони ҳал этмайди. Мураккаб ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишига нисбатан тизимнинг таркиби, максадлари ва ривожланиш

шартларини ўрганиш асосида кўплаб муқобил варианлардан энг мақбул йўлларини танланишини таъминловчи умумий оқилона ёндашувни кўллаш зарурати юзага келади. Бундай ёндашувнинг методологик базаси қатор фанларни бирлаштирувчи тизимли таҳдил, жумладан, операцияларни тадқиқ этиш, карорлар қабул килиш назарияси, ахборот назарияси, оптимал бошқариш назарияси ва бошка фанларга таянади. Ана шундай ёндашувлардан бири ташки самара (экстерналий)ларни эътироф этиш, ўлчаш, таҳдил килиш ва тартибга солишдир.

Агар, экстерналийлар билан боғлиқ вазият иштирокчилари харажатларсиз таъсир этиш даражасини ўлчаш, уларга бўлган мулкчилик хукукларини ўрнатиш, жараённи муҳофаза этиш ва назорат килиш учун (таъсир этиш хуқуки ёки таъсирга дучор бўйласлик хуқуки ва б.), музокаралар олиб борилига кодир бўлишса, улар экстерналийларни мувофиқлаштириш бўйича Парето-оптимал келишувга эришишади (яъни, «Коуз теоремаси» асосида ташки таъсирларни тартиблаштиради). Акс ҳолда «бозор муваффакиятсизлиги», яъни Парето назарияси бўйича тегишли тарзда мувофиқлаштирилмайдиган мувозанатнинг номакбуллиги юзага келади. Оддий ҳолатларда (масалан, хусусий мувозанат ҳолатида) бу «муваффакиятсизлик» салбий экстерналийлар ҳолатида экстерналийларни юзага келтирувчи фаолиятнинг ортиқчалигида намоён бўлади. Ишлаб чиқаришдаги ижобий таъсирлар чоғида эса, одатда, оптимал экстерналийларга қараганда анча кам харажатлар килинади.

Ушбу таъсирга аниқлик киритиш учун аввал экстерналийлар муаммоси намоён бўладиган бозор механизмининг «нуксонлар»ини кўриб чиқамиз.

Орол денгизининг қуриши ҳамда Амударё ва Сирдарё этагида сув таркибининг ёмонлашуви оқибатида сўнгги йилларда Орол бўйида экологик вазият ғоят кескинлашди. Ушбу муаммо эколог, иктисадчи ва математик олимлар ҳамда ҳалкаро жамоатчилик эътиборини ўзига борган сайин кўпроқ жалб қилмоқда. Натажада вазиятни нормал ҳолатга келтириш йўлларини кидириш турли йўналишларда олиб борилмоқда.

Орол бўйида экологик вазият кескинлашувининг асосий сабабларидан бири – Амударё ва Сирдарёнинг сув ресурсларидан тартибсиз фойдаланишдир. Айнан шундай муносабат флора ва фауналининг кўплаб турлари йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлган денгиз

суви шўрланиш даражасининг кескин ошишига, микроиклимининг тубдан ёмонлашувига олиб келди.

Албатта, республикамиз ҳукумати ҳамда Қорақалпогистон Республикаси раҳбарияти ушбу фалокатни бартараф этиш чораларини кўрмокда. Ахолини сув ва табиий газ билан таъминлаш дастури амалга оширилмоқда, шунингдек, соғлиқни сақлаш базасини мустаҳкамлаш, озик-овқат ва тиббий таъминотни яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Бироқ, давлатимизнинг ички иқтисодий ресурслари юкоридаги муаммолари ҳал этиш учун етарли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган кўшма мажлисида сўзлаган нуткида: «Барчамиз бир оддий ҳақиқатни қатъий ва аниқ англаб олишимиз керак – бундан бўён Ўзбекистон Экологик харакати янги сифат босқичига кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф-мухитни муҳофаза килиш масалаларини ўргага кўйиш ва назорат килиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя килиш учун улкан имкониятларни кўлга киритади»¹², – деб таъкидлади.

Экология хавфсизлиги стратегиясида белгиланган вазифаларни, жумладан, қишлоқ хўжалигида экологик вазиятни назорат килиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланишга карши тадбирлар белгилаш масалалари кейинги параграфларда тадқиқ этилади.

§ 2.2. Экологик омилни ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликларининг таклифини оптималлаштириш модели

Қишлоқхўжалиги ишлаб чиқаришида ташқи таъсирлар – экстерналийларни акс эттириш услубиёти етарлича ишлаб чиқилмаган, бу кўпроқ сугориладиган дехкончиликка тааллукли. Шунинг учун, экологик омилни ҳисобга олган ҳолда, фермер хўжаликларининг таклифини оптималлаштириш моделини кўриб чиқамиз.

Амалиётда фермер хўжаликларининг кўламини аниқлаш мураккаб жараён. Умумий ҳол учун *i* нафар фермернинг ҳар бири

¹² Ислом Каримов. Жаҳон инқирозининг оқибатларини сенгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тарақкий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 149-бет.

($i = 1, \dots, m$) ўз сигирлари подасининг (y) кўламини танласин, $y_i \geq 0$. Подани ўтлатиш учун фермерларга қарашли қорамолларни эркин боқиши учун улар жамоатчилик яйловидан фойдаланади. Барча сигирлар зоти бир хил ва бир сигир φ ҳажмда ($кг/йил$) сут беради ҳамда ишлаб чиқарилган сут миқдори фермерлардаги сигирлар сонига боғлиқ, $Y = \sum_{i=1}^m y_i$, яъни $\varphi = \varphi(Y)$. Агар фермер подасидаги сигирлар сони y га тенг бўлса, унинг ялпи сут ишлаб чиқариши $y\varphi(Y)$ га тенг бўлади.

Кейинги формулаларда биз сигирларнинг умумий сонини ифодаловчи функция ўрнига умумий сут соғинининг бутун пода сонига боғлиқлигини ифодаловчи функциядан $f(Y) = Y\varphi(Y)$ фойдаландик. $f(0) = 0$, $f'(\cdot)$ – функцияниң биринчи ҳосиласи ижобий ва камаювчи эканлиги назарда тутилади. $f''(\cdot)$ – иккинчи ҳосиланинг пасайиши яйловнинг танкис (чекланган) эканлиги, яйловнинг тугаб қолишини кўрсатади. Сутнинг нархи p га, бир сигирни боқиши ҳаражатлари c га тенг бўлсин, у холда i фермернинг чорвачиликдан олган фойдаси бошқа фермерларнинг ушбу y_i стратегияларида қуидагига тенг бўлади:

$$\pi(y_i, y_{-i}) = py_i\varphi\left(y_i + \sum_{j \neq i} y_j\right) - cy_i = p \frac{y_i}{y_i + \sum_{j \neq i} y_j} f\left(y_i + \sum_{j \neq i} y_j\right) - cy_i. \quad (2.1)$$

Демак, фермернинг чорвачиликдан олган фойдаси жами тушумлар (даромадлар)дан жами ҳаражатларни айрилганига тенг.

Барча чорвачилик фермерларининг яйловдан эркин фойдаланишдаги мувозанати – бу Нэшнинг ўйинлар назариясига¹³ мос келувчи мувозанат бўлиб, у қуидаги шартларни кондирувчи \bar{Y} , стратегиялар тўпламига тенг бўлади:

$$\bar{Y} \in \operatorname{argmax}_{y_i} \pi_i(y_i, \bar{y}_{-i}).$$

Агар, қорамолларни яйловда боқиши ягона тизим сифатида амалга оширилса, Y подалар сонининг яйловда ўтлатишдан олинган фойда миқдори қуидаги ҳолатда оптималь ўлчам бўлади:

$$Y \in \operatorname{argmax}_Y \{pf(Y) - cY\}.$$

Фараз қилайлик, $m > 1$, (y_i) ва \bar{Y} мавжуд. У холда

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^m \bar{y}_i > Y \quad (2.2)$$

¹³ www.atv-immm.narod.ru

яъни, умумий яйловдан эркин фойдаланиш ҳар бир гектарга тўғри келадиган подалар зичлигининг ортишига олиб келади¹⁴.

Ҳақиқатан ҳам, Нэш ўйинлар назариясига биноан ички ($\bar{y}_i > 0 \forall i$) мувозанат учун биринчи тартиб шартлари қуидаги кўринишга эга:

$$p \cdot \left(\frac{\bar{Y} - \bar{y}_i}{\bar{Y}^2} f(\bar{Y}) + \frac{\bar{y}_i}{\bar{Y}} f'(\bar{Y}) \right) = c,$$

уларни қўшган ҳолда, қуидагига эга бўламиш:

$$p \cdot \left(\frac{m-1}{\bar{Y}} f(\bar{Y}) + f'(\bar{Y}) \right) = mc. \quad (2.3)$$

Иккинчи томондан, \hat{Y} жамоа подасининг оптимал сони учун ($\hat{Y} > 0$ бўлганида) биринчи тартиб шартлари қуидаги кўринишга эга:

$$pf'(\hat{Y}) = c.$$

Ушбу иккита нисбатни ўзгартириб, қуидагига эга бўламиш¹⁵:

$$m \left(f'(\hat{Y}) - f'(\bar{Y}) \right) = (m-1) \left(\frac{f(\bar{Y})}{\bar{Y}} - f'(\bar{Y}) \right) > 0.$$

$f'(\cdot)$ ҳосиланинг камайганлиги боис, $\bar{Y} > \hat{Y}$.

Бу фикрга тўлик амин бўлиш учун, масалан, $f(Y) = \sqrt{Y}$ ва $c=1$ деб қабул килсак, фикримизнинг тўғрилиги исботланади,

$$\bar{Y} = p^2 \left(1 - \frac{1}{2m} \right)^2$$

айни пайтда

$$\hat{Y} = \frac{p^2}{4} \quad (2.4)$$

$m > 1$ бўлганида $\left(1 - \frac{1}{2m} \right)^2 > \frac{1}{4}$, чунки $\bar{Y} > \hat{Y}$.

Юкоридаги тенгсизликнинг маъноси шу билан изохланадики, фермер якка тартибда ўз фойда микдорини оширганда, у ўзининг бошка фермерлар фойдасига таъсирини хисобга олмайди. Агар $y_i > 0$ бўлганида

¹⁴ Ушбу ҳолат учун инглизча атама *congestion* – ҳаддан зиёд интенсив фойдаланишни англатади.

¹⁵ Бу ерда ҳаражатлар нолга тенг бўлганда ишлаб чиқариш функцияси эгилган ва нолга тенг. Унда ўртача унумдорлик чекланишдан кўра юкори бўлади, деган тенгсизликнинг маълум фактидан келиб чиқилади.

$$\frac{\partial \pi_i}{\partial y_i} = p \frac{y_i}{Y} \left(f'(Y) - \frac{f(Y)}{Y} \right) < 0 \quad i \neq j \text{ туфайли,}$$

фермерларнинг ўзаро алоқаларини хисобга олган ҳолда, $\frac{\partial \pi_i}{\partial y_i} = 0$ мувозанат нуктасида қуидаги нисбат бажарилишига эга бўламиш:

$$\sum_{j=1}^m \frac{\partial \pi_i}{\partial y_j} = \frac{\partial}{\partial y_i} \sum_{j=1}^m \pi_j < 0 \quad (2.5)$$

Бу шуни англатадики, фермер подадаги чорва моллари сонини кисқартириб, яйловдан камрок фойдаланган ҳолда умумий фойда микдорини ошириши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳар кандай ўзгариш қолган барча фермерлар аҳволини яхшиласа ҳам ўз подасига, қорамоллар сонига ана шундай тузатишлар киритган фермернинг аҳволини ёмонлаштиради. Агар икки фермер ўз подаларидағи қорамоллар бош сонини бироз камайтирса, у ҳолда ҳар бир фермернинг фойдаси ортади. Бошқача айтганда, бундай ўзгариш бозор иктисодиёти назариясида қатъий тарзда Парето-яхшиланишини ўзида намоён этади. Дарҳакикат, ҳар бир фермер подасидаги қорамоллар сонини кичик микдорда ўзгаришини алоҳида тарзда кўриб чиқамиз:

$$(dy_1, \dots, dy_m).$$

Бунда

$$d\pi_i = \sum_{j=1}^m \frac{d\pi_i}{dy_j} dy_j \quad (2.6)$$

Агар $i \neq j$ бўлса, у ҳолда $d\pi_i/dy_j < 0$. Иккинчи томондан, мувозанат нуктасида $d\pi_i/dy_i = 0$. Шундай килиб, агар $dy_i \leq 0$ барча фермерлар учун i ва камида иккита фермер учун тенгсизлик қатъий бўлса, у ҳолда $d\pi_i > 0$ барча i фермерлар учун тааллукли бўлади. Муаллиф бу хулоса орқали ресурслардан жамоа тарзидаги фойдаланиша ташқи самара (экстерналий)лар бўлишини исботлайди.

Юқорида кўрсатилган заарли самаралар ортиқчалиги муаммоси ғоят умумий хусусиятга эга бўлиб, унга мухитнинг ифлосланиши, барча турдаги умумий ресурслар (йўллар, дам олиш жойлари ва х.к.)дан биргаликда фойдаланиш ҳолатларида дуч келинади.

Бу тескари белги – ижобий ташқи самараларни берувчи фаолиятнинг етишмаслиги тенденцияси билан кузатиладиган ҳолат. Масалан, агар факат шахсий фойдага интигулувчи фермер хўжаликлари ёки бригада аъзолари шунчаки умумий фойда улушкини олишса ва

улар назорат қилинмаса, у ҳолда унинг саъй-ҳаракатлари, табиий тасаввурларда, оптималь ҳаракатларга қараганда паст бўлади.

Юкорида келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, ташки самара (экстерналий)лар намоён бўлган вазиятларда номақбулликкниг асосий сабаби – мувофиқлаштирилмаган якка тартибдаги қарорларда фойда ёки бошқалар учун келтириладиган зиёнларнинг инкор этилишидир. Куйида номақбул мувозанатларга тузатишлар киритишининг турли усулларини кўриб чиқамиз. Ҳусусан, агар мулкчилик ҳуқуқлари қайсиdir тарзда тақсимланса, «умумий неъмат» билан бозорнинг муваффакиятсизлиги йўколади. Масалан, юкоридаги мисолимизда фермерлар корамолларни яйловда ўтлатишнинг дастлабки меъёрлари (масалан, оптималь ҳажмнинг ярми) тўғрисида келишиб олишлари, сўнгра эса зарур ҳолатларда меъёрларни бир-бирига «сотиш»лари ва «харид» қилишлари мумкин.

Экстерналийларга эга бўлган қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиётининг ўзига хос ҳусусиятлари қуйидагича: такомиллашган бозорлардаги сингари экстерналийларга эга бўлган бозорларни таҳлил қилишда мувозанат ва самарали ҳолатларни таққослашни уларнинг тавсифлари асосида амалга оширган маъкул. Мазкур параграфда биз экстерналийларга эга бўлган иқтисодиётнинг Парето-самарали ва мувозанат ҳолатлари тавсифларига эга бўламиз ва шулар негизида мувозанат ҳолати самарасиг эканлигини кўрсатамиз. Бошқача қилиб айтганда, экстерналийларга эга бўлган иқтисодиётда бозор механизми яхши ишламайди ва ресурслар самарали, яъни аҳолининг фаровонлигини ошириш нуқтаи назаридан оптималь тақсимланмайди.

Экстерналийларга эга бўлган иқтисодиёт учун Парето-самарандорлик тушунчасини қайта ифодалаш кийинчилик туғдирмайди. Классик моделдаги сингари экстерналийларга эга бўлган иқтисодиётнинг Парето-оптималь ҳолатини тавсифловчи фикр математик ибораларда қуйидагича ифодаланади: дастлабки ҳолат (\hat{x}, \hat{y}) факат у қуйидаги m вазифаларнинг ечими бўлганида Парето-оптимум ҳисобланади ($i_0 = 1, \dots, m$):

$$u_{i_0}(x, y) \rightarrow \max_{(x, y)} \quad (2.7)$$

$$u_i(x, y) \geq \hat{u}_i = u_i\left(\hat{x}, \hat{y}\right) \forall i \in I, i \neq i_0,$$

$$x_i \in X_i \quad \forall i \in I,$$

$$g_j(y, x) \geq 0 \quad \forall j \in J,$$

$$\sum_{i \in I} (x_{ik} - \omega_{ik}) = \sum_{j \in J} y_{jk} \quad \forall k \in K.$$

Парето-оптималь холатнинг ушбу хусусияти асосида унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш мумкин. Масаланинг шартсиз ечими ни топиш учун Лагранжи кўпайтиувчиларни қўллаш натижасида i_0 учун ечимни куидаги кўринишда топамиз:

$$L = \sum_{i \in I} \lambda_i u_i(x, y) + \sum_{j \in J} \mu_j g_j(y, x) + \sum_{k \in K} \sigma_k (\sum_{j \in J} y_{jk} - \sum_{i \in I} (x_{ik} - \omega_{ik})) \quad (2.8)$$

Ички ечимлар учун биринчи тартиб шартлари куидаги кўринишга эга бўлади:

$$\frac{\partial L}{\partial x_{ik}} = \sum_{s \in I} \lambda_s \frac{\partial u_s(\hat{x}, \hat{y})}{\partial x_{ik}} + \sum_{j \in J} \mu_j \frac{\partial g_j(\hat{y}, \hat{x})}{\partial x_{ik}} - \sigma_k = 0 \quad \forall i, k, \quad (2.9)$$

$$\frac{\partial L}{\partial y_{jk}} = \sum_{i \in I} \lambda_i \frac{\partial u_i(\hat{x}, \hat{y})}{\partial y_{jk}} + \sum_{s \in J} \mu_s \frac{\partial g_s(\hat{y}, \hat{x})}{\partial y_{jk}} + \sigma_k = 0 \quad \forall j, k. \quad (2.10)$$

Бу ерда ва кейинги ўринларда биз шуни назарда тутамизки, куидаги хусусиятларга эга бўлган k_0 товар, неъмат мавжуд:

$-k_0$ товар, неъмат ташки таъсиirlарни келтириб чиқармайди, яъни

$$k_0 \notin E_i \quad \forall i \in I \text{ ва } k_0 \notin E_j \quad \forall j \in J,$$

иқтисодиётнинг кўриб чиқилаётган ҳолатида

$$\frac{\partial u_i}{\partial x_{ik_0}} > 0 \quad \forall i \in I \text{ ва } \frac{\partial g_j}{\partial y_{jk_0}} < 0 \quad \forall j \in J. \quad (2.11)$$

Бундай товар-неъмат иқтисодиёт учун ҳисобнинг табиий бирлиги ролини ўйнаши мумкин¹⁶.

Агар кўриб чиқилаётган оптимумда Парето товар-неъмат каби мавжуд бўлса, у ҳолда Кун-Таккер теоремасининг мунтазамлик шартлари бажарилганигини текшириш ва $\lambda_{i_0} = 1$ (барча $i_0 = 1, \dots, m$ учун) ҳисоблаш мумкин. Бу, олинган нисбатлардан Лагранж кўпайтиувчиларини чиқариб ташлаш ва ўрин босишнинг энг юкори меъёр атамаларида дифференциал хусусиятни тақдим этиш имконини беради.

Биринчи тартиб шартларидан k_0 товар-неъмат учун куидагига эга бўламиш:

¹⁶ Албатта, ушбу неъматдан истеъмолчилар ҳам иш вакти, ҳам бўш вакти сифатида фойдаланишлари мумкин.

$$\lambda_i = \frac{\sigma_{k_0}}{\partial u_i \left(\begin{smallmatrix} \hat{x}, \hat{y} \\ x, y \end{smallmatrix} \right) / \partial x_{ik_0}} \quad \forall i \in I,$$

$$\mu_j = -\frac{\sigma_{k_0}}{\partial g_j \left(\begin{smallmatrix} \hat{x}, \hat{y} \\ y, x \end{smallmatrix} \right) / \partial y_{jk_0}} \quad \forall j \in J.$$

Бундан ташқари, i_0 истеъмолчи учун $\partial L / \partial x_{i_0 k_0} = 0$ нисбатни кўйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\frac{\partial u_{i_0} \left(\begin{smallmatrix} \hat{x}, \hat{y} \\ x, y \end{smallmatrix} \right)}{\partial x_{i_0 k_0}} = \sigma_{k_0}.$$

Демак, $\sigma_{k_0} > 0$ (Шундай килиб, λ ва μ_j Лагранж кўпайтирувчила-рининг барчаси ижобий). Формуладаги маҳражнинг ўрнига товар-лар қийматини кўйиб, экстерналийларга эга бўлган иқтисодиётда Парето-чегаранинг кўйидаги дифференциал хусусиятига эга бўла-миз:

$$\frac{\partial u_i / \partial x_{ik}}{\partial u_i / \partial x_{ik_0}} + \sum_{s \neq i} \frac{\partial u_s / \partial x_{ik}}{\partial u_s / \partial x_{sk_0}} - \sum_{j \in J} \frac{\partial g_j / \partial x_{ik}}{\partial g_j / \partial y_{jk_0}} = \frac{\sigma_i}{\sigma_{k_0}},$$

$$\frac{\partial g_j / \partial y_{jk}}{\partial g_j / \partial y_{jk_0}} - \sum_{i \in I} \frac{\partial u_i / \partial y_{jk}}{\partial u_i / \partial x_{ik_0}} + \sum_{s \neq j} \frac{\partial g_s / \partial y_{jk}}{\partial g_s / \partial y_{sk_0}} = \frac{\sigma_k}{\sigma_{k_0}}.$$

Тенгламадан, хусусан, истеъмолчиларнинг ҳар бир жуфтлиги учун, i ва i_0 исталган k товар-неъмат учун кўйидаги нисбат бажа-рилади:

$$\sum_{i \in I} \frac{\partial u_i / \partial x_{ik}}{\partial u_i / \partial x_{ik_0}} - \sum_{j \in J} \frac{\partial g_j / \partial x_{ik}}{\partial g_j / \partial y_{ik_0}} = \sum_{i \in I} \frac{\partial u_i / \partial x_{ik}}{\partial u_i / \partial x_{ik_0}} - \sum_{j \in J} \frac{\partial g_j / \partial x_{ik}}{\partial g_j / \partial y_{ik_0}}. \quad (2.12)$$

Ана шундай нисбатни иқтисодий субъектлар, истеъмолчилар ёки ишлаб чиқарувчиларнинг исталган жуфтлиги учун кўллаш ва тахдил қилиш мумкин.

Экстерналийлар – ташки самаралар мавжуд бўлган иқтисодиёт учун Парето-оптимал ҳолатларнинг дифференциал хусусиятини ушбу иқтисодиётдаги бозор мувозанатининг дифференциал хусусияти билан солиштирамиз $(\bar{p}, \bar{x}, \bar{y})$ (тахминимизча, бундай мувоза-нат мавжуд). Юкоридаги каби шуни назарда тутамизки, k_0 неъмат мавжуд, демак, (2.12) шарти бажарилди.

Бу ерда, биз, неоклассик ёндашув ва Пигу назариясига бориб тақалувчи, иқтисодий субъектлар ўзларига таъсир кўрсатувчи экс-

терналийларни қатый тарзда белгилантан (уларнинг ҳажми қабул килинган карорларга боғлик бўлмаган экзоген) экстерналийлардир, деган фикрга таяниб экстерналийларга эга бўлган моделлар (вазиятлар)ни таҳдил килиш учун одатий ишни бажарамиз. Шундай килиб, назаримизда, иктиносидий субъектлар айнан ўзлари томонидан сотиб олинадиган неъматлар ва хизматлардан фойдаланиш учун тўлиқ ва ҳеч нарса билан чекланмаган хукуқка эгадирлар хамда (қандайдир сабабларга кўра) бошқа иктиносидий субъектлар томонидан сотиб олинган неъматлар ва хизматлардан фойдаланиш бўйича назорат килиш хукуқига нисбатан музокаралар (битимлар)га кириша олмайди. Бунинг оқибатида, бундай хукукий бозорлар мавжуд бўлмайди. Шундай килиб, иктиносидий субъект ўзининг мақсадли функциясини факат «ўз» ўзгарувчанлари бўйича оширади.

Масалан, i истеъмолчи ўзининг x_i истеъмол тўплами бўйича фойдалиликни оширади.

Истеъмолчининг вазифаси куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{aligned} u(x, x_{-i}, y) &\rightarrow \max \\ px_i &\leq \beta_i, \end{aligned} \tag{2.13}$$

$$x_i \in X_i$$

j ишлаб чиқарувчи эса y_j ишлаб чиқариш ҳажмини танлаган холда фойдани оширади, яъни куйидаги вазифани ҳал этади:

$$\begin{aligned} py_j &\rightarrow \max \\ g_j(y_j, y_{-j}, x) &\geq 0. \end{aligned} \tag{2.14}$$

Кўриб турганимиздек, ички мувозанатда k_0 товар-неъматнинг нархи ижобий. Бозор мувозанатининг дифференциал хусусияти куйидаги кўринишга эга:

$$\frac{\partial u_i(\bar{x}, \bar{y}) / \partial x_{ik}}{\partial u_i(\bar{x}, \bar{y}) / \partial x_{ik_0}} = \frac{\bar{p}_k}{\bar{p}_{k_0}} \text{ барча } i \in I; \text{ учун;}$$

$$\frac{\partial g_j(\bar{x}, \bar{y}) / \partial y_{jk}}{\partial g_j(\bar{x}, \bar{y}) / \partial y_{jk_0}} = \frac{\bar{p}_k}{\bar{p}_{k_0}} \text{ барча } j \in J, \text{ учун}$$

бу ерда k – ихтиёрий товар-неъмат.

Бундан келиб чиқадиган холоса шуки, истеъмолчиларнинг ҳар бир жуфтлиги i_1 ва i_2 учун куйидаги нисбатда бажарилади:

$$\frac{\frac{\partial u_{i_1} / \partial x_{i_1 k}}{\partial u_{i_1} / \partial x_{i_1 k_0}}}{\frac{\partial u_{i_2} / \partial x_{i_2 k}}{\partial u_{i_2} / \partial x_{i_2 k_0}}} = \frac{\frac{\partial u_{i_1} / \partial x_{i_1 k}}{\partial u_{i_1} / \partial x_{i_1 k_0}}}{\frac{\partial u_{i_2} / \partial x_{i_2 k}}{\partial u_{i_2} / \partial x_{i_2 k_0}}}. \tag{2.15}$$

Мувозанат ва Парето-оптимумнинг дифференциал хусусиятларини таққослаган ҳолда, (2.15) нисбатнинг чап томони (2.12) нисбат чап томонининг қўшилувчиларидан бири эканлигини кўриб турибмиз. Чап томон ҳақида ҳам худди шуларни айтиш мумкин. Умумий фикрлардан келиб чиқиб, бир нисбатдан иккинчисини келтириб чиқаришини кутиш кийин. Ушбу иккита дифференциал хусусият бир-бири билан мос кела олмаслиги мумкин. Дифференциал хусусиятларнинг ўзаро мос кела олмаслиги ўз маъносига кўра макроиткисодиётда исботланган фаровонлик теоремаларига зид бўлган фикр тўғрилигини англатган бўлар эди.

Бу шу билан боғлиқки, ҳар қандай иктисодий субъектнинг фаолияти умумий ҳолатда ҳар қандай бошқа иктисодий субъектга таъсир кўрсатиши ва экстерналийларга эга бўлган иктисодиётда ўзаро алоқалар таркиби бир холосага келиш учун анча мураккаб бўлиши мумкин. Чамаси, экстерналийлар бўйича ҳосил бўлган айрим «мунтазам» ҳатти-ҳаракатни тахмин қилимасликнинг иложи йўқ. Навбатдаги теорема бундай тахминларнинг эҳтимолий тўпламларини биридан фойдаланади (шубҳасиз, ушбу тахминларни заифлаштириш мумкин эди).

Ташқи самара (экстерналий)лар билан иктисодий мақсадларнинг умумий қўйилиши: (x, y) – экстерналийлар таъсирида бўлган иктисодиётнинг йўл қўйиладиган ҳолати $x_i \in \text{int } X_i$, барча $i \in I$ учун, фойдалилик функциялари ва ишлаб чиқариш функциялари дифференцияланувчи бўлсин. Бундан ташқари:

* k_0 – товар-неъмат мавжуд бўлиб, унинг учун (2.11) шартлари бажарилган;

* ишлаб чиқариш хажми билан боғлик барча экстерналийлар k^* товарлар неъмат j^* ишлаб чиқарувчиси билан (y_{j^*k}) , шу маънода салбий эмаски,

$$\frac{\partial u_i(x, y)}{\partial y_{j^*k}} \geq 0 \text{ ҳар қандай } i \in I, \text{ учун:}$$

$$\frac{\partial g_j(x, y)}{\partial y_{j^*k}} \geq 0 \text{ ҳар қандай } i \in I, j \neq j^*,$$

бунда ҳеч бўлмаганда битта тенгсизлик қатъий;

* ҳеч бўлмаганда битта i_0 истеъмолчи томонидан $k^*(x_{i_0})$ товар-неъматнинг истеъмол қилиниши ташқи таъсирини келтириб чиқармайди, яъни $k^* \notin E_{i_0}$.

У ҳолда навбатдаги иккита фикр бир вақтнинг ўзида ишончли бўлиши мумкин эмас:

• p нархни ва мулкни тақсимлаш мавжуд, (p,x,y) – ушбу иктиносидиётнинг бозор мувозанати.

• (x,y) холат – ушбу иктиносидиётнинг Парето-оптимуми.

Теорема битта бўлсада, лекин, у микроиктиносидиёт назариясидаги фаровонликнинг иккала теоремасига ҳам қарама-карши. Уни иккита усул билан қайта ифодалаш мумкин:

1. Ташки самара (экстерналий)ларга эга бўлган иктиносидиётда мувозанат Парето-оптимал бўлиши мумкин эмас.

2. Экстерналийларга эга бўлган иктиносидиётда Парето-оптимумни бозор мувозанати сифатида амалга ошириб бўлмайди.

(2.11) теорема шартларида $(\bar{p}, \bar{x}, \bar{y})$ тенгламанинг номақбуллигини Парето-яхшиланишини, яъни иктиносидиётнинг Парето назарияси бўйича (\bar{x}, \bar{y}) холатини устун кўювчи бошқа йўл кўйиладиган (\tilde{x}, \tilde{y}) холатини танлаб олиш билан ҳам тасдиқлаш мумкин. Бунда Парето-яхшиланиш (\bar{x}, \bar{y}) ни биз шундай танлаб олишимиз мумкинки, унда $y_{j,k}$ ижобий экстерналийларни ҳосил қилиш кўриб чиқилаётган тенгламадагига қараганда мутлақо кўп бўлади.

Агар қандайдир $y_{j,k}$ ўзгарувчанлар билан боғлик экстерналийлар салбий бўлса, у ҳолда Парето-яхшиланиш (\bar{x}, \bar{y}) ни шундай танлаб олиш мумкинки, унда $y_{j,k}$ ижобий экстерналийларни ҳосил қилиш кўриб чиқилаётган тенгламадагига қараганда мутлақо кам бўлади. Шунга ўхшаш фикрлар истеъмолда экстерналийларни келтириб чиқарувчи неъматлар учун ҳам тўғри келади. Ушбу фикрларнинг исботини биз уларни экстерналийларга эга бўлган иктиносидиётлардан аниқ мисоллар келтирган ҳолда тасдиқлаймиз.

Ўтказилган таҳлилни экстерналийларга эга бўлган иктиносидиётнинг алоҳида ҳолати билан изоҳлаймиз.

Агар ишлаб чиқариша умумий мувозанат; ишлаб чиқариша ташки самара (экстерналий)лар. Агар иктиносидиётни учта товар, бир (репрезентатив) истеъмолчи ва иккита ишлаб чиқарувчи билан кўриб чиқамиз. $j = 1, 2$ ишлаб чиқарувчи ягона ишлаб чиқариш омили – меҳнатдан фойдаланган ҳолда фақат j маҳсулотни ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқариш хажмларини y_1 ва y_2 билан, меҳнат сарфларини эса тегишлича r_1 ва r_2 , билан белгилаймиз¹⁷. Яна шуни назарда тутамизи, яққол ишлаб чиқариш функцияларига эга бўлган технологиялар тақдим этилган:

¹⁷ Таъкидлаш лозимки, бу ерда соф ишлаб чиқаришлар атамаси ишлаб чиқаришнинг стандарт тақдим этилишдан четта чиқиб, белгилашни бирмунча соддлаштирилди, яъни янги ўзгарувчиларга ўтдик: $y_j = y_{j,j}$ ($j = 1, 2$), $r_j = -y_{j,j}$.

$$y_1 \leq f_1(r_1, y_2), \quad y_2 \leq f_2(r_2, y_1)$$

яъни, ўша меҳнат сарфлари билан ҳар бир товар ёки неъматни ишлаб чиқариш бошқа неъмат ишлаб чиқарилишига боғлик, бу эксперналийлар ўрин тутишини англатади.

Истеъмолчининг афзал билишлари мазкур иктисодиётда ишлаб чиқариладиган иккита $x_1 \geq 0$ ва $x_2 \geq 0$ неъматни истеъмол қилиш ҳажми ва $x_3 \geq 0$ буш вактга боғлик бўлган $u(x_1, x_2, x_3)$ фойдалилик функциялари билан ифодаланган. Истеъмолчи факат ω учинчи неъмат (вакт) захирасига эга.

Фойдалилик функцияси ва ишлаб чиқариш функциялари дифференцияланган. Бундан ташқари, ушбу функциялар ҳосилалари «табий» белгиларга, хусусан, куйидагиларга эга:

$$\frac{\partial f_2}{\partial r_2} > 0, \quad \frac{\partial f_1}{\partial r_1} > 0, \quad \frac{\partial u}{\partial x_1} > 0, \quad \frac{\partial u}{\partial x_2} > 0, \quad \frac{\partial u}{\partial x_3} > 0$$

Кўриб чиқилаётган иктисодиётда баланс чекловлари куйидаги кўринишга эга:

$$y_1 = x_1, \quad y_2 = x_2, \quad r_1 + r_2 + x_3 = \omega \quad (2.16)$$

Ушбу иктисодиётнинг Парето-оптимал ҳолатлари¹⁸.

$$\left(\begin{smallmatrix} \hat{x}_1, \hat{x}_2, \hat{x}_3, \hat{y}_1, \hat{y}_2, \hat{r}_1, \hat{r}_2 \\ x_1, x_2, x_3, y_1, y_2, r_1, r_2 \end{smallmatrix} \right),$$

куйидаги мақсадларга эришиш мумкинлигини кўрсатади:

$$u(y_1, y_2, \omega - r_1 - r_2) \rightarrow \max_{y_1, y_2, r_1, r_2} \quad (2.17)$$

$$\begin{aligned} y_1 &\leq f_1(r_1, y_2), & y_2 &\leq f_2(r_2, y_1), \\ y_1 &\geq 0, & y_2 &\geq 0, \\ r_1 + r_2 &\leq \omega. \end{aligned}$$

Бу ерда Парето-оптимумни тавсифловчи мақсад битта, чунки истеъмолчи битта. Ушбу мақсад Лагранжи кўпайтувчилари орқали куйидаги кўринишга эга:

$$\begin{aligned} L(y_1, y_2, r_1, r_2, \mu_1, \mu_2) &= \\ = u(y_1, y_2, \omega - r_1 - r_2) + \mu_1(f_1(r_1, y_2) - y_1) + \mu_2(f_2(r_2, y_1) - y_2) & \quad (2.18) \end{aligned}$$

Фараз қиласлий, мазкур мақсадни амалга ошириш ички шартларга боғлиқ. У ҳолда Парето-оптимал ҳолатни куйидаги нисбатлар билан тавсифлаш мумкин:

$$\frac{\partial u}{\partial x_1} - \mu_1 + \mu_2 \frac{\partial f_2}{\partial y_1} = 0, \quad \frac{\partial u}{\partial x_2} + \mu_1 \frac{\partial f_1}{\partial y_2} - \mu_2 = 0,$$

¹⁸ Кўриб чиқилаётган иктисодиётда муайян функциялар учун факат битта Парето-оптимал ҳолат бўлади. Лекин, ушбу ҳолатда бу биз учун муҳим эмас.

$$-\frac{\partial u}{\partial x_3} + \mu_1 \frac{\partial f_1}{\partial r_1} = 0, \quad -\frac{\partial u}{\partial x_3} + \mu_2 \frac{\partial f_2}{\partial r_2} = 0.$$

Якуний махсулот кўп меҳнат талаб қилиши туфайли, Лагранж кўпайтирувчиларини

$$\mu_1 = \frac{\partial u / \partial x_3}{\partial f_1 / \partial r_1}, \quad \mu_2 = \frac{\partial u / \partial x_3}{\partial f_2 / \partial r_2}$$

тарзида ёзил, Парето-оптимумнинг

$$\frac{\partial u}{\partial x_1} - \frac{\partial u / \partial x_3}{\partial f_1 / \partial r_1} + \frac{\partial u / \partial x_1}{\partial f_2 / \partial r_2} \frac{\partial f_2}{\partial y_1} = 0, \quad \frac{\partial u}{\partial x_2} - \frac{\partial u / \partial x_3}{\partial f_1 / \partial r_1} \frac{\partial f_1}{\partial y_2} - \frac{\partial u / \partial x_3}{\partial f_2 / \partial r_2} = 0$$

тарздаги тавсифи ёки дам олишнинг ижобий энг юкори фойдалилигига $\partial u / \partial x_3$ бўлсанк,

$$\frac{\partial u / \partial x_1}{\partial u / \partial x_3} = \frac{1}{\partial f_1 / \partial r_1} - \frac{\partial f_2 / \partial y_1}{\partial f_2 / \partial r_2}, \quad \frac{\partial u / \partial x_2}{\partial u / \partial x_3} = \frac{1}{\partial f_2 / \partial r_2} - \frac{\partial f_1 / \partial y_2}{\partial f_1 / \partial r_1}.$$

кўринишдаги тавсифга эга бўлиш мумкин.

Энди, иктисолидётда барча товарлар ёки неъматлар ижобий микдорларда истеъмол қилинадиган бозор мувозанатларини (ички мувозанатларни) таърифлаймиз. ($p_1, p_2, p_3, \bar{x}_1, \bar{x}_2, \bar{x}_3, \bar{y}_1, \bar{y}_2, \bar{r}_1, \bar{r}_2$) – ана шундай мувозанат бўлсин. \bar{y} , ишлаб чиқариш ва \bar{r} , меҳнат сарфлари қуидаги мақсаднинг ечими хисобланади (j ишлаб чиқарувчининг фойдасини кўпайтириш вазифаси):

$$\pi_j = p_j f_j(r_j, \bar{y}_{-j}) - p_3 r_j \rightarrow \max_{r_j} \quad (2.19)$$

Шунинг учун мувозанатда

$$\frac{1}{\partial f_1 / \partial r_1} = \frac{p_1}{p_3} \text{ ва } \frac{1}{\partial f_2 / \partial r_2} = \frac{p_2}{p_3},$$

яъни, ислоҳ килишнинг энг юкори меъёrlари нархлар нисбатига тент.

Иккинчи томондан, истеъмолчи вазифаси учун Лагранж функцияси қуидаги кўринишга эга:

$$L = u(x_1, x_2, x_3) + \lambda(\beta - (p_1 x_1 + p_2 x_2 + p_3 x_3)) \quad (2.20)$$

Уни x_1, x_2 ва x_3 бўйича дифференциялаб, олинган биринчи тартиб шартларини соддалаштирган ҳолда истеъмол тўпламининг оддий тавсифига эга бўламиз ($\bar{x}_1, \bar{x}_2, \bar{x}_3$) – энг юкори фойдалилик нисбатининг нархлар нисбатига тенглиги:

$$\frac{\partial u / \partial x_1}{\partial u / \partial x_3} = \frac{p_1}{p_3} \text{ ва } \frac{\partial u / \partial x_2}{\partial u / \partial x_3} = \frac{p_2}{p_3}.$$

Демак, мувозанат $\frac{\partial u / \partial x_1}{\partial u / \partial x_3} = \frac{1}{\partial f_1 / \partial r_1}$, $\frac{\partial u / \partial x_2}{\partial u / \partial x_3} = \frac{1}{\partial f_2 / \partial r_2}$ бажарилди.

Агар ташки таъсир энг юқори самарасини тавсифловчи $\partial f_1 / \partial y_2$ ва $\partial f_2 / \partial y_1$ ҳосилалардан ҳеч бўлмаганда биттаси мувозанат ҳолатида нолга тенг бўлмаса, у ҳолда биз дифференциал хусусиятларни таккослаган ҳолда, ички мувозанат Парето-оптимал бўлиши мумкин эмас ва, аксинча ички Парето-оптимумни мувозанат сифатида амалга ошириб бўлмайди, деган хulosага келишимиз мумкин.

Уларга мувозанат ва Парето-оптимум тавсифлари фарқ қиладиган $\frac{\partial f_j / \partial y_{-j}}{\partial f_j / \partial r_j}$ катталиклар (ижобий экстерналийлар ҳолатида) бошқа неъматни ишлаб чиқаришни «кичик бирликка» оширган ҳолда ушбу неъматни ишлаб чиқаришда қанча меҳнатни «тежаш» мумкинлигини кўрсатади. Меҳнат сарфининг оптимал ҳажмини хисоблаб чиқишида ишлаб чиқарувчи ушбу таъсирни хисобга олмайди.

$\partial f_j / \partial y_{-j} = 0$ шартини бажаришда бозор мувозанати ҳолатида мувозанат тавсифи худди Парето-оптимал ҳолат тавсифи каби кўринишга эга бўлади. Лекин, ушбу иккала тавсиф ҳам зарур шартларни тақдим этганлиги боис, кўшимча тахминларсиз Парето мувозанати оптимал, деган хulosага келиб бўлмайди. Бозор мувозанатининг оптималлигини исботглашдаги стандарт ёндашув ишлаб чиқариш функциялари ва фойдалилик функциясининг эгилганлиги тўғрисидаги тахминга таянади. Бироқ, «бегона» ўзгарувчи (экстерналийлар) бўйича ишлаб чиқариш функцияларининг эгилганлиги тўғрисидаги тахмин ихтиёрий ҳисобланади ва уни «ўз» ўзгарувчани бўйича эгилганлик каби табиий тарзда талкин этиб бўлмайди.

Ушбу мисолда мувозанат ҳолати учун Парето-яхшиланишни яккол тарзда кўрсатган ҳолда неъматлар ишлаб чиқаришнинг номакбуллиги тўғрисидаги фикрни олга сурамиз. Ушбу яхшиланишни дифференциалларда тузамиз, яъни истеъмолчининг фойдалиигини ошириши мумкин бўлган мувозанат нуктасидан кичик йўл қўйиладиган силжиши топамиз:

$$(dx_1, dx_2, dx_3, dy_1, dy_2, dr_1, dr_2).$$

Кидирилаётган силжиш йўл қўйиладиган бўлиши учун у мувозанат ва ишлаб чиқариш чекловларини бузмаслиги керак. Ишлаб чиқаришга нисбатан шу нарса назарда тутиладики, технологиялар самарали чегарада колади, ҳолбуки, ишлаб чиқариш функциялари нолга тенг бўлганича колади. Ушбу чекловларни дифференциялаш орқали тегишли шартларга эга бўламиз:

$$dy_1 = dx_1, \quad dy_2 = dx_2, \quad dr_1 + dr_2 + dx_3 = 0,$$

$$dy_1 = \frac{df_1}{dr_1} dr_1 + \frac{df_1}{dy_2} dy_2, \quad dy_2 = \frac{df_2}{dr_2} dr_2 + \frac{df_2}{dy_1} dy_1.$$

Бундан

$$dx_3 = -dr_1 - dr_2 = -\frac{1}{\partial f_1 / \partial r_1} \left(dy_1 - \frac{\partial f_1}{\partial y_2} dy_2 \right) - \frac{1}{\partial f_2 / \partial r_2} \left(dy_2 - \frac{\partial f_2}{\partial y_1} dy_1 \right).$$

Истеъмолчининг фойдалилиги куйидаги катталикка ўзгариади:

$$du = \frac{\partial u}{\partial x_1} dx_1 + \frac{\partial u}{\partial x_2} dx_2 + \frac{\partial u}{\partial x_3} dx_3.$$

dy_j орқали ифодаланган dx_k ни тақдим этамиз:

$$\begin{aligned} du &= \frac{\partial u}{\partial x_1} dy_1 + \frac{\partial u}{\partial x_2} dy_2 - \frac{\partial u}{\partial x_3} \left[\frac{1}{\partial f_1 / \partial r_1} \left(dy_1 - \frac{\partial f_1}{\partial y_2} dy_2 \right) + \frac{1}{\partial f_2 / \partial r_2} \left(dy_2 - \frac{\partial f_2}{\partial y_1} dy_1 \right) \right] = \\ &= \frac{\partial u}{\partial x_3} \left[\left(\frac{\partial u / \partial x_1}{\partial u / \partial x_3} - \frac{1}{\partial f_1 / \partial r_1} + \frac{\partial f_2 / \partial y_1}{\partial f_2 / \partial r_2} \right) dy_1 + \left(\frac{\partial u / \partial x_2}{\partial u / \partial x_3} - \frac{1}{\partial f_2 / \partial r_2} + \frac{\partial f_1 / \partial y_2}{\partial f_1 / \partial r_1} \right) dy_2 \right]. \end{aligned}$$

Мувозанатнинг дифференциал хусусиятини ҳисобга олган ҳолда куйидагига эга бўламиз:

$$du = \frac{\partial u}{\partial x_3} \left(\frac{\partial f_2 / \partial y_1}{\partial f_2 / \partial r_2} dy_1 + \frac{\partial f_1 / \partial y_2}{\partial f_1 / \partial r_1} dy_2 \right). \quad (2.21)$$

Агар $\partial f_1 / \partial y_2$ ва $\partial f_2 / \partial y_1$ ҳосилалардан хеч бўлмаганда биттаси нолга тенг бўлмаса, у ҳолда dy_1 ва dy_2 ишлаб чиқариш ҳажмлари ўзгаришини истеъмолчининг фойдалилиги ошадиган тарзда танлаб олиш мумкин ($du > 0$). Бу шуни англатадики, ишлаб чиқариш ҳажмларининг тегишли ўзгариши Парето-яхшиланишни ифодалаб беради. Агар, масалан, $\partial f_1 / \partial y_2 = 0$ (бир томонлама ташки таъсир ҳолати), $\partial f_2 / \partial y_1 > 0$ (ижобий ташки таъсирлар ҳолати) бўлса, у ҳолда $dy_1 > 0$ ни олиш мумкин, яъни локал Парето-яхшиланиш бошқа неъматни ишлаб чиқаришда ижобий экстерналийларни келтириб чиқарувчи неъмат ишлаб чиқаришнинг ошиши билан боғлиқ бўлади. Буни ижобий экстерналийларнинг локал тарзда етарлича ишлаб чиқарилмаслиги сифатида талқин этиш мумкин. Ишлаб чиқариш мувозанат ҳолатида иқтисодиётнинг Парето-оптималь ҳолати билан таққосланганда етарли ҳисобланмайдими, яъни $\bar{y}_1 < y_1$ деган савол очиқлигича қолади.

Ушбу саволга факат кўриб чиқилаётган иқтисодиётга нисбатан кўшимишча тахминлар орқали жавоб бериш мумкин.

Мувозанат ҳолатида $\bar{x}_3 = 0$ бўлсин. Бунда у қуидаги нисбатни кондиради: $\frac{\partial u / \partial x_1}{\partial u / \partial x_2} = \frac{\partial f_2 / \partial r_1}{\partial f_1 / \partial r_1}$. Оптимал ҳолатда

$$\frac{\partial u / \partial x_1}{\partial u / \partial x_2} = \frac{\frac{1}{\partial f_1 / \partial r_1} - \frac{\partial f_2 / \partial y_1}{\partial f_1 / \partial r_1}}{\frac{1}{\partial f_2 / \partial r_2} - \frac{\partial f_1 / \partial r_1}{\partial f_2 / \partial r_2}}.$$

Ушбу иккита тавсиф агар $\left(\frac{\partial f_1}{\partial r_1}\right)^2 \frac{\partial f_2}{\partial y_1} = \left(\frac{\partial f_2}{\partial r_2}\right)^2 \frac{\partial f_1}{\partial y_2}$ бўлса, мос келади.

Улар учун ушбу тавсиф Парето-оптималликнинг етарли шартни бўладиган муайян функцияларни ўйлаб топиш қийин эмас, ҳолбуки, мувозанат Парето-оптимал бўлиб чиқади.

Таъкидлаш лозимки, фойдалилик функцияси ва ишлаб чиқариш функцияларининг дифференцияланувчанлиги шартлари юкорида келтирилган теореманинг тўғрилиги учун мухим. Экстерналийларнинг ўзаро компенсацияланиши билан инкор этувчи мисоллар ҳам мавжуд. Бунда айрим ўзгарувчанликлар билан боғлиқ экстерналийларнинг бир кисми ижобий, қолган кисми эса салбий бўлади.

Иктисодиётда бозор мувозанатининг эҳтимолий самарасизлиги кўпинча иктисодиётни давлат томонидан тартибга солинишига асос бўлиб хизмат килади. Бундай тартибга солишнинг иккита асосий усули мавжуд: тўғридан-тўғри – экстерналийларни келтириб чиқарувчи товар ва неъматлар ишлаб чиқарилиши ҳамда истеъмол қилинishiiga миқдорий чекловлар ва билвосита – бундай товар ва неъматларга давлат томонидан солик белгиланиши орқали ҳал этилиши мумкин. Кейинги параграфларда биз, ушбу усулларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

§ 2.3. Танқис сув ресурсларидан фойдаланиш жараёнида фермер хўжаликларининг фаолиятини моделлаштириш

Кишлоқ хўжалиги мамлакат иктисодиётининг мухим тармокларидан бири хисобланади. Ушбу тармокда ишлаб чиқариш учун ажратиладиган ресурслар чекланган, хўжалик юритишнинг янги шакллари ва усулларига ўтиш шароитида тармок ишлаб чиқаришини жадаллаштириш мухим аҳамият касб этади.

Сувдан фойдаланиш лимити 45 фоизни ташкил килиб, 2011 йили республикамизда 4951,2 млн. куб метр сув олини. Сув айланиши ҳажми 1,3 млн.куб метрга етди. 2010 йилга нисбатан 93,6 фоиз ёки 6,84 млн. куб метр ҳажмда ифлос оқова сувлар чиқарилди.

Мамлакатимизнинг қатор монтакаларида, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалаларининг ҳал этилишида мураккаб экологик вазиятни хисобга олиш, атроф-мухитга техноген юкининг амалга оширилишига йўл кўймаслик. Таклиф этилаётган ечимлар таҳлилини мураккаблаштирибина қолмай, мақсадга эришиш учун маҳсус математик моделлар ишлаб чиқишини ҳам талаб қиласди.

Ушбу параграфда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва у билан боғлиқ қайта ишловчи тармоқларнинг таркибини таҳлил қилишга мўлжалланган ана шундай моделлардан бири кўриб чикилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши моделлари таҳлилига та-лайгина илмий ишлар бағишлиланган. Келтирилган моделлардан фарқли ўлароқ, ушбу ишда сув ресурслари бўйича чекловлар муҳим бўлган ҳолат кўриб чиқилган, чизиқли дастурлашнинг ик-киламчи баҳоларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ресурс-ларидан самарали фойдаланиш шартлари тадқиқ этилган.

Даставвал, вазифа кўйилишининг детерминацияланган вариан-тини келтирамиз. Бунинг учун кўйидаги белгиларни киритамиз:

A_1 – ғалла етиштирувчи тармоқлар кўплиги;

A_2 – пахта етиштирувчи тармоқлар кўплиги;

A_3 – сут етиштирувчи тармоқлар кўплиги;

A_4 – гўшт етиштирувчи тармоқлар кўплиги.

$$A = A_1 \cup A_2; \quad A = A_3 \cup A_4,$$

модель тузиш учун белгилар қабул қиласми:

P_{kj} – k ер участкасида j экин бирлигини етиштиришдан олина-диган фойда;

x_{kj} – k ер участкасида j экинга ишлов бериш учун ажратилган майдон;

P_{-j} – j турдаги ҳайвонларнинг бир таркибий бошига хисоблан-гандан олинадиган фойда;

S_{kj} – k ер участкаси майдони;

b_{sj} – j экинга ишлов бериш учун k ер участкаси майдони бирли-гига s турдаги ресурс сарфининг меъёри;

a_{ij} – j турдаги ҳайвонларнинг бир таркибий бошига s турдаги моддий ресурс сарфининг меъёри;

b_j – s турдаги ресурс ҳажми;

s – ресурс турининг рақами;

m – ишлаб чиқариш ресурслари миқдори;

h – озука гурухи рақами;

a_{jh} – j турдаги ҳайвонларнинг бир таркибий бошига h гурухни озуқалари сарфининг меъёри;

q_j – озука учун фойдаланиладиган j экин майдони салмоғи;

b_h – корхонага четдан келтириладиган бошига озуқаларнинг h гурухига киругчи озука ресурслари миқдори;

H – барча озуқалар гурухлари миқдори;

b_w – w ресурс ҳажми;

a_j – дехкончилик тармоқлари j маҳсулоти етиширишнинг энг кам ҳажми;

a_{qj} – j турдаги ҳайвонларнинг бир таркибий бошидан q маҳсулотнинг чиқиши;

Q_q – j чорвачилик тармоғининг q турдаги маҳсулотнинг энг кам ҳажми;

a_{ki} – k ер участкасида j экин ҳосилдорлиги кўрсаткичи;

b_{kj} – j экинга ишлов бериш учун k ер участкаси майдони бирлигига сув тўғри келадиган сарфи меъёри;

a_j – j турдаги ҳайвонларнинг бир таркибий бошига сув сарфининг меъёри;

b – минтака сув ресурслари ҳажми;

a_{wjk} – k ер участкасида j экин майдони бирлигига w турдаги маъданли ўғитларни сарфлаш меъёри;

W – барча турдаги маъданли ўғитлар миқдори.

Демак, тўғридан-тўғри вазифа кишлок хўжалиги ерларидан, моддий ресурслардан, маъданли ўғитлардан ва сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича чекловларни кондирувчи фойда максимумини аниқлашдан иборат:

$$F = \sum_{j \in A} \sum_{k=1}^R P_{kj} x_{kj} a_{kj} + \sum_{j \in A} P_j x_j \rightarrow \max, \quad (2.22)$$

$$\sum_{j \in A} x_{kj} \leq S_k, \quad (k = \overline{1, R}), \quad (2.23)$$

(ер ресурслари)

$$\sum_{j \in A} \sum_{k=1}^R b_{skj} x_{kj} + \sum_{j \in A} a_{sj} x_j \leq b_s, \quad (s = \overline{1, m}). \quad (2.24)$$

(моддий ресурслар)

$$\sum_{j \in A} a_{jh} x_j - \sum_{j \in A} a_{jk} \sum_{k=1}^R a_{kj} x_{kj} \leq b_{jh} \quad (h \in H), \quad (2.25)$$

(озуқа ресурслари)

$$\sum_{j \in A} \sum_{k=1}^R a_{wjk} x_{kj} \leq b_w, \quad (w \in W) \quad (2.26)$$

(маъданли ресурслар)

$$\sum_{k=1}^R a_{kj} x_{kj} \geq a_j, \quad (j = A) \quad (2.27)$$

(дехқончилик маҳсулотининг энг кам ҳажми)

$$a_{qi} x_j \geq Q_{qj}, \quad (j \in A, q \in I) \quad (2.28)$$

(чорвачилик маҳсулотининг энг кам ҳажми)

$$\sum_{j \in A} \sum_{k=1}^R b_{kj} x_{kj} + \sum_{j \in A} a_j x_j \leq b \quad (2.29)$$

(сув ресурслари)

$$x_j \geq 0, \quad x_{kj} \geq 0 \quad (j \in A \cup \bar{A}, R = 1, \bar{R}) \quad (2.30)$$

АСМ га хос бўлган модель асосида тузилган ((2.22) – (2.29)) модель (2.30) да келтирилган. Асосий фарқ – сув ресурслари чекловини ҳисобга олиш. Шунинг учун моделларнинг қиёсий таҳлили, хусусан, сув ресурсининг оптимал қарор қабул қилишга таъсирини аниқлаш катта кизиқиш ўйғотади. Буни икки томонлама нисбатдан фойдаланган ҳолда, моделни сифат жиҳатдан таҳдил қилиш асосида бажариш мумкин.

Икки томонлама вазифа ер ресурси, моддий ресурс, озуқа ресурси ва маъданли ўғитлар нархларини кўшиш, дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотидан фойдаланиш бўйича чекловларни кондирувчи дехқончилик ва чорвачилик маҳсулоти энг кам ҳажмининг нархларини айриш ўртасидаги фарқни камайтиришдан иборат.

У ҳолда, (2.22) – (2.30) вазифасига икки томонлама ресурслар (ер, моддий, озуқа, маъданли, сув ресурслари)нинг умумий нархлари билан чекловларни, яъни дехқончилик ва чорвачиликнинг фойдали чекловларини кондирувчи (дехқончилик ва чорвачилик маҳсулоти энг кам ҳажмининг) умумий нархлар ўртасидаги фарқни камайтирувчи ресурслар кўплигини танлашдан иборат.

Нисбат куйидаги иктисадий маънога эга: дехқончилик маҳсулотини етишириш учун сувнинг нархи оптимал нуқтаи назардан фарқланади. Фойда, озуқа ресурсининг нархи, дехқончилик маҳсулоти энг кам ҳажмининг нархи йигиндиси минус ер ресурсининг нархи, моддий ресурс харажатлари йигиндиси j дехқончилик

маҳсулотига ишлов бериш учун k ер участкаси майдони бирлигига сув сарфининг меъёрига бўлинган ер ресурслари нархи, моддий ресурслар ва маъданли ўғитлар сарфи йиғиндисига тенг. Ундан чорвачилик маҳсулотини етиштириш учун сув ресурсининг нархини аниқлаймиз. Демак, тенгликнинг иқтисодий маъноси куйидаги кўринишга эта.

Чорвачилик маҳсулоти етиштириш учун сувнинг нархи оптимал нуктаи назардан фарқланади. Чорвачилик маҳсулоти фойдаси, чорвачилик маҳсулоти харажатлари нархининг йиғиндиси минус j турдаги ҳайвонларнинг бир таркибий бошига сув сарфининг меъёрига бўлинган озука ресурси харажатлари йиғиндисига тенг.

Деҳқончилик маҳсулотини етиштириш учун сувнинг нархи оптимал нуктаи назардан ўртacha фойда, ўртacha ҳосилдорлик баҳоси, ўртacha озука ресурси баҳосининг йиғиндиси минус j деҳқончилик маҳсулотига ишлов бериш учун k ер участкаси майдони бирлигига сув сарфининг меъёрига бўлинган ер ресурслари нархи, моддий ресурслар ва маъданли ўғитлар сарфи йиғиндиси ўртасидаги фарқдан иборат. Ушбу нисбатта иқтисодий маъно бериш мумкин. Чорвачилик маҳсулотини етиштириш учун сувнинг нархи оптимал нуктаи назардан чорвачилик маҳсулоти фойдаси, j турдаги ҳайвонларнинг бир таркибий бошидан олинадиган q маҳсулот харажатларининг нархи минус j турдаги ҳайвонларнинг бир таркибий бошига сув сарфининг нормасига бўлинган озука ресурси харажатларининг ўртacha нормаси ва маъданли ресурслар сарфи меъёрининг баҳоси ўртасидаги фарқдан иборат.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳам детерминацияланган, ҳам стохастик моделларини ўзида мужассам этган тизимнинг яратилиши сув ресурсларидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун янада оқилона фойдаланиш, шунингдек, маълум маънода улардан фойдаланишнинг салбий оқибатларини бартараф этишда моделли ёндашиш имконини беради.

Вазифанинг бошқача тарзда қўйилиши экстерналийлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг соғ қўшилган қийматини ошириш жараёнини ўз ичига олади.

Энди ташқи самара (экстерналийлар)ни ҳисобга олишда бे-рилган қийматни ҳосил қилиш жараёнини тадқик этишни кўриб чиқамиз. Ёндашувнинг моҳияти кўп субъектли моделга алмашувни акс эттирувчи ўзгарувчиларни яққол киритиш, сўнгра Кун-

Таккеп нуқталарининг сифат хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат. Бу, уни классик ёндашувлардан ва йўналиши бўйича энг яқин бўлган тадқиқотлардан ажратиб туради. Унинг ёрдамида шу нарса аниқландики, у ҳосил қиласидаги ахборот томонидан кўриб чиқиленган алмашув жараёни барча хўжалик юритувчи субъектлар учун умумий бўлган неъматлар кийматини ҳосил қилиш жараёни ҳисобланади. Лекин, бу фақат ташки таъсирлар мавжуд бўлмаганида, яъни субъектнинг холатига фақатгина у томонидан бошқариладиган (бошқа субъектларнинг розилиги билан бўлиши мумкин) ўзгарувчанликлар таъсир кўрсатади. Умуман олганда, реал ҳаётда экстерналийлар хўжалик фаолиятининг бутун жараёнини камраб олади.

Орол бўйида атроф-мухитнинг экологик жиҳатдан ёмонлашуви каналларда сувнинг ифлосланишига сабаб бўлди. Ушбу ифлос сув тушган коллектор сувлари ҳам булғанади. Амударёнинг суви Орол бассейнига етишмаслиги яқкол сезилмоқда. Натижада, сув ресурсларининг ифлосланиши қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда ва ҳудуддаги фермер хўжаликлари иқтисодий холатига таъсир этмоқда. Республика ахолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланишининг ўртача кўрсаткичи 72 фоиздан паст бўлган туманлар қаторига Беруний (40,2%) ва Амударё (42,4%) туманлари киради.

Амударёнинг Кўйи оқимида жойлашган Туямўйин сув омборидан то Орол дengизигача бўлган ҳудуддаги суви қочган кум-тошли улкан яланг текислик оғир ҳолатдаги ерлардир. Бу ҳудуднинг табиий шароити Кўйи Амударёнинг атрофидаги кумли чўлдаги табиий шароитдан кескин фарқ қиласи. Шимолда суви қочган кум-тошли текислик Орол дентизи билан туташади, гарбда эса Устюрт текисликлари ястаниб ётиби, жанубда Зангузак ва Коракум, шарқда Кизилкум чўллари ўраб олган. Текисликнинг жанубдан шимолгacha бўлган узунлиги 355 километр, Орол дengизининг кенглиги эса 319 километр.

Текисликнинг жанубий қисмида Хоразм вилояти жойлашган. Коракалпогистоннинг умумий майдони 166,6 минг кв км ни ташкил этади. Амударё дельтаси Коракалпогистон марказини эгалайди. Замонавий дельта Нукус шахридан бошланиб, шимолдан Тахиатошгacha давом этади, майдони 7,1 минг кв км га якин. У, таҳминан Волга дельтасидан 3,5 баравар, Нил дельтасидан 2 баравар катта. Ҳозирги кунга келиб, Орол дengизи суви ўтган асрнинг

60-йиллари бошидагига нисбатан 14 км дан зиёдга пасайиб кетган, кирғоқ эса 30-80 км га қочган. Унда сувнинг минераллашиш даражаси 10,5 дан 29 т/л гача ошди. Орол дengизи худуди икки баравар кичрайди, ундаги сув ҳажми эса уч баравар қисқарган. Сувнинг минераллашиши беш баравар ортди. Бу Амударё дарёсини дегидратация қилиниши ҳисобига амалга оширилди. Денгизнинг туби туз маконига ва чант-тўзон ўчогига айланган.

Кейинги йилларда бу худуддаги ерларда туз тўпланиши доимий тус олди. Мелиоратив ҳолат Оролбўйидаги суғориладиган ерларнинг бир қисмida кониқарсиз, деб ҳисоблаш мумкин. Асосий қишлоқ ҳўялиги маҳсулотларини етишириш даражаси жуда паст, негаки бундай маҳсулотлар берадиган экинларнинг ҳосилдорлиги камайиб кетган. Боз устига, ҳосилдорлик барча худудларда ҳам бир хил эмас.

Амударё ва Сирдарё суви Марказий Осиё мамлакатлари ва Козоғистон Республикасининг умумий ресурслари бўлганлиги боис, бизнингча, ушбу дарёлар сувидан фойдаланувчи барча давлатларнинг умумий саъй-ҳаракатларини Оролбўй гидроэкологик муаммоларини ҳал этишга йўналтириш максадга мувофик ҳисобланади. Хусусан, экологик ҳолатни яхшилаш ва нокулай экологик омиллар таъсиридан кўриладиган зарарни камайтириш чора-тадбирларини молиялаш мақсадида миңтақа давлатлари иштирокида ягона фонд тузиш ушбу йўналишдаги амалга ошириш мухим бўлган тадбирлардан бири ҳисобланади. Сувдан фойдаланганлик учун тўлов мазкур фонд маблағларининг асосий манбаи бўлиб хизмат қиласи. Бунда сув ресурслари учун тўловнинг илмий асосланган нормативларини белгилаш муаммоси пайдо бўлади.

Ушбу муаммони ҳал этишда пайдо бўладиган мураккабликлар қатор сабабларга эга. Биринчидан, сув учун мулкчилик ҳуқуқлари мавжуд эмаслиги туфайли, сув ресурслари олди-соттисини, демак, нархни шакллантиришнинг бозор механизмларини ривожлантириш кийин. Иккинчидан, суғорма дехкончилик кенг тарқалган ва доимий равишда сув тақчиллиги мавжуд бўлган Марказий Осиё шароитида истеъмолчилар учун унинг фойдалилиги сувни етказиб бериш билан бевосита боғлиқ моддий харажатларни оширади. Шунинг учун сув нархини белгилашга нисбатан харажат нутқаси назаридан ёндашув усулини ҳам қўллаб бўлмайди. Сув истеъмолчиларининг фойдалилик функциялари тўғрисидаги ахборотнинг мавжуд эмаслиги, ноаниклиги фундаментал кийинчиликларни келтириб чиқаради.

Расмиятчилик нүқтаи назаридан сув нархи уни истеъмол қилиш оптимал режаси икки тарафлама баҳолаш сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Бунда асосий кийинчилик баҳони истеъмолчилар фойдалилиги функциялари ҳақидаги ахборотсиз аниқлашдан иборат бўлади. Халқаро амалий тизимили таҳдил институти (NASA) да ривожлантирилётган методикада бунинг учун билвосита индикаторлардан, масалан, сувнинг умумий сарфидан фойдаланилади. Бундай индикаторлар кўрсаткичларини халқаро экологик мониторинг тизими ёрдамида аниқлаш мумкин [80,82].

Умумий сув ресурсидан фойдаланувчи N мамлакатларни кўриб чиқамиз. Дастрраб, улардан ҳар бири сувнинг бир кисмини сарфлайди, лекин унинг сифатини ўзгартирмайди, деб фараз қиласиз. F – сув ресурслари; x_i – i мамлакатда сувни истеъмол қилиш; $v(x_i)$ – i мамлакатда x_i миқдоридаги сувни истеъмол қилишдан олинадиган фойда; x_i – i мамлакатда сувни истеъмол қилиш хажми.

У ҳолда сувдан фойдаланганлик учун фойдани ошириш вазифаси куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\sum_{i=1}^N v_i(x_i) \rightarrow \max, \quad (2.31)$$

$$\sum_{i=1}^N x_i \leq F, \quad (2.32)$$

$$0 \leq x_i \leq \bar{x}, \quad i = \overline{1, N} \quad (2.33)$$

Ушбу вазифани ечиш (оптимал сув истеъмоли) ноантагонистик ўйин негизига тааллукли бўлиб, унда N мамлакатлар ўйинчилар бўлади, уларнинг ютуқ функциялари: $v(x_i)$, (2.31)–(2.33) вазифа қандайдир битта мувофиқлаштириш органи томонидан ечилиши мумкин, чунки иштирокчи мамлакатлар ўз фойдалилик функцияларининг $v(x_i)$ ошкор этилишини истамайди. Шу боис, NASA методикасининг асосини бундай вазифани марказлашмаган тарзда ечишнинг юкорида кўрсатилган ўйин иштирокчилари ўртасида ахборот алмашувини талаб қилмайдиган алгоритми ташкил қиласи. Ушбу алгоритмнинг моҳияти куйидагилардан иборат:

Мувофиқлаштирувчи орган сув нархини белгилайди. Уни истеъмол қилувчи мамлакатлар мувофиқлаштирувчи органга ўз эҳтиёжларини билдиради. Сувга бўлган умумий талаб ва унинг нақд ресурси ўртасидаги нисбатга қараб мувофиқлаштирувчи орган нархга тузатишлар киритиб боради ва истеъмолчиларга унинг янги қийматини маълум қиласи, шундан кейин юкорида

баён этилган тартиб яна тақрорланади. Мазкур тартибни асослаш мақсадида (2.31)–(2.33) вазифаси учун Лагранж функциясини ёзамиз. У сўзсиз оптимал ечимни беради:

$$L(x, u) = \sum_{i=1}^N v_i(x_i) + u(F - \sum_{i=1}^N x_i) = \sum_{i=1}^N v_i(x_i) - u \sum_{i=1}^N x_i + uF \quad (2.34)$$

Агар, бизга u^* – (2.31)–(2.33) га нисбатан икки тарафлама бўлган вазифанинг оптимал ечими маълум бўлса, у ҳолда унинг эквивалент қўйилишини (фойдалиликнинг эгилган функциялари тарзида) кўриб чикиш мумкин:

$$L(x, u^*) \rightarrow \max \quad (2.35)$$

$$0 \leq x_i \leq \bar{x} \quad i = 1, N \quad (2.36)$$

Шундай қилиб, u^* сув нархи маълум бўлганида (2.31)–(2.33) ундан оптимал фойдаланиш вазифасини ечишнинг марказлашмаслиги юз беради. Шунингдек, u ихтиёрий нарҳда ҳам шу ҳолат содир бўлади, факат бунда олингган ечим (2.31)–(2.33) вазифасининг оптимал ечими бўла олмайди. Таъкидлаш лозимки, аслида сувдан фойдаланиш жараённада унга ташланадиган ифлослантирувчи моддалар ҳисобидан сувнинг бир қисми ифлосланиши ва сув таркиби ёмонлашуви юз беради. Шунинг учун, ушбу омилларни ҳисобга олувчи моделни тузиш зарур.

Бундай моделда (2.31) мақсадли функция ва (2.32)–(2.33) чегараларга куйидаги чегаралар қўшилади:

$$\sum_{j=1}^N q_j^k(x_i) \leq Q_k, \quad i = 1, N \quad k = 1, K \quad (2.37)$$

бу ерда $q_j^k(x_i)$ – сувни истеъмол қилиш ҳажми ва сувдаги ифлослантирувчи концентрацияларнинг ортиши ўртасидаги боғлиқлик, Q_k – ифлослантирувчининг сувдаги энг юкори концентрацияси, K – ҳисобга олинадиган ифлослантирувчи моддалар сони. Ушбу ҳолатда u сув нархи билан бир қаторда сувга ташланадиган k ифлослантирувчи бирлигига солинадиган w_k соликни ҳам жорий этиш лозим. Таъкидлаш лозимки, сув нархини ва ифлослантирганлик учун тўлов миқдорини аниқлаш куйидаги тарзда ташкил этилиши мумкин.

Амударё ва Сирдарё сув ҳавзаларида ташкил этиладиган давлатлараро мониторинг маълумотларига кўра, бир мамлакатнинг сувдан фойдаланиши ва сувни ифлослантириш ҳажми даврий равиша (мунтазам) аниқланади [95]. Сўнгра, сув нархи ва ифлослантирганлик учун тўлов миқдорига келишилган тартибга мувофиқ тузатишлар киритилади. Бундай тўловлардан олингган маблағлар

минтақада экологик вазиятни яхшилаш давлатлараро дастурларни молиялаш учун сарфланади.

2-боб бўйича қисқача хуносалар

1. Ташқи самара (экстерналий)лар мавжуд бўлган иқтисодий тизимда ҳар кандай эҳтиёжни қондириш даражаси, яъни маҳсулотлар тақлифи ошганда, экстерналийлар оқибатида эҳтиёжларни қондириш даражаси пасаяди. Бунда талаб учун ишлатиладиган неъмат мавжуд бўлганида Парето назарияси бўйича оптимум ва алмашувлар натижасида умумий кийматни ҳосил қилиш тенденцияси юзага келади.

2. Ташқи самара (экстерналий)лар шароитида ҳўжалик қарорлари қабул қилишнинг самарали жараёни технологиялар ноаниклиги шароитида қарорлар қабул қилишнинг самарали жараёнинг ўхшаш, аммо ишлаб чиқариш харажатларига қўшимча ташқи самаралар таъсирини бартараф этишга кетадиган сарфларни ҳам қўшиш зарур. Бошқача килиб айтганда, ишлаб чиқариш харажатларига ташки салбий самараларни қўшиш ва ижтимоий харажатларни топиш зарур.

3. Чекланган ресурслардан фойдаланган ҳолда тақлиф ва талаб функциялари мувозанати бозор мувозанатига мос келади. Аммо ташқи самара (экстерналий)лар мавжуд ҳолдаги бозор мувозанати Парето-оптимум шартига тўғри келмайди. Экстерналийлар мавжудлиги туфайли бозор мувозанати вужудга келмайди.

4. Жаҳон молиявий-иктисодий ва экологик инкирози шароитида Орол бўйида табиий мухитнинг экологик жиҳатдан ёмонлашуви каналларда сув ифлосланишига сабаб бўлмокда. Ушбу ифлос сув тушган коллектор сувлари ҳам булғанмоқда. Амударё сувининг Орол ҳавзасига етиб бормаслиги яқкол сезилмоқда. Натижада сув ресурсларининг ифлосланиши қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатиб, ҳудуддаги фермер ҳўжаликлари иқтисодий ҳолатини ҳам мураккаблаштирумокда.

З-БОБ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ УЧУН КОУЗ ТЕОРЕМАСИНИ ҚЎЛЛАШ

§ 3.1. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ва бозор мувозанатининг ижтимоий харажатларини таҳлил қилиш

Республикамиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар яна-да чукурлаша бориб, фермер хўжаликларининг ер майдонларини оптиналлаштириш ва хусусий секторнинг улушини оширишга эришилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов: «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, фермер хўжаликларининг даромадини ошириш имконини беради»¹⁹, – деб таъкидлаган. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида Корокалпоғистон Республикасида 980 та фермер хўжаликли-ри ер майдонлари олиниб, уларнинг фаолиятлари тўхтатилди ва 810 та фермер хўжаликлари ер майдонлари мақбуллаштирилиб, жами фермер хўжаликлари сони 3557 тага етказилди. Лекин, мақбуллаштирилган фермер хўжаликларининг дебитор-кредитор карзлари сўндирилмаганлиги ва бошка ҳисоб-китобларнинг тўлиқ якунланмаганлигидан, туман ҳокимларининг тугатиладиган фермер хўжаликлари тўғрисидаги карорлари чиқарилмаган ва улар статистик ҳисоботдан чиқарилмаган. Шу сабабли 2010 йил 1 январь ҳолатига республикада 9322 та фермер хўжаликлари мавжуд эди, шундан деҳқончиликда 8250, чорвачиликда 832 ва бошка соҳаларда 240 таси фаолият кўрсатмоқда. Уларга 592,8 минг га ер майдони ажратиб берилган, шундан экин майдони 319,9 минг га бўлиб, фермер хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони 85,8 минг кишини ташкил қиласи.

¹⁹ Ислом Каримов. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 168-бет.

Қиплоқ хўжалигида ер ресурслари асосий восьита ҳисобланади. Мамлакатимизда қиплоқ хўжалиги учун яроқли бўлган катта миқдордаги ерлар мавжуд бўлсада, қатор сабаблар кишлоқ хўжалиги ерларининг ҳар бир гектаридан тежамли фойдаланиш заруратини келтириб чиқармокда. Ана шундай сабаблардан куйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш кўламлари ортиб бориши. Бу Ўзбекистон ахолисини озиқ-овкат маҳсулотлари билан баркарор таъминлаш ва моддий фаровонлигини ошириш вазифасини бажариш учун зарур.

2. Ер ресурсларининг шаҳарлар ва туман марказларида саноат иншоотларини барпо этиш, йўл қурилиши ва инфратузилмаларни яратиш учун олиб кўйилиши ҳамда ноқулай тупрок-икслим шарорити, ерларнинг эррозияга учраши ва бошқа омиллар оқибатида кишлоқ хўжалиги учун яроқли ерларнинг камайиши.

3. Ерларнинг ҳосилдорлигини тиклаш ва унумдорлигини ошириш, мелиорация ҳолатини яхшилаш, ер захини қочириш, эррозияга карши амалга ошириладиган ишлар учун катта сарф-харажатлар ва капитал маблағлар ажратиш зарурати.

4. Ер ресурслари сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар мужассамланган агросаноат мажмуаси (АСМ)нинг оптималлаштириш моделлари учун норматив базани яратиш зарурати.

Бошқа ишлаб чиқариш восьиталарига қараганда ер ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлиб, у меҳнатнинг умумий предмети ҳамда шартни сифатида ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади ва ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Тадқикотлар кўрсатишича, 2002 йилда бир фермер хўжалигига бир ишловчига 1,23 гектар экин майдони тўғри келган бўлса, 2007 йилга келиб 1,68 гектар экин майдони тўғри келди. Бир ишловчига тўғри келадиган экин майдони кескин ўзгаришларига сабаб – фермерчиллик ҳаракатининг дастлабки йилларида иқтисодий начор, паст рентабелли, зарар кўриб ишлайдиган ширкат хўжаликлари ҳукумат қарорлари билан фермер хўжаликларига айлантирилиб, бу хўжаликларда банд бўлган ишловчилар тўлиқ фермер хўжаликлари ҳисобига ўтказилгани эди. 2004–2006 йилларда фермер хўжаликлари ходимлари сони танлов меъёрлари бўйича белгиланадиган бўлди ва меъёрдан ортиқча ходимлар бошқа хизмат кўрсатиш – тадбиркорлик, касаначилик каби соҳаларга йўналтирилди.

Қорақалпогистоннинг фермерчилик ҳаракатида бошқа вилоятлардагидан ажралиб турадиган ўзига хос худудий хусусиятлари мавжудки, бу хусусиятлар ўз навбатида ислоҳотлар мажмууда янгича ёндашувларни талаб этади. Жумладан:

– Республика бўйича ўртача бир фермер хўжалигига 27,1 гектар майдон тўғри келадиган бўлса, бу кўрсаткич 55,1 гектарни ташкил этади. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Хоразм вилоятида 12,9 гекторни Фарғона вилоятида 16,2 гектарни ташкил этади. Фермерчилик ривожланган АҚШда 100 гектардан ошик ер майдони бўйича фермер хўжаликлари 52% ни, Японияда 1–5 гектарлик фермер хўжаликлари 72% ни, Голландияда 40–100 гектарлик фермер хўжаликлари 42% ни, Данияда 10–16 гектарлик фермер хўжаликлари 32% ни, Ўзбекистонда 16–40 гектарлик фермер хўжаликлари 43% ни ташкил этса, Қорақалпогистонда эса 10–20 гектарлик фермер хўжаликлари энг кўп, яъни 29% ни ташкил этади;

– бошқа вилоятларга қараганда ерларнинг шўрини ювиш, нам саклаш каби агротехник тадбирлар учун 20–22 фоиз қўшимча харажатлар талаб қилинади ва бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш баҳоларини шунча микдорда кимматлаштирилишини талаб этади;

– ерларнинг шўрланиш даражаси юқори бўлиб, ирригация-мелиорация тадбирлари учун қўпимча маблағлар талаб этилади;

– тупрок хусусиятларига қараб қўшимча агротехник тадбирлар бажарилиши талаб этилади;

– сабзавот, полиз, картошка, узум ва мевани қайта ишлаш корхоналари билан маҳсулот етиштирувчилар ўртасидаги оралиқ масофалар олислиги сабабли транспорт харажатлари ошади;

– фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг 28 фоизида ер шароитлари ёмон бўлиб, уларда фойдалилик даражаси беш фоизни ташкил этяпти. Уларга давлат томонидан алоҳида қўшимча имтиёзлар керак;

– 42 фоиз фермер хўжаликларида бир гектар экин майдонидан вилоятларга таққослаганда (167 минг сўм) кам (29–53 минг сўмдан) фойда олиняпти. Бу эса, ушбу фермер хўжаликларига ер шароитларига мос экинларни жойлаштириш, имтиёзли нархларда моддий техника ресурслари (ўғит, ёқилғи мойлаш материаллари) олиш ва хизматлар (МТП, кимёвий, сув таъминоти) кўрсатилишини талаб этади;

– 25,6 фоиз фермер хўжаликлари балансида бир сўмлик ҳам асосий фонdlар мавжуд эмас. Шу боис уларга ишлаб чиқариш ва

инфратузилма биноларини куриш, техникалар сотиб олиш учун имтиёзли кредит ресурслари ажратилиши талаб этилади.

Фермерларда ерга, мулкка ва ўзи етиштирган маҳсулотта эгалик қилиш туйғусининг шаклланганлиги, ўз навбатида, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, юкори ишлаб чиқариш натижаларига эришиш, моддий манфаатдорликнинг ошиши ва турмуш шарт-шароитларининг яхшиланишига олиб келмокда.

Фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг 56,3% ида ўртача ойлик даромадлари вилоят кўрсаткичидан (150 минг сўм) юкори бўлди. Фермер хўжалигига банд бўлган бир ишловчи томонидан 2007 йилда ўртача 4,2 миллион сўмдан юкори (64 фоиз фермерларда) маҳсулот етиштирилди ёки меҳнат унумдорлиги 2006 йилдагидан 109 фоизга юкори бўлишига эришилди.

Корақалпоғистонда 2007 йилда фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, уларнинг ялпи худудий маҳсулотдаги улушкининг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улushi 26,4 фоизни ташкил этса, унинг 90,5 фоизи дехқончилик тармоғига, 9,5 фоизи эса чорвачилик тармоғига тўғри келади.

2011 йилда (жорий баҳоларда) 378 664,4 млн сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди, ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда ўсиш суръати 107,2 фоизни ташкил килди (2-илова).

Жумладан, дехқончилик маҳсулотларининг ҳажми 187 963,0 млн сўмни (2010 йилга солиштирганда 108,0 фоизни), чорвачилик маҳсулотлари ҳажми 190701,4 млн сўмни (106,5 фоизни) ташкил килди.

Фермер хўжаликларининг ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги улushi 37,0 фоизни ва дехқон хўжаликларининг улushi 61,7 фоизни ташкил килди (3-илова).

2009 йилда сув ресурсларининг кечикиб келиши сабабли Корақалпоғистон Республикаси бўйича 202,6 минг га ер майдонига қишлоқ хўжалик экинлари экилди, яъни аввалги йилга солиштирилганда 86,3 фоизни ташкил этди. Шундан донли экинлар 56,4 минг гектарга экилиб, ўтган йилга солиштирганда 70,6 фоизни, техник экинлар тегишлича 103,3 минг га – 97,4 фоизни, картошка ва сабзавот-полиз экинлари 18,9 минг га – 105,6 фоизни, ем-хашак экинлари 24,0 минг га – 104,3 фоизни ташкил этган.

2009 йилда республикамизда 235,3 минг тонна донли экинлар (2008 йилга солиштирилганда 109,6 %), 25,1 минг тонна картошка

(116,2 %), 125,1 минг тонна сабзавот (104,7 %), 67,4 минг тонна полиз (109,9 %), 21,3 минг тонна мева (107,9 %) ва 3,3 минг тонна узум (102,6 %) етиширилди.

Ер ресурслари туарок-биологик, кимёвий, жисмоний омилларга қараб табакалаштирилиши мумкин. Албатта, тупрокнинг турли хизларини иктисодий баҳолашнинг илмий асосланган усувлари-сиз ер ресурсларидан оқилона фойдаланиб бўлмайди.

Ер ресурсларини иктисодий баҳолаш муаммоларига қатор ишлар, илмий тадқиқотлар бағишлиланган. Аммо, бу муаммо бозор иктисодиёти шароитида тўлалигича ўз ечимини тоғгани йўқ.

Ҳозирги вактда Узбекистонда ер ресурсларини иктисодий баҳолашнинг умумий назарий асослари ишлаб чиқилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ошириш борасида фойдаланилмаган имкониятларни аниглаш зарур. Бунинг учун агрокорхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини сон ва сифат жиҳатидан таҳдил килиш ва ишлаб чиқаришга янги инновацияларни жорий килиш ҳамда тежамкорлик тамойилини кўллаш зарур.

Ерни баҳолаш дифференциал рентани аниқлашга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг харид нархини ва даромад (ёки ер) солиғини табакалаштиришга, қишлоқ хўжалиги экинлари хосилдорлигини башорат килишга кўмаклашади. Ерларнинг иктисодий баҳосини аниқлашнинг ҳар бир соҳаси қайсиdir маънода ердан оқилона фойдаланиш, кўшимча ишлаб чиқариш захираларини аниглаш, турли худудларда тенг бўлмаган табиий-иктисодий шароитда қишлоқ хўжалик корхоналарида даромадларни ошириш ва тенг меҳнат учун тенг иш ҳаки тамойилини аста-секин амалга ошириш максадида иктисодий механизмларни такомиллаштиришни таълаб этади. Шундай килиб, ерни иктисодий баҳолаш ва бозор механизмларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига татбиқ этиш иктисодий ва ташкилий масалалар жумласига киради.

Баҳолаш вазифаси ерлардан янада оқилона фойдаланиш максадида, уларнинг ишлаб чиқаришдаги иктисодий ролини аниқлашдан иборат.

Тупрокнинг шўрланганлигини ҳисобга олган ҳолда ерларни баҳолаш маълумотлари қишлоқ хўжалигига куйидаги амалий вазифаларни ҳал этиш учун асос бўлиб хизмат киласди:

1. Фермер хўжаликлари ва уларнинг бўлинмалари хўжалик фаолиятини таҳдил килиш, имконият ва муаммоларини аниқлаш. Маҳсулот тайёрлаш ҳажмини табакалаштириш, нарх тизими ва

қишлоқ хұжалик корхоналарининг давлат билан иқтисодий үза-ро муносабатларига дахлдор замонавий омилларни инобатта олган ҳолда, такомиллаштириш йўли билан турли хил табиий ва иқтисодий шарт-шароитда бўлган қишлоқ хұжалик корхоналари даромадларини ошириш имкониятларини белгилапи.

2. Ишлаб чиқаришнинг объектив шарт-шароитларини хисобга олган ҳолда, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш усулларини тако-миллаштириш, ҳосилни режалаштириш, қишлоқ хұжалигини жой-лаптириш, ихтисослаштириш ва бошқалар.

3. Ер тузиш лойиҳаларини техник-иктисодий асослаш. Ерлар-нинг қишлоқ хұжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун олиб қўйилишида қишлоқ хұжалиги мұқобил ҳаражатлари ва йўқотишларини хисоблаб чиқиш.

4. Ташки таъсирлардан кўрилган ер, табиат ва сув ресурсларининг самаралари, яъни иқтисодий заарларни хисоблаб чиқиш учун ер ресурслари баҳосини топиш.

Мазкур параграфда юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг барчасини тадқик этиш мақсади қўйилмаган, чунки уларнинг ҳар бири алоҳида тадқикот мавзуси хисобланади. Шунинг учун уларнинг факат айримларига тўхталиб ўтамиз.

Қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тайёрлашни режалаштиришда ерни иқтисодий баҳолаш натижаларини амалиётда кўллаш мухим аҳамият касб этади. Ҳозирги вактда агрокорхоналар иқтисодий қарорларни қабул қилишда улар учун қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини тайёрлаш бўйича қатъий белгиланган давлат топшириғига амал қилишади.

Режаларда дехқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантиришига доир агрозоотехник ва ташкилий-иктисодий тадбирлар кўзда тутилади. Уларда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кўламини ошириш, тармоқларни жойлаштириш, қишлоқ хұжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва қорамолларнинг маҳсулдорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Режаларда кўзда тутиладиган барча асосий тадбирлардан кўзланган вазифа – сарфланган моддий воситалар ва меҳнат эвазига имкон қадар кўп микдорда маҳсулот олишдир. Шу мақсадда табиий ва иқтисодий шарт-шароитлардан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш лозим.

Табиий ва иқтисодий шарт-шароитлар, тупроқнинг шўрланниш даражасидаги фарқ тармоқлар (дехқончилик, чорвачилик

ва х.к.) бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритишга нисбатан табақалашган ёндапувни тадқиқ этиш ва қўллаш заруратини туғдиради, ваҳоланки қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги, етиширилган маҳсулотнинг танинархи ва меҳнат унумдорлиги кўп жиҳатдан ернинг сифатига боғлик.

Ҳосилдорликнинг баркарор ўсишини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари энг қуладай бўлган табиий шароитларда экилиши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалик корхоналарида кентайтирилган тақрор ишлаб чиқариш учун, тахминан бир хил шарт-шароитларни яратиш мақсадида, ҳар бир хўжалик бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрлашни режалаштиришда табиий-иктисодий шароитлар ҳисобга олиниши шарт.


Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ернинг сифатини ҳисобга олмасдан туриб ишлаб чиқаришни режалаштириш кўпинча қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрлаш режасини тенг бўлмаган равишда тақсимланишига олиб келади. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш ҳажмини белгилашда, айниқса пахта ва дон маҳсулотларига давлат буюртмасини белгилашда ерларнинг сифат жиҳатдан фарқларини, уларнинг иктисодий баҳосини ҳисобга олиш зарур.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига багишлиган китобида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш устувор йўналиш сифатида қайд этилган. Хусусан, унда таъкидланишича: «2008–2012 йилларда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимининг изчил амалга оширилишига – яъни, экин майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация обьектларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, курилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор каратиш даркор»²⁰.

Тахлиллар шундан далолат берадики, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигида экин майдонлари янги ерларни ўзлаш-

²⁰ Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шаронтида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 45–46-бетлар.

тириш ҳисобига 2006 йилги 500 минг гектардан 2009 йил 50 минг гектарга күпайди. Шу жумладан, шўрланмаган ерлар майдони 2,1 мартаға ортди ва 2009 йилда 107 минг гектарни ташкил этди. Кам шўрланган ерларнинг майдони шу даврда қарийб 50 минг гектарга камайди. Ўртача шўрланган ерлар майдони кўрсатилган даврда деярли ўзгармади. Кучли ва жуда кучли шўрланган ерлар майдони 2001 йилда 62,2 минг гектарга пасайди.



20-расм. Қорақалпоғистон Республикасида умумий суғориладиган майдонлар ва уларнинг шўрланниш динамикаси²¹


Тўрткўл тумани фермер хўжаликларида ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, аксарият хўжаликларда ишлов бериладиган ерларнинг унумдорлигидан етарлича фойдаланилмаяпти. Агар, илғор хўжалик фаолиятининг натижаларидан келиб чиқадиган бўлсак, Тўрткўл тумани фермер хўжаликлари амалдагига караганда 1,6 марта кўп ялпи маҳсулот олишлари мумкин эди.

21-расмдан кўриниб турибдики, биз тадқиқ этган Тўрткўл туманида шўрланмаган ерларнинг улуши кейинги ўн йил ичида 22,6–24,3 фоиз, кам шўрланган ерлар улуши 33–32 фоиз ва кучли шўрланган ерлар улуши 14–11 фоиз, ўртача шўрланган ерлар улуши 30–32 фоиз атрофида бўлган.

Кишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилишда ернинг иктиносидий баҳосини қўллашдан мақсад ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаларини баҳолашнинг объек-

²¹ ҚР Иктиносидёт вазирлиги ва Қорақалпоқ ГМЭ маълумотлари.

тивлигини таъминлап ва хўжаликда фойдаланилган захираларни аниқлашдан иборат.



21-расм. Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманининг умумий суғориладиган майданлари²²

Шу сабабли, ерни иктисадий баҳолаш натижаларини кўллаган холда, кишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилишда ер майдони бирлигидан ернинг сифатига мос келадиган миқдорда маҳсулот олиш ҳажмини аниқлаш жуда мухим ҳисобланади.

Ер қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланганлиги боис, фермер хўжаликлари хўжалик фаолиятининг якунларини баҳолашда ердан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Сифати бўйича киёсланадиган ернинг кадастр гектарига ҳисоблаганда ишлаб чиқарилган ялпи ва товар маҳсулотининг ҳажми ишлаб чиқариш даражасини ва хўжаликларнинг ерларидан фойдаланиш даражасини тавсифловчи энг умумий кўрсаткич ҳисобланади.

Юкорида, яъни хўжаликларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилишда ерларни ялпи маҳсулот бўйича умумий иктисадий баҳолаш кўрсаткичлари олинди. Лекин, бундай максадлар учун ерларни алоҳида кишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш самарадорлиги бўйича баҳолаш ҳам кўлланилиши мумкин. Ана шундай баҳолаш Тўрткўл тумани фермер хўжаликлирида пахта ҳосилдорлиги бўйича ўтказилди.

²² КР Иктисадиёт вазирлиги ва Қорақалпок ГМЭ маълумотлари.

3–4-жадвалларда Түрткүл тумани хўжаликларида ҳайдалган ерлардан пахта етиштириш учун фойдаланиш ҳақида қиёсий маълумотлар келтирилди.

Ерларнинг шўрланиш даражаси ортиши табиийки экинлар ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатади ва маҳсулот ташнархини оширади. Хўжалик учун эҳтимолий ҳосилдорлик илғор хўжалиқдаги балнинг энг юқори баҳосини ҳар бир хўжаликнинг ҳосилдорлиги бўйича баҳога кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. Ҳайдалган ерлардан фойдаланиш даражаси амалдаги ҳосилдорликнинг эҳтимолий ҳосилдорликка нисбати сифатида ҳисобланди.

Кўзланган ҳосилдорликни амалдаги ҳосилдорлик билан таққослаш орқали ер унумдорлигининг фойдаланилмаган захирадари аникланади. Хўжаликда эришилган ялпи товар маҳсулоти ишлаб чиқариш даражасини баҳолашда ушбу кўрсаткичлар кадастргектардан энг кўп миқдорда ялпи товар маҳсулотини олувчи илғор хўжаликлардаги кўрсаткичлар билан таққосланади. Агар, маҳсулотнинг энг кўп чиқишини 100 фоиз деб қабул қиласак, у холда (фоиз ҳисобида) қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш даражасини аниклаш мумкин. Ушбу ўтказилган таҳлил у ёки бу хўжалик ерининг сифати билан белгиланган ишлаб чиқаришнинг объектив шароитларидан канчалик тўлиқ фойдаланишини кўрсатмоқда. Ушбу умумий таҳлил асосида хўжалик фаолиятининг ижобий ёки салбий натижаларини келтириб чиқарувчи сабаблар батафсил ўрганиб чиқилиб, қолоқ корхоналар учун хўжалик юритишнинг ижобий даражасини ошириш юзасидан муайян тадбирлар ишлаб чиқилади.

Бу заарларни ҳисоблаш учун турли даражадаги ерларни бир хил кўрсаткичга келтириш ва таққослапга ерларнинг балдаги баҳосини ўлчаш усулини таклиф этамиз. Унга кўра, кадастргектарларга айлантирилган ерларнинг майдони $K_{\text{га}}$ куйидагича аникланади:

$$K_{\text{га}} = \frac{\Phi_{\text{га}} \cdot B}{100}. \quad (3.1)$$

Бу ерда: $\Phi_{\text{га}}$ – қишлоқ хўжалиги ерлари майдони, га; B – ерларнинг балл-бонитети.

3-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, Тўрткўл туманининг 12 та фермер хўжалиги бир хўжалик йилида жами 313,5 млн сўм даромад олган, шу билан бирга ташки салбий таъсирлар

(ернинг шўрланиши ва бошқалар) сабабли ери шўрланмаган хўжаликлар билан солиштирилганда қарийб 125,1 млн сўмга тенг маҳсулот кам ишлаб чиқарилган. Бу, жами маҳсулот ҳажмининг 48 фоизини ташкил этади. Ташқи салбий таъсиrlар туфайли олинмай колган маҳсулотлар ҳажмлари айниқса Олатов, Коракўз, Гулноз ва Баходир фермер хўжаликларида яққол кузатилди. Тупрок шўрланишини хисобга олган ҳолда, ерларни баҳолаш ва шу орқали хўжаликлар фаолиятини тартибга солиш чораларини амалга ошириш лозим.

3-жадвал

Тўрткўл тумани фермер хўжаликларида деҳкончиликдан олинмай колган ялпи маҳсулот ҳисоби²³

| Фермер хўжаликлари номи | Экин май-дони, (га) | Экин май-донларининг иқтисодий баҳоси, (баллар) | Кадастр тектарлари, (га) | Ялпи маҳсулот ҳажми | | Ери шўрланмаган фермер хўжалиги билан солиштирилганда олинмай колган ялпи маҳсулот | | Амалда олинганига нисбатан, % хисобида |
|-------------------------|---------------------|---|--------------------------|-----------------------------|-----------------|--|-----------------|--|
| | | | | кадастргектардан (минг сўм) | жами (минг сўм) | кадастргектардан (минг сўм) | жами (минг сўм) | |
| Олатов | 117 | 63 | 74 | 459 | 33966 | 221 | 16354 | 48,1 |
| Сапар | 87 | 66 | 57 | 560 | 31920 | 120 | 6840 | 21,4 |
| Аббат | 65 | 79 | 51 | 570 | 29070 | 110 | 5610 | 19,3 |
| Навбаҳор | 59 | 81 | 48 | 370 | 17760 | 310 | 14880 | 83,8 |
| Коракўз | 83 | 82 | 68 | 430 | 29240 | 250 | 17000 | 58,1 |
| Бўлак | 76 | 67 | 51 | 506 | 25806 | 174 | 8874 | 34,4 |
| Гулноз | 107 | 64 | 68 | 409 | 27812 | 271 | 18428 | 66,3 |
| Мир | 56 | 87 | 49 | 423 | 20727 | 257 | 12593 | 60,8 |
| Шайдা | 57 | 76 | 43 | 670 | 28810 | 10 | 430 | 1,5 |
| Баҳодир | 92 | 83 | 76 | 405 | 30780 | 275 | 20900 | 67,9 |
| Жемис | 48 | 59 | 28 | 567 | 15876 | 113 | 3164 | 19,9 |
| Олғабос | 52 | 61 | 32 | 680 | 21760 | 0 | 0 | 0 |

²³ КР Иқтисодиёт вазириллиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, ернинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда, фермер хўжаликлари фаолиятини тахлил қилишнинг қуидаги босқичлари қабул қилиниши мумкин:

- барча турдаги кишлек хўжалиги ерларининг экин майдони киёсланадиган кадастрга гектарларга қайта ҳисоблаб чиқилади;
- ҳар бир хўжалик бўйича бир кадастрга гектардан ялпи маҳсулот чиқиши аникланади;
- олинган натижалар илғор хўжаликда бир кадастрга гектардан ялпи маҳсулотнинг чиқиши билан таққосланади ва олинмаган маҳсулот миқдори аникланади;
- кейинчалик салбий ташки самара (экстерналий)лар, яъни тупроқнинг шўрланиш даражаси ошиши натижасида қишлек хўжалик маҳсулотларининг ижтимой харажатларга таъсири куяяди. Маржинал харажатлар ва маржинал даромадлар киёсий таққосланиб, кишлек хўжалик маҳсулотларининг оптимал таклифи, бозор талаби ҳамда бозор мувозанати аникланади.

4-жадвал

Тўрткўл тумани хўжаликларида ҳайдалган ерларда пахта етиштириш самаралорлиги²⁴

| Фермер хўжаликлари номи | Пахта ҳосили учун мўлжалланган ҳайдалган ерларнинг иктиносидий баҳоси, баллда | Амалдаги ҳосилдорлик, ц/га | Баҳолаш балини ҳисобга олгандаги ҳосилдорлик | Ҳайдалган ерларнинг сифатини ҳисобга олган ҳолда эҳтимолий ҳосилдорлик, ц/га | Ҳайдалган ерлардэн фойдаланиш даражаси |
|-------------------------|---|----------------------------|--|--|--|
| Олатов | 63 | 23 | 14,5 | 20 | 72,5 |
| Сапар | 66 | 21 | 13,9 | 18,3 | 76,0 |
| Аббат | 79 | 25 | 19,8 | 21,8 | 90,8 |
| Навбаҳор | 81 | 25,5 | 20,7 | 22,2 | 93,2 |
| Коракўз | 82 | 26 | 21,3 | 22,6 | 94,2 |
| Бўлак | 67 | 24 | 16,1 | 20,9 | 77,0 |
| Гулноз | 64 | 23 | 14,7 | 20 | 73,5 |
| Мир | 87 | 26 | 22,6 | 22,6 | 100,0 |
| Шайда | 76 | 25 | 19,0 | 21,8 | 87,2 |
| Баходир | 83 | 25,6 | 21,2 | 22,3 | 95,1 |
| Жемис | 59 | 18 | 10,6 | 15,7 | 67,5 |
| Олғабос | 61 | 19 | 11,6 | 16,5 | 70,3 |

²⁴ Тадқикот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

4-жадвалдан кўриб турганимиздек, ер сифати яхшиланиши натижасида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, фермер хўжаликлари даромадлари ошади.

Экинлар бўйича ишлаб чиқариш таннархи ва ҳар гектардан олинадиган соф даромад ҳам (ернинг тегишли мезонлар бўйича иктисодий баҳосини хисобга олган ҳолда) шу йўл билан таҳлил килинади.

Таъкидлаш лозимки, хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда ерларнинг иктисодий баҳоси у ёки бу кўрсаткич микдорига таъсир кўрсатувчи сабабларни очиб бермайди, балки ушбу кўрсаткичларни объектив ишончлилик билан баҳолашга ёрдам беради.

Мазкур туманда ҳайдалган ерларнинг бир балл иктисодий баҳосига хисоблаганда пахтадан энг юкори ҳосилдорликка ҳар гектаридан 680 минг сўмга «Олғабос» фермер хўжалиги зериши. Ушбу кўрсаткич фермернинг хўжаликни оқилона юритаётган ва ҳайдалган ерлардан пахта етиштириш учун самарали фойдаланаётганига далил деб хисоблаш мумкин. У ҳолда, қолган барча фермерлар учун улар ўз ерларининг баҳосига мувофиқ пахтадан олишлари лозим бўлган эҳтимолий ҳосилдорликни аниқлаш мумкин.

Ушбу маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги ҳосилдорлик ё эҳтимол тутилганидан кам, ёки ҳайдалган ерларни баҳолаш балларига мос келади.

5-жадвал

Қорақалпогистон Республикаси Тўрткўл туманидаги фермер хўжаликларини пахта ҳосилдорлиги даражаси бўйича гурухлаш²⁵, 2011 йил

| Ҳосилдорлик гурухи | Хўжалик-лар сони | Ўртacha ҳосилдорлик, ц / га | | | |
|--------------------|------------------|-----------------------------|---------------|-------------------|-----------------|
| | | жами | кам шўрланган | ўртacha шўрланган | кучли шўрланган |
| 7 гача | 18 | 5,3 | 6,56 | 5,4 | 5,2 |
| 7,1 дан 12 гача | 23 | 7,6 | 8,54 | 8,11 | 7,41 |
| 12,1 дан 17 гача | 30 | 15,9 | 16,48 | 14,1 | 12,2 |
| 17,1 дан 22 гача | 24 | 18,8 | 20 | 18,62 | 17,5 |
| 22 дан юкори | 7 | 22,5 | 24,63 | 22,63 | 22,2 |
| Жами | 102 | 14,28 | 15,24 | 13,77 | 12,90 |

Шўрланиш даражасини пахта ҳосилдорлигига таъсирини таҳлил қилиш учун фермер хўжаликларининг умумий маълумот-

²⁵ Тадқикот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ларидан фойдаланамиз. Умумий маълумотлардан кўриб турганимиздек, турухларда пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 5,3–14,28 ц/га оралиғида ўзгариб турибди.

б-жадвал

Қорақалпогистон Республикаси Тўрткўл туманидаги фермер хўжаликларини тупроқнинг шўрланганлигига қараб буғдой ҳосилдорлиги даражаси бўйича гурухлаш, 2011 йил

| Ҳосилдорлик гурухи | Хўжалик-лар сони | Ўртача ҳосилдорлик, ц / га | | | |
|--------------------|------------------|----------------------------|---------------|------------------|-----------------|
| | | жами | кам шўрланган | ўртача шўрланган | кучли шўрланган |
| 10 гача | 9 | 5,8 | 9,05 | 8,71 | 5,66 |
| 10,1 дан 20 гача | 18 | 14,1 | 14,02 | 13,34 | 11,4 |
| 20,1 дан 30 гача | 25 | 22,8 | 27,25 | 24,65 | 21,61 |
| 30,1 дан 40 гача | 22 | 33,0 | 38,51 | 35,58 | 32,31 |
| 40,1 дан 50 гача | 17 | 42,3 | 47,33 | 43,4 | 41,56 |
| 50 дан юкори | 11 | 53,9 | 59,13 | 56,82 | 52,67 |
| Жами | 102 | 28,65 | 32,54 | 30,41 | 27,53 |

Бунда ҳам буғдойнинг гурухлардаги ўртача ҳосилдорлиги 5,8–28,65 ц/га оралиғида ўзгариб турибди.

Монографияда ташки самараларнинг фермер хўжаликлари фанологиятига таъсирини аниқлаш ва таҳлилни чукурлаштириш учун корреляцион-регрессион моделлар ишлаб чиқилган. Бунинг учун қуидаги белгиларни киритамиз: Y_n ва Y_6 – фермер хўжаликларидаги пахта ва буғдой ҳосилдорлиги ($\psi/га$), S_2 , S_3 , S_4 – мос равишда кам, ўртача ва кучли шўрланган ерларнинг улуши.

Экологик омил (ушбу ҳолатда шўрланиш)ни акс эттириш учун ҳосилдорликни иктисадий-математик моделлаштириш бир неча боскичда амалга оширилган. Биринчи боскичда чизиқли функция тузилган²⁶. У қуидаги кўринишга эга:

$$Y_n = 35,8 - 0,34 \cdot S_2 - 0,22 \cdot S_3 - 0,12 \cdot S_4, \\ (0,05) \qquad (0,05) \qquad (0,08)$$

бу ерда: $R^2 = 0,68$; $Dw = 1,08$; $F = 15,7$; $S_2 = 36,5$; $S_3 = 33,8$; $S_4 = 11,6$.

Моделнинг адекватлиги барча статистик мезонлар бўйича текширилган. Шунингдек, моделга ўзгарувчиларнинг ўртача қийматларини кўйиш орқали ҳам текширилган:

$$\bar{Y}_n = 35,8 - 0,34 \cdot 36,5 - 0,22 \cdot 33,8 - 0,12 \cdot 11,6 = 14,6.$$

²⁶ Эконометрик моделлар муаллиф томонидан ТДИУ кошидаги “Ахборот технологияларини ривожлантириш” марказида тузилган.

7-жадвал

Қарақалпоғистон Республикаси фермер хўжаликларида шўрланиши омилларининг пахта ҳосилдорлигига абсолют ва нисбий соф тъсирини хисоблаб чиқориш²⁷, 2011 йил учун чизикли

| Омиллар | Т а ь с и р | | |
|-------------------|-------------|----------|--|
| | абсолют | нисбий % | изоҳ |
| Кам шўрланган | -12,4 | -85 | Агар шўрланиш бўлмагандан да мавжуд агротехника ва технология билан 35,8 п/га пахта ҳосилдорлиги бўлиши мумкин |
| Уртacha шўрланган | -7,4 | -50,5 | |
| Кучли шўрланган | -1,4 | -9,5 | |
| Бошқалар | 35,8 | 245 | |
| Жами | 14,6 | 100 | |

Модель натижаларига асосан таъкидлаш мумкинки, ерлар шўрланмаган ҳолатда гектаридан ўртacha 35,8 центнердан хосил олиш мумкин экан. Аммо, ерларнинг шўрланиши натижасида биз тадқиқ этган хўжаликларда ўртacha пахта хосилдорлиги 14,6 центнерданни ташкил этди.

Логарифмик-чизиқлы модель тадқиқотни чукурлаштириши ва омилларнинг эластик коэффициентларини топиш учун ишлатилган:

$$\ln Y_n = 8,72 - 0,98 \cdot \ln s_2 - 0,71 \cdot \ln s_3 - 0,07 \cdot \ln s_4,$$

Бүрдэлдэг: $R^2 = 0,75$; $Dw = 1,16$; $F = 13,96$; $S_2 = 36,5$; $S_1 = 33,8$; $S_4 = 11,6$; $\bar{Y}_s = 15,1$.

Иккинчи логарифмик моделга асосан, бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда кам, ўртача ва оптика шўрланган ерларнинг майдони бир фоизга ошиши фермер хўжаликларининг пахта ҳосилдорлигини мос равишда 0,98, 0,71 ва 0,07 фоизга пасайишига олиб келади.

Монографияда, шунингдек, буғдой ҳосилдорлиги экологик омил, яъни шўрланиши даражасига боғликлиги бир неча кўришида хисобланган.

Бүгдий ҳосилдорлигининг чизикли модели:

$$Y_6 = 72,4 - 0,67 \cdot S_2 - 0,55 \cdot S_3 - 0,23 \cdot S_4.$$

Ушбу модель бўйича:

$$R^2 = 0,64; D_w = 1,48; F = 21,24; S_2 = 36,4; S_3 = 33,7; S_4 = 11,5.$$

$$\bar{Y} = 72,40 - 0,67 \cdot 36,4 - 0,55 \cdot 33,7 - 0,23 \cdot 11,5 = 26,8$$

Юкоридаги моделлар асосида шүрланиш фермер хўжаликлири фаолиятига катта зарар етказишни сонли ифодалаш мумкин. Жумладан, агар шүрланиш бўлмагандан Коракалпогистон шароитида ҳозирги агротехника ва ташкилий омиллар хисобига ҳар гектар майдондан ўртача 72,4 центнер буғдой ҳосили олиш мумкин

²⁷ Муаллиф томонидан эконометрик моделлар асосида ҳисобланган.

Эди Аммо, ерларнинг шўрланини натижасида биз тадқик этган хўжаликларда буғдой хосилдорлиги ўртача 26,8 центнерданни ташкил этмоқда.

8-жадваг

Қоңақалпоғистон Республикаси фермер хўжаликларида шўрланиш омилларининг пахта ҳосилдорлигига абсолют ва нисбий соғ таъсирини хисоблаб чиқим²⁸, 2011 йил учун чизикли

| Омиллар | Т а ь с и р | | |
|-------------------|-------------|----------|--|
| | абсолют | нисбий % | изоҳ |
| Кам шўрланган | -24,4 | -91 | Агар шўрлапиш бўлмаганида мавжуд агротехника ва технология билан 72,4 т/га буғдой хосилдорлиги бўлиши мумкин |
| Уртacha шўрланган | -18,5 | -69 | |
| Кучли шўрланган | -2,6 | -10 | |
| Бошқалар | 72,4 | 270 | |
| Жами | 26,8 | 100 | |

Логарифмик-чизыкли модель:

$$\ln Y_n = 9,41 - 1,01 \cdot \ln s_2 - 0,7 \cdot \ln s_3 - 0,06 \cdot \ln s_4 +$$

(0,16) (0,17) (-0,06)

Ушбу модель бўйича:

$$R^2 = 0.74; D_{W} = 1.64; F = 13.1; S_2 = 36.4; S_1 = 33.7; S_4 = 11.5; \bar{Y}_s = 27.2.$$

Моделларнинг адекватлиги Фишер, Стьюодент ва Дарбин-Уотсоннинг мезонлари бўйича текширилган ва жараёнлар тавсифига мос келиши тасдиқланган.

Алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа – кишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, кишлоқларимиз киёфасини ўзгартиришга қаратилган узок муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлик кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишдир. Булар ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг макоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-кувватлашдан иборатдир.

2009 йилда тасдиқланган «Қишлоқ тараккіеті ва фаровонлигі йили» Давлат дастурида бу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, энг муҳим йұналишлари, аник параметрлари ва молиявий манбалари қатый белгилаб күйилганини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур дастурнинг ўта ҳаётій ва муҳим эканини оптика изоҳлашга зарурат бўлмаса керак.


²⁸ Муаллиф томонидан эконометрик моделлар асосида хисобланган.

§3.2. Регрессион-корреляцион таҳлил ёрдамида Қорақалпоғистон Республикаси ер ресурсларини иқтисодий баҳолаш

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чикаришини ривожлантириш ва жойлаштиришни оқилона режалаштириш учун кишлоқ хўжалик экинлари хосилдорлигини тупрок-иқлим шароитига ҳамда иқтисодий омилларга боғлиқлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ички тузилишини яққол ёритишининг иложи бўлмаган мураккаб жараёнларни тадқик этишда, кўпинча «қора кути» кибернетик тамойили қўлланилади. Ушбу тамойил турли омилларнинг айрим тизимлар фаолиятига таъсирини ташки белгилар бўйича, кириш ва чиқиш кўрсаткичларини таққослаш бўйича ўрганишга асосланган.

Тупрокларнинг хилларини тавсифловчи турли кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганишда ҳамма вакт ҳам яққол боғлиқликларни белгилаш имконияти мавжуд эмас. Масалан, ҳосилдорлик ўта мураккаб тарзда иқтисодий қўйилмаларнинг танланишига боғлиқ. Боғлиқлик хусусияти уларга тасодифий таъсирлар юклатиладиган мураккаб ва охиригача ўрганиб чиқилмаган кимёвий, биокимёвий, жисмоний, иқлим, тупрок жараёнлари билан белгиланади. Албатта, бундай ҳолатларда моделни умумлаштириш ва ташки функционал кўринишлар орқали ички тузилиши ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Корреляцион-регрессион таҳлил «қора кути» умумий тамойилини амалга ошириш йўлларидан бири хисобланади. Тизимнинг киришига вектор билан, чиқишида вектор билан ёритиладиган сигналлар тўплами келиб тушсин (22-расм).



22-расм.

Мақсадимиз x нинг a таъсирини аниклашдан иборат, бунда S нинг ички тузилиши ҳақида ҳеч нарса маълум эмас. у нинг x га боғлиқлиги түғрисидаги ахборотни факат x^1, x^2, \dots, x^s киришлар ва унга мос келувчи y^1, y^2, \dots, y^n чиқишлар статистикаси мавжуд бўлган тақдирда олиш мумкин. у нинг x га боғлиқлиги хусусияти түғрисидаги фаразни олға сурин корреляцион-регистрациян таҳлил босқичларидан бири хисобланади. Фараз қиласайлик,

$$y_i = f_i(x, a)$$

бўлсин, бу ерда a – аникланиши лозим бўлган параметрлар вектори, уни қайсиdir маънода киришлар ва чиқишлар иомувофиқлигини ошириш учун белгилаш максадга мувофиқ хисобланади, яъни a ни айрим функционални a дан ва кузатишлар натижаларидан камайтириш шартларидан танлаш зарур

$$\Phi(a, x^1, \dots, x^s, y^1, \dots, y^n) \xrightarrow{a} \min.$$

Кўпинча, функционал сифатида фарқли квадратлар суммаси (энг кичик квадратлар усуси)

$$\Phi(a) = \sum_{s=1}^N \|y^s - f(x^s, a)\|^2 \xrightarrow{a} \min \quad (3.2)$$

ёки квадратик фарқлар модулларининг суммаси танланади.

$$\Phi(a) = \sum_{s=1}^N \sum_{i=1}^m |y_i^s - f_i(x^s, a)| \xrightarrow{a} \min.$$

$f(x, a)$ функция сифатида вазифа сонли усуллар билан самарали ечимга йўл қўядиган функцияни танлаган маъқул. Чизикли функциялар учун

$$f(x, a) = \sum_{j=1}^n a_j x_j + a_0 \quad (3.3)$$

(3.3) – вазифа a бўйича табакалашдан кейин $n+1$ номаълумликка эга бўлган $n+1$ чизикли тенглама тизимини ҳосил қилишдан иборат.

Техник-иктисодий хисоб-китобларда кўпинча даражали функциядан фойдаланилади:

$$f(x, a, \alpha) = \prod_{j=1}^n a_j x_j^\alpha \quad (3.4)$$

Логарифмлашдан кейин (3.4) тенглик ҳам чизикли боғлиқликдан иборат бўлади.

Таъкидлаш лозимки, $a = (a_1, \dots, a_n)$ параметрларини ишончли тарзда аниклаш учун N кузатувлар сони аникланадиган r ($N \gg r$) параметрлар сонидан анча кўп бўлиши керак. Бу математик-статисти-

ка назарияси кибернетик тамойилини тасдиқловчи холосалардан келиб чиқади. Яъни, тизим қанча мураккаб, эркинлик даражалари қапчалик юкори бўлса, ушбу тизимнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида асосланган холосага келиш учун кузатувлар шунчалик кўп бўлиши керак. Мазкур омил ўта муҳим бўлиб, кейинчалик унга дуч келишимиз эҳтимоли кўп бўлади.

Статистик ва оптималлаштириш моделлари бир-бирини тўлдиради. Корреляцион-регрессион таҳлилнинг оптималлаштириш моделларини синтез қилиш зарурлиги академик А.Г.Аганбегян томонидан таъкидланган [22].

Статистик корреляцион-регистрация таҳлил натижаларидан оптималлаштириш моделлари учун бошланғич ахборотни тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Ерни иктисодий баҳолашнинг муайян муаммосини кўриб чиқиб, унга нисбатан «қора кути» тамойилини ҳамда корреляцион-регистрация таҳлил усулини қўллашга уриниб кўрамиз.

Иктисодий-статистик моделни қўллашдан олдин ерларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи билан баҳолашнинг конунийлиги тўғрисидаги масалани мухокама қиласиз. Сўёзиз, умумий ҳолатда тупроқнинг якуний баҳоси сифатида ҳосилдорликни кўриб чиқиб бўлмайди. Чунки бир хил ҳосил олиш турли харажатлар билан боғлик бўлиши мумкин ёки тупроқнинг баҳоланадиган хилларида ҳосилдорлиги таққосланмайдиган турли экинлар етиштирилиши мумкин. Лекин тупроқ хилларининг ҳосилдорлигини баҳолаш ерни иктисодий баҳолашнинг мураккаб ва кўп жиҳатли муаммосининг таркибий қисми ҳисобланади. Чунки ерни иктисодий баҳолашнинг асоси ҳисобланган унумдорлик маълум даражада ҳосилдорлик орқали ифодаланади ва ернинг унумдорлигини баҳолашдан олдин тупроқнинг ушбу хилида етиштирилиши мумкин бўлган қишлоқ ҳўжалик экинлари ҳосилдорлик ҳажмини тасаввур этиш лозим.

Ҳосилдорлик маълум даражада миллӣ иктисодиётдаги эҳтиёjlар, экинлар тақчиллиги, фойдалилиги, ҳосилдорликка эришиш харажатлари самарисини ифодалайдиган кўрсаткичидир. Шунинг учун, ишонч билан айтиш мумкинки, ҳосилдорликни баҳолаш – тупроқни иктисодий баҳолашдаги муҳим босқич ҳисобланади.

Ҳосилдорликнинг асосланган баҳолари ўз-ўзидан ҳам муҳим, ваҳоланки, улар оптималлаштириш моделлари учун норматив база

манбаи бўлиб хизмат килиши мумкин. Мазкур тадқиқот нуқтаи назаридан куйидагиларни таъкидлаш лозим.

Ўрта Осиёнинг суғорма дехкончилик шароити ҳосилдорлигига ерни иқтисодий баҳолашнинг асоси сифатида кўриб чиқиш имконини берувчи ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Ушбу хусусиятлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ушбу мингакада пахта асосий қишлоқ хўжалик экини хисобланаб, уни етиштириш учун қишлоқ хўжалик ерларининг катта қисми ажратилади. Шунинг учун аксарият қишлоқ хўжалик майдонлари иқтисодий баҳоланишида турли экинларни таққослаш муаммоси унчалик кескин турмайди. Агар ернинг баҳоси сифатида қишлоқ хўжалик ерларидан олинадиган ялпи маҳсулот танланса, у холда тупроқнинг маълум хилида факат пахта етиштирилиши учун ялпи маҳсулот ва ҳосилдорлик мезонлари бўйича олинадиган ернинг киёсий баҳоси мос келади.

Сўзсиз, бу фикр пахта етиштиришда алмашлаб экишлар мавжуд эмаслигини англатмайди. Масалан, пахтани беда билан алмашлаб экиш мумкин. Бироқ, йиллар бўйича улуш ва пахта билан алмашлаб экиладиган экинларнинг халқ хўжалиги учун фойдалилиги унчалик катта эмас, шунинг учун айнан пахта ҳосилдорлиги ерни баҳолашнинг асоси сифатида кабул қилиниши катта хатоларга олиб келмайди.

2. Пахта етиштириш харажатлари тупроқ хилларига кўра табакаланмайди, чунки харажатларнинг асосини мелиорация ва тупроққа ишлов бериш ҳамда тупроқнинг хилига деярли боғлиқ бўлмаган экиш харажатлари ташкил қиласди.

Юқорида қайд этилганлар хисобга олинган холда, пахта ҳосилдорлигини тупроқ хилларига қараб баҳолашга ўтамиш. Муаммонинг мазмуни куйидагича, яъни тупроқ хиллари бўйича ер фондининг ўзгарувчан таркибига эга хўжаликлар пахта етиштиришта ихтисослашган бўлиб, ҳар бир хўжалик бўйича пахтанинг ялпи йиғим-терим статистик даври мавжуд.

Ернинг баҳоси сифатида пахта ҳосилдорлигини кўриб чиқамиз. Бутун хўжалик ерини умумий баҳолаш бўйича ҳар бир тупроқ хилининг баҳоси (ҳосилдорлиги)ни белгилаш талаб этилади.

Куйидаги белгиларни киритамиз:

у – зона бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари умумий ҳосилдорлиги;

x_j – j агроишлаб чиқариш гурухи майдонининг улуши;

a_1, \dots, a_j агроишлаб чиқариш гурухи ерларида кишилек хұжалик зекинлари хосилдорлиги.

1, ..., N хұжаликлардаги ялпи йиғим міндері ва зекин майдонлары таркибининг күрсаткічләри x^1, \dots, x^n ва y^1, \dots, y^N тегишли бўлсин. Айрим боғлиқликлар учун

$$y = f(x_1, \dots, x_n, a_1, \dots, a_n). \quad (3.5)$$

Айрим маънода, кириш ва чиқиш ўртасида номувофиқлик кам бўлиши учун

$a = (a_1, \dots, a_n)$ ни танлаш лозим. Яъни, куйидаги вазифани ечиш керак:

$$\Phi(a) = \sum_{s=1}^N [y^s - f(x^s, a)]^2 \xrightarrow{a} \min.$$

Боғлиқлик сифатида тупрок хилларининг хосилдорлиги оркали фермер хұжалиги бўйича ўртача хосилдорликни ифодаловчи чизикли боғлиқлик танланади ва уларнинг салмоғи куйидагича:

$$y = \sum_{j=1}^n a_j x_j.$$

Хисоб-китоблар пахта экенинга нисбатан амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси 215 минг га зекин майдонларига эга бўлиб, шу зекин майдонлари асосида ерларнинг барча хиллари олтига вариант бўйича гурӯхланди (9-жадвал).

9-жадвал

Вариантлар бўйича ерларнинг турли хиллари

| Вариантлар | Ерлар хилларининг сони |
|--------------------------------------|------------------------|
| Ерларнинг йириклиштирилган гурӯхлари | 45 |
| Шўрланиш даражасига кўра гурӯхлаш | 5 |
| Маданийлашганилик даражасига кўра | 5 |
| Механик тарқиботга кўра | 9 |
| Генетик мансублиги бўйича | 9 |
| Суғоришнинг қадимийлиги бўйича | 12 |

Вазифа, хұжаликлардаги зекин майдонларини тавсифловчи салмоқлар хисобга олинган ҳолда, энг кам квадратлар усули билан ҳал этилади.

Олинган натижалар ерларнинг барча хиллари учун ҳам статистик жиҳатдан ишончли чиқмади. Ерларнинг турли хиллари бўйича натижалар 10-жадвалда келтирилган.

«Қорақалпоғистон Республикаси Бозор иктисадиёти» институти билан биргаликда ўтказилган экспериментал хисоб-китоблар

шуни күрсатдики, $n \leq 6$ агроишлаб чиқариш гурухларининг сони кам бўлган тақдирда салмоқли боғлиқликка эришиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, n қийматининг ўсиши билан аҳамиятсиз коэффициентлар кўпаяди.

10-жадвал

Елларининг турли хиллари бўйича натижалар²⁹

| Турли хил ерлар | 95 фоиз ишончлиликка зга бўлган турли хил ерлар | Улар учун ҳам статистик жиҳатдан ишончли баҳолар олинмаган турли хил ерлар |
|-----------------|---|--|
| 45 | 36 | 7 |
| 5 | 5 | 0 |
| 5 | 5 | 0 |
| 9 | 8 | 1 |
| 9 | 8 | 1 |
| 12 | 10 | 2 |

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун n киймати 10 дан 50 гача бўлган оралиқда ўзгариб туради, шунинг учун агроишлаб чиқариш гурухларининг бундай сонига салмоқли коэффициентларни топиш учун статистик кузатувлар сони етарли эмас. Юзага келган вазиятдан чиқиш учун қўйидаги усуслини тақлиф этиш мумкин: тупроқнинг ҳар бир хили баҳосини, ундаги ҳар бир боскичда агроишлаб чиқариш гурухларининг факат бир хилидан ташқари қолган барча хиллари хақида ахборотнинг «сиқилиши» юз берадиган кўп боскичли тадбир ёрдамида аникланиши зарур. Бундай тадбир натижасида тизим ҳар бир боскичда иккита эркинлик даражасига зга ва мавжуд статистика иккита коэффициентни аниклаш учун етарли. Кинернетик интерпретациядан фойдаланган ҳолда юқорида ёритилган тадбирни шартли равища 23-расм ёрдамида тасвирлаш мумкин.

$n=1$ кириш $x_k, k \in J / j$ ўртача ҳолатга келтирилган кириш билан алмаштирилади $x'_j = \sum_{k \in J / j} a_k x_k$, яъни $y = \sum_{j=1}^n a_j x'_j$ тенглама


$$y = a_j x'_j + b_j x'_j, \quad (3.6)$$

тенглама билан алмаштирилади. Бу ерда a_j – j агроишлаб чиқариш гурухи срларида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги;

b_j – ўртача ҳосилдорлик, j агроишлаб чиқариш гурухи ҳосилдорлиги бундан мустасно;

x'_j – j агроишлаб чиқариш гурух майдони улуши.

²⁹ Коракалпогистон Республикаси Бозор иқтисодиёти институти маълумотлари.



23-расм.

Деярли барча хўжаликларда дехкончиликни интенсивлаш даражаси республика бўйича ўртacha даражадан паст.

Гидроморф ўтлоқи ва балчик-ўтлоқи ерлар Амударёнинг ҳозирги аллювиал қатламларида шаклланган бўлиб, турли даражада шўрланган.

Тупрокнинг барча хиллари 12 та агроишлаб чиқариш гурухига бирлаштирилди. Гурухлаш чоғида Коракалпогистон сугориладиган ерлари бонитети бўйича ўтказилган тадбирлар натижалари ва ушбу гурухларда тупрокнинг қўйидаги хусусиятлари хисобга олинган: генезис, сугоришнинг қадимийлиги, тупрокнинг механик таркиби ва шўрланиш даражаси.

11-жадвал

Фермер хўжаликларида ерларни интенсификациялаш даражаси, 2011 йил

| Кўрсаткичлар | Хисоб-китоб давридаги ўртacha даражада | Уртacha квадратик четта чикиш |
|--|--|-------------------------------|
| Хосилдорлик, ц/га | 17.43 | 2,91 |
| Бир меҳнатга лаёкатли аҳолига хайдалган ер майдони, га | 0,47 | 0,36 |
| 1 га ер учун асосий воситалар, минг сўм | 115,99 | 195,69 |
| 1 га ер учун энергия сарфи, минг сўм | 1186,32 | 135,63 |
| 1 га ер учун харажатлар, минг сўм | 1186,37 | 133,76 |
| 1 га ер учун азотли ўйтлар, кг | 346,97 | 53,51 |

Тадқик этилаётган фермер хўжаликлари асосий иқтисодий кўрсаткичларининг ўртacha даражаси ва ўртacha квадратик четта чикиши 5-жадвалда гурухлар, уларнинг пахта бўйича ҳосилдорлиги ҳисоб-китоблари келтирилган. Барча $j = 1..n$ учун σ_{ij} , σ_{bj} ўртacha квадратик четта чикиш кўрсаткичлари 5,3–14,28 гача оралиқда бўлди.

Стъюдент мезони бўйича текшириш натижаси аҳамиятлиликнинг бир фоизли даражасида деярли барча регрессия коэффициент-

ларининг муҳимлигини кўрсатди. Кўплик корреляцияси коэффициентлари 0,73 дан 0,93 гача оралиқда бўлди, бу хосилдорлик билан тупроқ хусусиятлари ўртасида юқори даражадаги корреляцион боғлиқлик мавжудлигидан далолат бермоқда.

Хосилдорлик билан қўшимча иқтисодий қўйилмалар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун 2000–2004 ва 2005–2009 йиллар маълумотлари бўйича иккита хисоб-китоб амалга оширилди (4-илова).

Бир меҳнатга лаёқатли аҳоли учун майдон ҳажми ошиши салбий кўрсаткич бўлиб, ҳар бир гектарнинг меҳнат билан таъминланганлик даражаси ўсишини тавсифлайди.

12-жадвал

Тупроқнинг агроишлаб чиқариш гурухлари ва уларнинг пахта хосилдорлиги бўйича тақсимланиши¹⁰

| № | Агроишлаб чиқариш гурухларининг номи | Майдон, га | a_j | b_j |
|----|--|------------|-------|-------|
| 1 | Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал ерлар, ўртacha ва оғир соғтупроқли, ювилган ва кам шўрланган ерлар | 19631 | 39,45 | 36,34 |
| 2 | Уша ерлар, лекин ўртacha ва кучли шўрланган | 1399 | 34,57 | 35,61 |
| 3 | Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал ерлар, енгил соғтупроқли, ювилган ва кам шўрланган ерлар | 16585 | 41,54 | 33,27 |
| 4 | Уша ерлар, лекин ўртacha ва кучли шўрланган | 855 | 36,81 | 35,15 |
| 5 | Янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал ерлар, ўртacha соғтупроқли, ювилган ва кам шўрланган ерлар | 1846 | 27,34 | 36,92 |
| 6 | Уша ерлар, лекин ўртacha ва кучли шўрланган | 925 | 22,95 | 36,46 |
| 7 | Янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал ерлар, енгил соғтупроқли, ювилган ва кам шўрланган ерлар | 3552 | 37,48 | 35,33 |
| 8 | Уша ерлар, лекин ўртacha ва кучли шўрланган | 624 | 28,27 | 35,29 |
| 9 | Янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал ерлар, кумлоқ, ювилган ва кам шўрланган ерлар | 1453 | 30,67 | 35,95 |
| 10 | Уша ерлар, лекин ўртacha ва кучли шўрланган | 317 | 24,91 | 35,73 |
| 11 | Янгидан суғориладиган батқоқ-ўтлоқи ерлар, ўртacha соғтупроқли, ювилган ва кам шўрланган ерлар | 400 | 26,15 | 36,13 |
| 12 | Уша ерлар, лекин ўртacha ва кучли шўрланган | 1012 | 16,35 | 36,45 |

Хисоб-китоблар натижасида шу нарса аниқландиди, агроишлаб чиқариш гурухлари бўйича қўшимча иқтисодий қўйилмалар

¹⁰ Тадқикот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

микдорига мос келувчи хосилдорлик икки ц/га дан олти ц/га гачани ташкил килади.

Кўшимча қўйилмалардан максимал даражада самара олиш бешинчи гурухга, а минимал тўртинчи гурухга мос келади.

Ушбу ҳисоб-китоблар умумий қўшимча иктисодий қўйилмаларнинг хосилдорликка таъсирини кўрсатмоқда. Ҳар бир агроишлаб чиқариш гурухи учун иктисодий қўйилмалар ва хосилдорликнинг боғлиқлиги кўйидагича тарзда белгиланиши мумкин.

Йиллар бўйича ҳар бир *J* агроишлаб чиқариш гурухи бўйича *O* микдорини аниқлаган ҳолда, ерларнинг ҳар бир хилини баҳолашнинг турли иктисодий қўйилмаларга статистик боғлиқлигини аниқлаш мумкин. Бу ерда Э_k - *J* агроишлаб чиқариш гурухига *k* турдаги иктисодий қўйилманинг ўртacha кўп йиллик на-тижаси ифодаланган.

13-жадвал

Тўрткўл тумани фермер хўжаликларида шўрланган ерларда пахта етиштиришга ташки самаралар таъсири, 2011 йил³¹

| Кўрсаткичлар | Үртacha кўрсаткич | | Үртacha кўрсаткичга нисбатан, (\pm) |
|--|-------------------|---------------------|---|
| | ташки самарасиз | ташки самара мавжуд | |
| Хосилдорлик, ц/га | 23,97 | 22,43 | -1,54 |
| Бир меҳнатга лаёкатли аҳолига тўғри келадиган ҳайдалган ер майдони, га | 0,83 | 0,77 | -0,06 |
| Бир гектар ер учун асосий воситалар | 1142,66 | 1378,44 | +235,78 |
| Энергия сарфи | 1189,3 | 1445,35 | +256,05 |
| Харажатлар | 1181,78 | 1416,14 | +234,36 |
| Азотли ўғитлар сарфи, кг | 366,29 | 406,93 | +40,64 |

13-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ташки самаралар, яъни шўрланиш натижасида Тўрткўл тумани фермер хўжаликларида кишилок хўжалиги экинларини ишлаб чиқариш учун ўртacha 20 фоиз атрофида кўп харажат килинмоқда. Шу билан бир вактда, ишлаб чиқариш ресурслари ҳам кўп сарфланиши кузатилмоқда.

³¹ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

§ 3.3. Ташқи таъсир (экстерналий)ларни ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликларининг экин майдонлари мелиоратив ҳолатини оптималлаштириш

Ер ресурсларини қиёсий баҳолаш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий ва иқтисодий шарт-шароитларини ўрганишга асосланган. Ерни баҳолаш ишларини ўтказиш учун бошқа бошланғич маълумотлар билан бир каторда, турли хилдаги ерларда қишлоқ хўжалиги экинларининг ўртacha кўп йиллик ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар талаб этилади. Хўжаликларнинг йиллик ҳисоботларида эса, ҳосилдорлик тўғрисидаги маълумотлар барча ҳайдаладиган ерлар майдонига ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киритилади. Шунинг учун ерларни қиёсий баҳолашда ерларнинг алоҳида хилларида қишлоқ хўжалиги экинларининг ўртacha кўп йиллик ҳосилдорлигини аниқлашга ўтиб орнатилилади.

Алоҳида ердан фойдаланишнинг табиий-иқтисодий шароитларини таърифлаш учун ер ҳисоби, ер тузилиши, тупроқ ва агроХўжалик тадқикотлар материаллари, кенг кўламли тупроқ хариталари, хўжаликнинг йиллик ҳисоботлари, жорий ва дастлабки ҳисоботлар маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шарт-шароитларини таърифлаш учун эса статистика ва режалаштириш органлари, илмий тадқикот ва лойиҳалаш ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги тажриба станциялари, участкаларнинг тегишли материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофик бўлади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг табиий шароитларини ҳар томонлама ўрганиш ва тупроқ тадқикотлари натижаларидан фойдаланиш асосида ерларни баҳолаш нуқтаи назаридан ҳам, агроиктисодий ишларни бажариш йўлида ҳам тупроқ тадқикотлари материаллари кўпроқ тупроқ турлари таърифларининг бир хиллигини таъминлаши керак.

Ушбу вазифани ҳал этиш учун муайян ерларнинг хусусиятлари ва морфологик белгилари тўғрисидаги сонли ўлчагичлар билан ифодаланган батафсил маълумотлардан фойдаланилади. Биз ўтказган тадқикотдан кўзлаган максади эса, кўшимча иқтисодий қўйилмалар ролини ажратмаган ҳолда пахта ҳосилдорлигини аниқлашдан иборат. Бунда ҳар бир хўжаликда ерларнинг бонитети гурухларини тузиш лозим.

Генетик белгилар бўйича ўзаро яқин бўлган, лекин агрономия нуқтаи назаридан кам ўрганилган ерлар тупроғининг механик тар-

киби ва моддий жинс, тўшама жинслар, жойлашиш шароитлари (рельеф, намланиш шароитлари ва х.к.) тўғрисидаги маълумотлар асосида, умумий хўжалик мақсадида фойдаланиш имкониятини ёки бир ишлаб чиқариш гурухига бирлашувчи тупроқнинг барча турлари учун тадбирларнинг кандайдир бир тизимидағи эктиёжларни кўрсатувчи бошқа белгилар бўйича агроишлаб чиқариш гурухларига бирлаштирилиши мумкин.

Ўзбекистон АСМ «Ўзгипроер» институти Қоракалпоғистон филиали томонидан ўтказилган тупрок тадқиқотлари материаллари устида ишлаш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, Қоракалпоғистон Республикасининг ҳар бир тумони ва ҳар бир хўжалиги бўйича тупрок тафсилотлари ҳамда фойдаланишдаги суғоришнинг қадимийлиги, ҳар бир кишлек хўжалиги ери бўйича алоҳида хўжалик ҳариталари тўғрисида тўлик ахборот мавжуд. Ушбу маълумотлар асосида биз, Тўрткўл тумани бўйича ерларни гурухлаш вактида тупроқнинг 12 та гурухидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдик.

Сўнгра, (хосилдорлик билан ишончли тарзда корреляцияланувчи) белгилар танланиб, тупроқнинг хосилдорлиги белгиланди. Суғориш шароитида улар жумласига қўйидагилар киради: суғоришнинг қадимийлиги, маданийлашганлиги, шўрланишга майиллиги ва шўрланиш даражаси, эрозияланганлик даражаси, тупроқнинг механик таркиби ва бошланғич жинсларнинг келиб чиқиши.

Таъкидлаш лозимки, ер таркибдаги табиий жинслар тупроқнинг дренаж қобилияти ва сизот сувларининг динамикаси маълумотлари билан ўрганилмаганлиги боис, ерларни қиёсий баҳолашда катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Маълумки, тупроқнинг ушбу хусусиятлари срларнинг ишлаб чиқариш қобилияти учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Сизот сувлар даражасининг маълум санадаги оддий белгилари у ёки бу ер участкаси мелиоратив ҳолатининг барча мураккабликларини акс эттирмайди. Микрорельефни билиш, сизот сув пасайиш ҳолатларини ва уларнинг спицлик даражасини, суғориш даври мобайнида ер ости окимининг йўналиши ва сусайланлигини хисобга олиш – суғориладиган срларни қиёсий баҳолаш учун ғоят муҳим материаллар хисобланади. Бу, нафакат ерларни баҳолаш учун, балки маъданли ўғитлар билан бойитища тупроқ ҳариталаридан самарали фойдаланиш ва бошқа агротехник тадбирларни табақалаштириш учун ҳам талаб этилади. Шу му-

носабат билан, мазкур ишда ушбу ҳолатлар худуд, туманларнинг геоморфологик тузилиши ва гидрографик тармоқларнинг умумий жойлашуви асосида ҳисобга олинди.

Савол туғилади: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг юзага келган ихтисослашуви иқтисодий жиҳатдан қанчалик асосланган, ердан фойдаланишининг тегишли даражаси эса иқтисодий жиҳатдан қанчалик самарали ташкил этилган?

Ушбу масалаларни ҳал этиш учун қуидаги кўрсаткичларни таҳлил этиш ва уларни ҳудудий бирликлар бўйича гурухлаш зарур [64,129]:

а) фермер хўжаликлари йиллик ҳисоботларида қайд этилган 5–10 йил мобайнида фойдаланилган экин майдонларидан олинган асосий қишлоқ хўжалиги экинлари (пахта) хосилдорлиги;

б) меҳнатта лаёқатли аҳоли сони;

в) таннарх, меҳнат унумдорлиги ва ер майдони бирлигига тўғри келадиган соғ даромад;

г) 5–10 йил мобайнида фермер хўжаликлари ҳисоботларида қайд этилган органик ва минерал ўғитлардан фойдаланганлик тўғрисидаги маълумотлар;

д) минтақавий агротехник лабораториялар, тажриба станциялари ва турли хилдаги тупрокларда этиштирилган асосий қишлоқ хўжалик экинлари учун ўғитлар кўлланишининг самардорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

е) агротехника даражаси ва деҳқончиликнинг интенсивлигини тавсифловчи асосий ишлаб чиқариш воситалари киймати, жумладан, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги машиналари, тракторларнинг киймат ифодасида ёки 5–10 йил мобайнида асосий воситаларнинг пахтачилик учун умумий йиллик харажатлари ва бопика маълумотлар.

Барча ушбу кўрсаткичлар вилоят статистика бошкармаларида хўжаликларнинг йиллик ҳисоботларидан олинади. Бундан ташқари, вилоятнинг ушбу тумани учун агроқлим маълумотномаларидан иқлим ресурслари тўғрисидаги асосий маълумотларни аниқлаш зарур.

Тўпланган ахборот ўртacha ҳолатга келтирилади, сўнгра эса қуидаги маълумотларга эга бўлиш учун қайта ҳисоблашлар амалга оширилади: а) 100 га ҳайдалган ер учун асосий ишлаб чиқариш воситалари киймати; б) 100 га ҳайдалган ер учун меҳнатта лаёқатли аҳоли сони; в) 1 га майдонга шартли тарзда кўлланиладиган

ўғитлар миқдори. Ҳосилдорлик бўйича ҳисоб-китоблардан хўжаликнинг куйидаги статистик маълумотлари чиқариб ташланади: боғдорчилик, сабзавот-полизчилик, ёрдамчи хўжалик, чорва бокиш ва бошк. (ишлаб чиқаришининг тор ихтисослашуви туфайли, улар бошка кўплаб фаолиятлар ичida яққол ажralиб туради).

Ҳозирги вактда кўп йиллик ўртача ҳосилдорликни ҳисоблаб чиқишининг зарур статистик ахборот йигиндинисини топишда чизиқли алгебра ва математик статистикага асосланган турли моделлар ва алгоритмлар ишлаб чиқилган.

Энди, Орол денгизи худудидаги экологик муаммоларни ўрганишда, шунингдек, уларни ҳал этишининг кўп сонли усулларини ишлаб чиқишида юзага келадиган шўрланиш омилларини оптимал бошқариш моделини кўриб чиқамиз.

Дастлаб, экстремумнинг зарур шартларига амал қилган ҳолда, олдинга кўйилган максад нуқтаи назаридан шўрланишнинг оптимал варианти мавжудлигини исботлаб беришимиз зарур.


Ўлкада ҳал этилиши зарур бўлган вазифаларни умумий тарзда ҳал этилиши ўрганиб чиқилиб, коэффициентлар ва умумлаштирилган ҳукуқий кисмлар оптимал бошқарилиши ва бошқарув мавжудлигининг етарлича шартларига эришилди. Янада аникрок кўринишида бўлган экстремумнинг зарур шартларига эришилди. Оптималлаштиришнинг ўлкага оид бўлган тегишли вазифалари ҳал этилишининг сонли усуллари тузилиб, асосланди.

Антрапоген таъсиrlар муносабати билан сўнгти вактларда Амударё дельтасининг сугориладиган қисмида тупрок қатлами ўзгаришларга дучор бўлди. Ҳамма жойда сугориш ва ювиш меъериининг ортиши кучли минераллашган сизот сувларининг (ер ости сувлари) кўтарилишига олиб келди. Сугориш суви минераллашувининг ортиши ва курсоқчилик йилларида сугориш учун коллектор-дренаж сувларидан такрор фойдаланиш натижасида ҳамма жойда сугориладиган ерларнинг шўрланиши кучайиб, тупроқнинг иккиламчи шўрланишига олиб келади.

Ҳозирги вактда Орол ҳавзаси экологик фожиа зонасига киради. Минтақанинг гидрогеологик хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда ерларнинг интенсив сугорилиши тупроқнинг кенг кўламли иккиламчи шўрланишига олиб келди.

Ерларни сугориш режимларини оптималлаштириш учун математик усуслардан ва тегишли дастурий таъминотдан фойдаланиш зарур. Ерларни сугоришда аэрация зонасида юз берадиган жисмо-

ний жараёнларни кўриб чиқамиз. Суғориладиган массивлар майдонларининг катталиги туфайли нам ва тузлар, асосан, вертикал йўналишда ҳаракатланади.



24-расм.

24-расмда суғориладиган массив профили тасвирланган. $x=0$ нукта ер юзасига тўғри келади. L – ер юзасидан сизот сувларгача бўлган масофа. Сизот сувларда тузлар C_{rp} катта миқдорда тўпланиши ва туб катламда йўл кўйиладиган даражадан анча ортиб кетиши мумкин. Ернинг юза қатламини $Q(t)$ (бу ерда t – вакт) интенсивлик билан суғоришда ернинг туб қатлами аста-секин тўйинади. Суғориш нормалари камайтирилганда ернинг шўри ювилиб кетиши юз беради. Натижада аэрация зонасида тузларнинг тўпланиши ортади. Суғориш тўхтатилгандан сўнг ер юзасида интенсив парланиш чоғида туб қатламда тузларнинг қоришмада тўпланиши ортади.

Ушбу жараён алоҳида ҳосилалардан иборат дифференциал тенгламалар тизими билан ёритилиши мумкин:


$$\frac{\partial \theta(x,u)}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left(K(x,u) \frac{\partial u}{\partial x} \right), \quad (3.7)$$

$$\frac{\partial (\theta C)}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left(D \frac{\partial C}{\partial x} \right) - \frac{\partial (gC)}{\partial x} + f(x,t), \quad (3.8)$$


$$x \in [0, L], \quad t \in [0, T],$$

бу ерда (3.7) – намликни кўчириш тенгламаси. Унда $u(x,t)$ – P босим $u=P-X$ нисбат билан боғлиқ босим; $\theta(x,u)$ – ернинг намлиги

$K(x,u)$ – нам ўтказим коэффициенти; θ ва K функцияларнинг ҳар бири учун уларнинг P га боғлиқлиги маълум (25-расм).



25-расм.



26-расм.

Тўлик түйинишига эришилганда $P \geq 0$ $K(x,u)$ функция фильтрация коэффициенти K_ϕ га, $\theta(x,u)$ функция эса n илма-тешикликка ўтади. $K(P)$ ва $\theta(P)$ нинг боғлиқлигини билган ҳолда $K(x,u)$ ва $\theta(x,u)$ коэффициентлари осон қайта ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

(3.8) тенглама – конвектив диффузия тенгламаси. Унда $C(x,t)$ -тузларнинг тупрок коришмасида тўпланиши; D – конвектив диффузия коэффициенти; $f(x,t)$ – тузларнинг тақсимланишини тавсифлайди.

(3.7), (3.9) тенгламалар куйидаги бошланғич ва чегара шартларида кўриб чиқилади.

$$u(x,0) = U(x), \quad x \in [0, L]$$

$$C(x,0) = C(x), \quad x \in [0, L]$$

Намликни кўчириш тенгламаси учун куйидаги чегара шартлари берилади:

$$K(x,u) \frac{\partial u}{\partial x} = Q(t), \quad x = 0, \quad t \in [0, T] \quad (3.9)$$

бу ерда $Q(t)$ – сугориш ёки буғланиш тавсифланади. Куйи чегарада $u = -L$ шарти берилади, яъни $P = 0$ (эркин юзада босим атмосферага тенг).

(3.10) тенгламада куйидаги чегара шартлари берилади:

$$C(x,t) = C_B(t), \quad x = 0, \quad t \in [t_0, T] \quad (3.10)$$

бу ерда C_B – сугориш сувида тузнинг тўпланиши (сугориш режимида фойдаланиллади).

Ер юзасидаги сугориш циклари ўртасида куйидаги шартни бериш мумкин:

$$\frac{\partial C}{\partial x} = 0.$$

Күйи чегарада сизот сувларида тузнинг түпланишига тенг бўлган түпланини берилади, яъни

$$C(L,t) = C_{n_p}(t).$$

Суғориш режимлари ва меъёлларига караб аэрация зонасида тупрок коришмасининг түпланиши ҳам ўзгаради. Оролбўйи ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш нуктаи назаридан суғоришда экинлар етарли миқдорда намликка эта бўладиган, иккиласми шўрланиш эса кам бўладиган режимни татбиқ этиши зарур. Айрим табиий шартлар учун ушбу талаблар бир вақтнинг ўзида бажарилмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда ўсимликлар ўсишига салбий таъсир этадиган тузлар түпланишининг ортиб кетишига йўл кўймаслик лозим.

Тупрок коришмасида тузларнинг миқдори хаддан зиёд ўзгарувчан бўлиб, у тупроқнинг намлик даражасига боғлиқ. Намликни тупрок нуктаи назаридан тартибга солиппинг йўл кўйиладиган түпланиши, суғориладиган ерларнинг тупрок коришмасида тез эрувчан тузлар оптималь түпланиши 3–5 г/л чегарасида бўлади. 5–6 г/л дан юкори түпланища кучли салбий таъсир этиш бошланади, 20–25 г/л атрофидаги түпланишларда эса ўсимликлар нобуд бўлади.

Турли ўсимликлар ер ва сизот сувлари шўрланишига турли даражада бардошли бўлади. Шунинг учун тупрок таркибидаги тузлар ёки қандайдир бир ионнинг йўл кўйиладиган умумий миқдори чегаралари ўзгариб туради. Турли тузларнинг заҳарлилик миқдори турлича бўлиб, улар тузларнинг таркибига ва уларнинг тупроқдаги нисбатига боғлиқ.

Шўрланган ерлар шаклланишининг бош сабаби – бу зона намлигининг минераллашган сизот сувлар билан бевосита боғлиқлиги, ушбу зонада намликнинг интенсив буғланиши ва шу туфайли тузларнинг капилляр оқимлар билан тупроқка кўчишидир. Тузларни намликнинг пасайиб боруви оқимлари билан конвектив кўчириш суғоришнинг ювиш режимида аэрация зонасини чучуклаштиришнинг асосий омили хисобланади. Ушбу оқимга молекуляр диффузия ҳамда алмашув физик-кимёвий жараёнлар натижасида сизот сувлар катламида ва тупроқнинг микропораларида турган ҳаракатсиз коришмадан тузлар келиб куйилади.

Ерлар мелиорацияси хамда гидроиншоотлар қурилиши билан боғлиқ тармоқларни муваффақиятли ривожлантириш учун мавжуд гидрогеологик шартларни түғри аниқлаш ва уларни узоқ вақт ораликлари учун талаб этиладиган даражада аниқ прогноз қилиш зарур. Кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун ортиқча микдорда намланган ерларни қуритиш мухим аҳамиятга эга. Шўр ювишда ишлатилган сувларнинг суғориши таъсирига нисбатан кўйиладиган талаблар суғориладиган массивда ва унга туташ ерларда тузларнинг экинлар ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайдиган тўпланиш даражасини саклаб туришга асосланади.

Дифференциал тенгламаларга ва табиий шароитда тажрибалар ўтказиш йўли билан олинган жараён ҳақидаги аниқ маълумотларга асосланган математик моделлаштириш ушбу ҳолатларни тадқик этишдаги энг истиқболли йўналиш ҳисобланади. Математик моделлаштириш усуллари нафакат тадқик этилаётган жараённи табиий ва сунъий қўллашнинг турли омиллари таъсирида ўрганиш, балки оптималлаштириш ва прогноз ҳисоб-китобларини амалга ошириш имконини хам беради.

Юқорида баён этилганлар асосида фильтрациялаш ва намни кўчириш жараёнларининг математик моделларини яратиш, шунингдек, ушбу моделлар бўйича объектларнинг ишончли ва асосланган тафсилотларига эришиш усулларини ишлаб чиқиши долзарб вазифадир.

Хозирги вақтда замонавий электрон-ҳисоблаш машиналарига асосланган сонли усуллар энг истиқболли ҳисобланади.

Умумий кўйилган вазифани ҳал этиш мураккаб математик муаммо саналади, чунки ҳусусий ҳосилаларга эга бўлган бошқарувнинг чизиқсиз тизими учун оптимал бошқарув вазифасини ҳал этиш лозим. Кўйилган вазифани ҳал этишнинг бирмунча бошқа алгоритмини кўриб чиқиши мақсадга мувофик ҳисобланади. Бошқарувнинг (3.8) тенгламани ечишга таъсири тегишли коэффициентлар орқали амалга оширилади. $Q(t)$ функцияни турли сценарийларни сонли моделлаштириш йўли билан топамиз. Шундай килиб, бундан кейин бизни унда Θ коэффициент сифатида намоён бўладиган (3.8) тенгламани тадқик этиш масаласи қизиқтиради.

Хозирги кунда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иқтисодий-математик моделлаштиришига бағишлиланган кўплаб илмий тадқикотлар мавжуд. Кишлоқ хўжалиги соҳасини моделлаш-

тириш бўйича ҳозирда, асосан, иккита йўналиш вужудга келган:

- қишлоқ хўжалигини ягона иқтисодий-математик модель ёрдамида тасвирлаш;
- қишлоқ хўжалиги жараёнларини иқтисодий-математик моделлар тизими ёрдамида моделлаштириш.

Биринчи йўналиш, асосан, объектни назарий тасвирлаш бўлиб, у умумий конуниятларни тадқиқ этиш учун мўлжалланган. Қишлоқ хўжалигининг тўлиқ моделидан амалиётда фойдаланиш бир қатор шарт-шароитлар туфайли қийинчиликлар туғдиради. Улар қаторида улкан ҳажмдаги ва бошлангич маълумотни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган мураккабликларни санаб ўтиш кифоя. Бундан ташқари, ягона модель доирасида таркиб топган ёки лойиҳалаштирилаётган ташкилий-иктисодий тузилмаларни инобатга олиш ҳар доим ҳам қулай ва максадга мувофиқ эмас.

Қишлоқ хўжалигини бошқариш масалаларининг мураккаблиги моделлар тизимини татбиқ этиш заруратига олиб келади. Уларнинг ҳар бири муаммони ёки айрим жиҳатни тасвирлашга ихтисослашган.

Бизнинг тадқиқотимиз сугориладиган дехкончиликнинг ўзига хос хусусиятларини инобатта олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини моделлаштиришнинг айрим жиҳатларини кўриб чиқишиңи тақозо этади. Мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг объектив шарт-шароитлари, маҳсулотларнинг жуда муҳим турлари ишлаб чиқарилишини баркарор ва динамик тарзда ошириб бориш зарурати, шунингдек, қишлоқ хўжалигини иқтисодий-математик моделлаштириш соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш, минтака ер хусусияларини ўзгартириш, авваламбор, турли типдаги ер ресурслари хосилдорлигини ошириш учун мўлжалланган маблағларни тақсимлаш масаласини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятта эга.

Моделда ҳар бир туман ва, умуман, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлашда куйидаги чекланиш мавжуд:

$$\sum_{j=1}^m a_{ijk} x_{jk} - a_{iuk}^T x'_{uk} \leq b_{ik} \quad (i = 1, m; u = 1, u) \quad (3.11)$$

Бу ерда, k – туман бўйича тармоқлар сони, j – экин индекси, i – ишлаб чиқариш ресурси индекси, b_{ik} – k – тумандаги i -чи турдаги ишлаб чиқариш ресурсининг ҳажми, a_{ijk} – k – тумандаги j – тармоқда i -турдаги ресурсни ишлаб чиқарип бирлигига сарфланган хара-

жатлар, $a_{i,k}^n$ – i га тенг бўлган катталик, агар майдоннинг η -усули ёрдамида i -туридан i -турига трансформация қилинадиган бўлса ва нолга тенг кийматни қабул қилса, унда трансформациянинг η -усули i -туридаги майдонни четлаб ўтади, $x_{i,k}^j$ – k – тумандаги j – тармоқдаги ишлаб чиқариши. $x_{i,k}^j$ – кишлоп хўжалик майдонларини уларни трансформациясидан кейинги кидирилаётган i -чи тури.

Шундай қилиб, айтиб ўтилган моделда маълум бир шаклда турли типдаги ер майдонларини трансформацияси мумкинлиги инобатга олинади. Мелиорация чора-тадбирлари хисобига турли шўрҳок ерларнинг трансформацияси юз беради.

Монографияда ер турларини яхшилаш учун капитал маблағларни самарали тақсимлаш иқтисодий-математик модели кўриб чиқилди. Турли гуруҳдаги ерларни баҳолашда муаллиф томонидан § 3.2 да таклиф қилинган усуллардан фойдаланилган.

Шубҳасиз, ерларни иқтисодий баҳолашдаги фарқ турлича шўрланганлик даражаси билан белгиланади. Фермер хўжаликлари ни хосилдорлиги бўйича гуруҳлаш натижаси куйидагича бўлди: 1-гуруҳи бўйича у гектарига ($39,45-34,57=4,88$), «б» гурухи бўйича эса ($41,54-36,81=4,73$), «в» гурухи бўйича ($27,34-22,95=4,39$), «г» гурухи бўйича ($37,48-28,27=9,21$), «д» гурухи бўйича ($30,67-24,91=5,76$) ва «е» гурухлари бўйича ($26,15-16,35=9,8$) ц/г ни ташкил қилади.

Шундай қилиб, айтиб ўтилган гуруҳлар ўртасида пахта ҳосилдорлиги бўйича фарқланиш мавжуд. Бир вактнинг ўзида бир катор гидротехник ва мелиорация чора-тадбирларини амалга ошириш йўли билан шўрланганлик даражасини пасайтириш ва мос равиша ерларнинг сифатини яхшилаш мумкин. Бу эса пахта каби жуда муҳим бўлган ўсимликнинг юқори ҳосилдорлигини таъминлайди. Тадқик этилаётган пахта ҳосилдорлигидаги фарқланиш гидротехник ва мелиорация воситаларининг кийматида аҳамиятли экан, унда шўрҳок ерлар сифатини яхшилашга йўналтирилган танкис бўлган ресурсларни жуда ҳам самарали ишлагиши зарур.

Моделни расмий шакллантириш учун белгиларни қабул қиласиз:

S_i – i -чи турдаги агроишлаб чиқариш гурухи ерининг майдони;

i,j – $(i, j = 1, n)$ агроишлаб чиқариш гурухи турларининг индекси;

\mathfrak{S}_i^j – i -чи гурухга трансформация қилиш мумкин бўлган ва ўз сифати бўйича i -чи гурухдан яхши бўлган агроишлаб чиқариш турларининг тартиб рақамлари;

\mathfrak{X} – ўз сифати бўйича i -чи гурухдан ёмон бўлган ва i -чи гурухга трансформация қилиш мумкин бўлган агроишлаб чикариш турларининг тартиб ракамлари;

x_j – j -агроишлаб чикариш гурухигача яхшиланадиган, i -чи турдаги агроишлаб чикарип гурухи ерининг майдони;

z_i – яхшиланисиши инобатга олган ҳолдаги i -чи турдаги агроишлаб чикариш гурухи ерининг майдони;

F_k – k -чи турдаги ресурснинг киймати;

f_{ijk} – k -чи турдаги ресурсни i -чи турдаги агроишлаб чикариш гурухидаги j -чи турдагигача яхшилашга килинган харажатлар;

C – i -чи турдаги агроишлаб чикариш гурухидаги пахта хосилдорлиги.

Функцияning максималлаштирувчи x_j ва z_i ўзгарувчилари кийматини топиш зарур:

$$\sum_{i=1}^n c_i z_i \rightarrow \max \quad (3.12)$$

яъни қўйидаги шартларда пахтанинг барча майдонларда ялли йигимини максималлаштирадиган:

$$z_i \leq S_i + \sum_{j \in \mathfrak{J}_i} x_{ji} - \sum_{y \in \mathfrak{Y}_i} x_{iy} \quad (i = \overline{1, n}), \quad (3.13)$$

(ерлар баланси)

$$\sum_{i=1}^n \sum_{j \in J_i} f_{ijk} x_{ij} \leq F_k \quad (k = \overline{1, K}), \quad (3.14)$$

(ресурслар бўйича чекланишлар)

$$x_{ij} \geq 0, \quad z_i \geq 0$$

(ўзгарувчиларнинг манфий эмаслиги)

Турли ерларнинг агроиктисодий хусусиятларини тахлил қилишини давом эттирамиз ва аввалиги параграфларда баён этилган Коуз теоремасини амалиётга татбиқ этамиз. Масалан, 12-жадвалда кўрсатилган шўрланган ерлар турлари учун мелиорация ишларини бажариш ва ерларнинг шўрларини ювиш натижасида кўшимча (маржинал) харажатлар ҳисобига ўртacha ва кучли шўрланган тупрок турларидан кучсиз шўрланган тупрок турларига ўтиш мумкин. Шўрҳок ерларни мъълум бир коида бўйича ракамлаб чикамиз, ўз ўрнида, жадвалимизда бундай тартибига риоя килинган. Жуфт рақамлар билан ўртacha ва кучли шўрланган, тоқ рақамлар билан эса ювилган ва кучсиз шўрланган ерларни белгилаймиз. Шундай килиб, агар i – шўрҳок ер индекси бўлса, $i = 2k - 1$ да ушбу индекс

ювилган ва күчсиз шўрланган ерлар эканлигини, $i=2k$ да эса ўртача ва кучли шўрланган ерлар эканлигини англатади. Модомики, $2k$ ракамли ерни бундан ҳам баттар ёмонлаштиришнинг иложи йўқ экан. Агар, уни яхиласак ҳам $2k-1$ ерлар турига олиб келиш мумкин, чамаси кўплаб коидалар кучига кўра,

$$\mathfrak{I}_i^+ \text{ ва } \mathfrak{I}_i^-, \quad \mathfrak{I}_{2k}^- = \emptyset, \quad \mathfrak{I}_{2k}^+ = \{2k-1\} \quad (3.15)$$

ва мос равишда

$$\mathfrak{I}_{2k-1}^+ = \{2k\}, \quad \mathfrak{I}_{2k}^+ = \emptyset. \quad (3.16)$$

Юкорида айтилганлардан хуроса қиладиган бўлсак, (3.12)–(3.14) моделмизнинг (3.15)–(3.16) ҳолатлари учун куйидаги кўришиш тўғри бўлади:

$$\sum_{k=1}^{2n} c_k z_k \rightarrow \max \quad (3.17)$$

$$z_{2i-1} \leq S_{2i-1} + x_{2i-1} \quad (i = \overline{1, n}) \quad (3.18)$$

$$z_{2i} \leq S_{2i} - x_{2i-1} \quad (i = \overline{1, n}) \quad (3.19)$$

$$\sum_{i=1}^n f_i x_{2i-1} \leq F \quad (3.20)$$

$$z_{2i} \geq 0 \quad (i = \overline{1, n}), \quad z_i \geq 0 \quad (i = \overline{1, n}). \quad (3.21)$$

(3.17)–(3.21) моделлардан кўшимча равишда чекловчи ресурс сифатида фақатгина биттаси шўрланмаган ерларни кўпайтириш бўлиши мумкин. Қорақалпоғистон Республикасининг суғорма дехкончилик шароитларида кучли ва ўртача шўрланган ерлардан күчсиз шўрланган, шўри ювилган ерларга ўтишда тупрокни кўп маротабалик ювиш асосий агротехник усул бўлиб хисобланади. У суғориш ва дренаж тармоғини куриш ва уларнинг зичлигини орттириш хисобига амалга оширилиши мумкин. Мазкур курилиш учун муайян капитал харажатлар ва ерлар шўрини ювиш учун жорий харажатлар талаб этилади. Шунинг учун асосий чекловчи ресурс сифатида келтирилган харажатларнинг микдори танланади. Шўр ювиш учун жалб этилган харажатлар анчайин салмоқли микдорни ташкил қиласди. Айрим баҳоларга кўра, ушбу катталик гектарига 7000 дан 13000 сўмгача бўлган микдорни ташкил қиласди.

Бир қатор соддалаштиришларга қарамай, (3.17)–(3.21) масалалар ерларнинг турлари микдорига уч баробарга тенг бўлган ўзгарувчилар микдори билан амалга оширилган чизиқли дастурлаш масаласини ифодалайди. Бирок, (3.17)–(3.21) масалани ҳал қилиш учун бу ерда чизиқли дастурларнинг умумий усулларини кўллаш

зарурати мавжуд эмас. Масаланинг ўзига хос хусусиятини инобатга олган ҳолда, уни ечишнинг маҳсус усулини таклиф қилиш мумкин. У, ҳаттоти, оддий амалга ошириладиган ҳисоб-китоб учун ҳам етарлича мақбулдир.

(3.18), (3.19) тенгсизликларни қисман ўзгартириш ёрдамида оптимал ечимни топиш нуқтаи назаридан қатъий тенгликларга айланишини пайкаш қийин эмас. Шунинг учун, z_i катталигини x_i ўзгарувчилари орқали ҳам ифодалаш ва z ўзгарувчиларни чиқариб ташлаган ҳолда мақсадли функцияга қўйиш мумкин. Бунда мақсадли функция қўйидаги шаклни олади:

$$\sum_{i=1}^n c_{2i-1}(S_{2i-1} + x_{2i-1}) + \sum_{i=1}^n c_{2i}(S_{2i} + x_{2i-1}) \approx \sum_{i=1}^n (c_{2i-1} - c_{2i})x_{2i-1} \rightarrow \max$$

Агар, (3.18) z_i нинг чекланиши исталган x_{2i-1} да манфий бўлмайдиган бўлса, буни (3.19) чекланишига нисбатан айтиб бўлмайди. Унда етарлича катта бўлган x_{2i-1} да z_i нинг манфий бўлмаслиги ни кафолатлаб бўлмайди. Қўйидаги тенгсизликни амалга ошириш боғланишининг зарурий ва етарли шарти бўлиб ҳисобланади:

$$0 \leq x_{2i-1} \leq S_{2i}$$

x_{2i-1} ни x_i га алмаштириб қўйидаги масалага эга бўламиш:

$$\begin{aligned} & \sum_{i=1}^n (c_{2i-1} - c_{2i})x_i \rightarrow \max \\ & \sum f_i x_i \leq F, \quad 0 \leq x_i \leq S_{2i} \end{aligned} \tag{3.22}$$

(3.22) масалада қолган барча ўзгарувчиларни боғлаб турувчи факатгина битта чекловчи борлигини инобатга олган ҳолда, уни ечишнинг қўйидаги оддий усулини таклиф қилиш мумкин:

1) ресурс харажатлари бирлигига энг юкори микдорда ҳосил қўшилиши мумкин бўлган яхшиланадиган ер майдонининг тартиб рақамини топамиш, яъни қўйидаги амални бажарамиз:

$$\frac{c_{2i_1-1} - c_{2i_1}}{f_{i_1}} = \max \frac{c_{2i-1} - c_{2i}}{f_i}$$

2) худди шундай йўл билан шўри ювиладиган (яхшиланадиган) барча қолган ерлар турларини тартиблаштирамиз, яъни i_1, i_2, \dots, i_n тартиб рақамини топамиш, улар учун i

$$\frac{c_{2i_1-1} - c_{2i_1}}{f_{i_1}} \geq \frac{c_{2i_2-1} - c_{2i_2}}{f_{i_2}} \geq \dots \geq \frac{c_{2i_n-1} - c_{2i_n}}{f_{i_n}}. \tag{3.23}$$

Ҳисоблаш мураккаб бўлмаган формулалар бўйича токи фарк нолдан $F - \sum f_{ik} x_{ik}$ кичик бўлмагунга кадар амалга оширилади:

$$x_{i_1}^* = \min \left\{ \frac{F}{f_{i_1}}, S_{2i_1} \right\}; \quad x_{i_2}^* = \min \left\{ \frac{F - f_{i_1} x_{i_1}}{f_{i_2}}, S_{2i_2} \right\}; \quad x_{i_3}^* = \min \left\{ \frac{F - \sum_{k=1}^3 f_{ik} x_{ik}}{f_{i_3}}, S_{2i_3} \right\}.$$

Коракалпогистон Республикасининг Тўрткўл тумани учун 2012 йил дастлабки маълумотларидан фойдаланган ҳолда параметр жиҳатдан барча F лар учун (3.22) тенгламани ечамиш. Масалани ҳал килиш учун керакли бўлган маълумотлар келтирилган (турли шўрхок ерлар майдони ва ҳосилдорлиги 12-жадвалдан олинган, тупроқларнинг сифатини яхшилаш ва ушлаб туриш учун харажатлар кўриб чиқилаётган туман фермер хўжаликларидаи дастлабки маълумотлар асосида олинган).

Модель учун дастлабки маълумотларни тайёрлаш бўйича айрим услубий изоҳларни айтиб ўтиш кифоя. Ҳосилдорликдаги фарқланишлар жадвалда келтирилган маълумотлар бўйича бевосита ҳисоблаб чиқилади. f_i катталиклари орасида харажатлар фарқлари топилади, ерларнинг ўртача ва кучли шўрланган ҳолатини кучсиз шўрланган ва ювилган ҳолатига ўтказилишининг маълум бир тури учун жалб килинган солиштирма харажатларнинг микдори белгиланади. Агроиктисодий таххил куйидаги хуносага олиб келади: $2k$ -чи ўринда шўрхок ерларнинг мос равишдаги турларини яхшилаш учун жалб килинган солиштирма харажатларни тавсифловчи кўрсаткич туради. Ушбу харажатларни барқарор ўзлаштиришда бир неча йиллар давомида тупроқлар $2k$ -чи туридан $2k-1$ -чи турига қадар яхшиланади, деган тахмин юритилади. $2k-1$ -чи ўринда ер сифатини аввалги даражада ушлаб туриш учун керакли бўлган харажатларнинг кўрсаткичи ҳисобланади. Шунинг учун $2k$ -чи ўринда турган кўрсаткични иккита таркиб топтирувчиларга бўлиб юбориш мумкин: биринчи таркиб топтирувчи ҳосилдорликни ушлаб туриш учун керак бўладиган харажатлар даражасини кўрсатади, иккинчиси $2k-1$ -чи ва $2k$ -чи ўринларда турган кўрсаткичлар фарқига тенг бўлиб, бевосита шўрхок ерларнинг яхшиланишига йўналтирилган қўшимча харажатларни кўрсатади.

Шундай килиб, f_i катталиги сифатида айрим фаразлар асосида амалга оширилган $2k-1$ ва $2k$ ўринларда турган кўрсаткичлар фарқланишини танлаш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар сўмда куйидагича ҳисобланган:

$$f_1 = 9150 - 7500 = 1650$$

$$f_2 = 8000 - 6500 = 1500$$

$$f_4 = 11000 - 8200 = 2800$$

$$f_5 = 12000 - 9000 = 3000$$

$$f_3 = 11000 - 7250 = 3750$$

$$f_6 = 13000 - 9550 = 3450.$$

Ушбу кўрсаткичлардан фойдаланиб, (3.23) га мос равиша қуидаги қийматлар олинди (14-жадвал).

14-жадвал

Тўрткўл туманида мелиоратив ҳолати яхшиланадиган ер майдонларининг асосий кўрсаткичлари³²

| f_i | $c_{2i-1} - c_{2i}$ | $\frac{c_{2i-1} - c_{2i}}{f_i}$ | Ўрни |
|-------|---------------------|---------------------------------|------|
| 1650 | 4.88 | 0.0296 | III |
| 1500 | 4.73 | 0.0315 | II |
| 3750 | 5.31 | 0.0144 | VI |
| 2800 | 9.21 | 0.0329 | I |
| 3000 | 5.76 | 0.0192 | V |
| 3450 | 9.8 | 0.0284 | IV |

Шундай қилиб, $I_1 = 4, I_2 = 2, I_3 = 1, I_4 = 6, I_5 = 5, I_6 = 3$ га тенг бўлади. Мос равиша ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун жалб қилинадиган кўшимча ҳаражатларни энг самарали сарфлаш йўли бўлиб янги сугориладиган ўтлоқи аллювиал енгил кумлоқли тупроқларнинг шўрланишини камайтиришга қаратилган ҳаражатлар, кейин эса эски сугориладиган ўтлоқи аллювиал енгил кумлоқли тупроқларга жалб қилинган ҳаражатлар хисобланади ва ҳ.к. Бизнинг фикримизча, моделни шакллантиришда кабул қилинган айрим шартли фаразлар йўл қўйилган бўлишига қарамасдан, олинган натижа чекланган маблағлар мавжуд бўлган шароитларда турли ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг кетма-кетлигини аниклаш учун муҳим бўлган йўналишларни кўрсатиб беради.

Олинган масалани унинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган ҳолда ҳал қилиш учун параметрик дастурлаш усулини кўллаш орқали тупроқларнинг $2k$ -чи турларидан $2k-1$ -чи турлари даражасига қадар яхшилашга йўналтирилган, ажратилган маблағлар катталигига боғлик бўлган масаланинг оптималь ҳал этилишини топамиз.

Агар $F \in [0, 241950]$ бўлса, $x(F) = (0, 0, 0, /280, 0, 0)$ бўлади, агар $F \in [241950, 400695]$ бўлса, $x(F) = (0, F/150, 0, 829, 0, 0)$ бўлади, агар $F \in [400695, 471645]$ бўлса, $x(F) = (F/165, 1058, 3, 0, 829, 0, 0)$ бўлади. агар $F \in [471645, 764412]$ бўлса, $x(F) = (430, 1058, 3, 0, 829, 0, F/345)$ бўлади, агар $F \in [764412, 901202]$ бўлса, $x(F) = (430, 1058, 3, 0, 829, F/300, 848, 6)$ бўлади, агар $F \in [901202, 1133332]$ бўлса, $x(F) = (430, 1058, 3, F/375, 829, 456, 848, 6)$

³² Жадвал муаллиф хисоб-китоблари асосида тузилган.

бўлади ва ниҳоят, агар $F \in [1133332, \infty]$ бўлса, $x(F) = (430, 1058, 3, 645, 2, 829, 456, 848, 6)$ бўлади. Охириги ҳолатда масаланинг максадли функцияси ўзгармасдан қолади. Мазмун жиҳатдан бундай бўлиши умуман олганда шубҳасиз, чунки 1133332 дан катта бўлган харажатлар миқдорида шўрланганлик даражасини камайтириш хисобига яхшилаш учун яроқли бўлган майдонларнинг ресурслари батамом тугайди. Максадли функциянинг оптимал киймати F га боғлиқ хисобланади, бундай боғлиқлик тепага кўтарилган каварик шакл хисобланади. Чунки, функция бўлакли-чизиқли бўлиб, бу ерда ҳар бир кейинги, «бўлак» аввалагисига қараганда тузилиши бўйича камрок бурчақли коэффициентга эга. Айтиб ўтилган параметрик боғлиқликни шакллантириш шўрланиш даражасини камайтириш учун мўлжалланган тупроқларнинг оптимал кетма-кетлигидан ташкари, ушбу чора-тадбирларга сарфланадиган маблағлар миқдорининг оқилона катталигини аниклаш имконини беради. Ушбу моделни фермер хўжаликлари фаолиятида уларнинг экин майдонлари тузилмасини оптималлаштиришда қўллаш катта самара беради.

3-боб бўйича қисқача хуносалар

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бошқа омиллардан фарқли ўлароқ табиий ресурслар, жумладан, ер ва сув ресурслари катта аҳамиятга эга. Шу сабабли, фермер хўжаликларининг иктисодий кўрсаткичлари кўп жиҳатдан ер ресурсларининг сифати ва захирасига боғлик.

2. Қоракалпоғистон Республикасида дехкончиликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – ерларнинг турли даражада шўрланиши натижасида экинлар хосилдорлигининг нисбатан пастлигидир. Мазкур бобда ерларнинг сифатини уларнинг иктисодий баҳоси орқали акс эттиришга ҳаракат килинди.

3. Ерларнинг сифати ҳар хил, шўрланиш даражасининг моддий зарарини белгилаш учун ташқи самара (экстерналий)ларни аниклаш ва давлат томонидан уларни тартиблаштиришга ҳаракат килинди.

4. Фермер хўжаликлирида ташқи самара (экстерналий)ларни аниклашда ҳар хил тоифадаги иктисодий-математик моделлардан фойдаландик. Жумладан, корреляцион-регрессион моделлар ёрдамида экологиянинг ишлаб чиқаришга салбий таъсири миқдор жиҳатидан аникланиб, шўрланмаган, кам, ўртача ва кучли шўрлан-

ган ерларнинг асосий экин турларига таъсири топилди ва ташқи самаралар даражаси иқтисодий жиҳатдан баҳоланди.

5. Ташқи самара (экстерналий)лар таъсири натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида таклиф этгри чизиги чап томонга силжийди, натижада асосий харажатларга ташқи самаралар билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳам қўшиш зарур бўлади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Саноати ривожланган ва юкори тараккиётга эришган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, улар такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг табиий равишда кечиши ва жамиятнинг тўлақонли турмуши кечиришини таъминлаш учун зарур бўлган барча функцияларни ҳам бозор муносабатлари орқали амалга ошириш кобилиятига эга эмас. Эркин бозор механизми макроиктисодий баркарорликни таъминлаш нуктаи назаридан нокобил бўлиб чикмоқда. Бозор муносабатлари ўз ҳолица ахолига ижтимоий кафолатлар беришни таъминлашга мутлако кодир эмас. Демак, бозор давлат иштирокисиз иктисодий ва миллый хавфсизликни, жамиятда ижтимоий баркарорликни таъминлаш муаммосини ҳал эта олмайди.

2. Бизнинг фикримизча, ташки самара (экстерналий)лар ресурсларга хусусий мулк эгалиги яхши ифодаланмаганлиги сабабли вужудга келади ва бу ҳолат бозор айирбошлишининг бузилишига олиб келади. Танкис бўлган ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда, таклиф ва талаб функцияларни кесишган нуктаси ва Парето-оптимум шартига тўғри келмайди. Экстерналийлар мавжудлиги туфайли, бозор баҳоси ресурсларнинг танкислик даражасини яхши ифодаламайди.

3. Агар ишлаб чиқарип жараёни натижаларида ташки самара (экстерналий)лар вужудга келса, унда корхоналарнинг фойда микдорини оптимальлаштирувчи ишлаб чиқариш ҳажми P . Коуз төрекмасига асосан маржинал ижтимоий харажатлар (MSC)ни маржинал ижтимоий нафга (MSB) тенглаштириб топиш зарур. MSC – маржинал ижтимоий харажатлар ишлаб чиқариш харажатларига MC ташки салбий самара (экстерналий)ларни қўшиш орқали топлади. Ташки самара (экстерналий)лар таъсири натижасида кишлоп ҳўжалик маҳсулотлари таклиф эгри чизиги чап томонга силжийди, натижада асосий харажатларга ташки самаралар билан боғлик бўлган харажатларни ҳам қўшиш зарур бўлади.

4. Ташки самара (экстерналий)ларни тартиблаштириш фирма ва корхоналарнинг мулкка эгалигини тан олиш ва тўғридан-тўғри

музокаралар олиб бориш ёки давлат томонидан тартиблаштириш орқали ҳал қилиниши мумкин. Тадқиқотлар шундан далолат беради, агарар тармоқда ташқи самара (экстремалий)ларни чеклаш ёки таъқиқлашга нисбатан уни давлат томонидан тартиблаштириш йўли самарали ёндашув хисобланади.

5. Монографияда ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашуви ва тупроқнинг шўрланиши билан боғлиқ экстерналийлар таҳлил қилинган. Экстерналийлар ёки тупроқнинг шўрланиши товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида яратиладиган, лекин бунга розилик бермаган инсонлар томонидан тўланадиган ташқи харажатлардир. Ерларнинг шўрланиши ва мелиоратив ҳолати ёмонлашуви муаммосининг моҳияти шундан иборатки, иқтисодчилар уларни экстерналийлар ёки ташқи таъсиirlар, деб атасади. Бу, уларни амалга оширувчи ишлаб чиқарувчилар, ушбу ҳолатда фермер хўжаликлари томонидан эътиборга олинмайдиган харакатлар оқибатидир. Шунинг учун тупроқнинг шўрланиши ёки мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви мулкчилик ҳукуқлари борасидаги низоларни ўзида намоён этади. Бу низони ҳал этишининг йўли давлат томонидан ерлардан самарасиз фойдаланган ва шўрланишга сабабчи бўлган субъектларни жарима орқали жазолашдир.

6. Экстерналийлар ахборот асимметрияси ва товар сифатини назорат қилишнинг иложисизлиги сабабли юзага келади. Турли бозорларда (туриб қолган товарлар, молия, суғурта бозорлари, меҳнат бозори, ахборот технологиялари бозори) улар намоён бўлишининг ўзига хос жиҳатлари турлича ва иқтисодиётига қўрсатиладиган таъсиirlар (тескари селекция, агентлик хизматлари бозорининг таомиллашмаганлиги) ўта табакалашган.

7. «Экология хавфсизлиги» давлат дастурини амалга ошириш учун тегишли иқтисодий воситаларни ишлаб чиқиш ва харажатларда барча чиқимларни, шу жумладан, ташқи таъсиirlар (экстерналийлар)ни бартараф этиш чиқимларини, тўлиқ акс эттириш лозим. Бироқ, агарар секторда баъзан товар ишлаб чиқарувчиларнинг атроф-муҳитни муҳофаза килиш билан боғлиқ харажатларини рўйхатга олиш ва бухгалтерия харажатларида акс эттириш жуда мушкул. Уларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсиiriни тадқиқ этиш нафакат атроф-муҳитни муҳофаза килиш тадбирларини ишлаб чиқиш учун, балки табиий ресурслардан, биринчи навбатда, ерлардан самарали фойдаланиш борасида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

8. Такомиллашган бозорларга нисбатан қўлланилгани каби экстерналийларга эга бўлган бозорларни таҳлил килишда ҳам, мувозанат ва самарали ҳолатларни тақкослаш уларнинг тавсифлари асосида амалга оширилгани маъкул. Биз, экстерналийларга эга бўлган иқтисодиётнинг Парето-самарали ва мувозанат ҳолатлари тавсифларига эга бўламиз ва улар асосида, одатда, бозор мувозанат ҳолати самарасиз эканлигини кўрсатамиз. Бошқача айтганда, экстерналийларга эга бўлган иқтисодиётда, одатда, бозорнинг тартиблаштирилиши муваффақиятсиз бўлади.

